



Et docere et discere servitute legis

O'ZBEKISTON TERGOVCHISI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
HUKUMI MUHOFAZA QILISH
AKADEMIYASI

№1 (8) 2025

ILMIY — AMALIY YURIDIK JURNALI

СЛЕДОВАТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

научно-практический юридический журнал

THE INVESTIGATOR OF UZBEKISTAN

scientific – practical law journal



www.proacademy.uz
ISSN 2181-9564

ЖУРНАЛ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЈАЛАР ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЈА КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ 2023 ЙИЛ 31 МАРТДАГИ
335-СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ИЛМИЙ НАШРЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН





№1 (8) 2025

ЎЗБЕКИСТОН TERGOVCHISI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:
Евгений Коленко

Масъул котиб:
Давурхон Нодиров

Таҳрир кенгаши:
Ниғматилла Йўлдошев
Баҳриддин Валиев
Салом Самадов
Музаффар Эгамбердиев
Ричард Джойс

Таҳрир ҳайъати:
Ҳалим Болтаев
Бахтиёр Пўлатов
Фахри Рахимов
Музаффаржон Мамасиддиқов
Уйғун Нигмаджанов
Жаҳонгир Максумов
Ваҳобжон Каримов
Адхам Одинаев
Бахтиёр Каюмов
Мухтарам Раджапова
Хуршид Каримов
Алишер Ҳидоятуллаев
Истам Астанов
Азиз Хикматов
Рустам Кабулов
Баҳром Ахроров

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар
агентлигида 2023 йил 23 мартда
070684-сонли гувоҳнома билан
олинган. Журнал Ўзбекистон
Республикаси Олий таълим, фан ва
инновациялар вазирлиги ҳузуридаги
олий аттестация комиссияси
Раёсатининг 2023 йил 31 мартдаги
қарори билан диссертациялар асосий
илмий натижаларини нашр қилиш
тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига юридик фанлар бўйича
киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Журналда чоп этилган материаллардан
фойдаланилганда “Ўзбекистон
терговчиси” журналидан олинди деб
кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим
этилган материалларни тақриз қилиш
ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:
100190, Тошкент шаҳри,
Рихсийлий кўчаси 9-уй
veb-site: www.proacademy.uz
e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:
Ж.АБДУҚАҲҲОРОВ
Буюртма №278-23 Адади 595
Журнал «Credo Print» МЧЖ китоб
фабрикасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:
Тошкент ш., Боғишамол к. 160.
Тел.: 71 234-44-01/05.
www.credoprint.uz

Мундарижа/Оглавление/Table of contents

В.КАРИМОВ, А.ИБОДОВ	Пора олиш-беришга иғво қилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда қонунийликка риоя қилиш шартлари.....	3
И.НАРИМОВ	Ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳамда фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари – инсоннинг ғаразли тафаккури билан содир этиладиган жиноятлар	11
Г.МУСАЕВ Б.ЯХЬЯЕВ	Некоторые аспекты совершения преступлений при помощи искусственного интеллекта	16
А.НИЯЗОВ	Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш: хорижий тажриба	21
Н.ҚЎШАЕВ	Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашнинг айрим жиҳатлари.....	26
Т.КЕНЖАЕВ, Р.ЭСАНБОЕВ	Институт примирения в Республике Узбекистан	31
А.БОБОХОНОВ	Тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларда иштирок этишга оид қонунчилик таҳлили ва назарий маълумотлар.....	35
Б.РАЖАБОВ	Прокурор-криминалист фаолиятини жиноят-процессуал тартибга солишнинг истиқболлари	43
О.КИМ	Международные стандарты при расследовании преступлений и профилактики правонарушений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ среди несовершеннолетних	51
Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ	Суриштирув фаолияти устидан прокурор назоратини самарали таъминлашда аҳамият қаратилиши лозим бўлган масалалар	55
И.КАЛАНДАРОВ	Деятельность подразделения финансовой разведки Республики Казахстан: современное состояние и перспективы развития	60
С.ТУРСУНБОЕВ	Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тизимида янги тергов органи ташкил қилинди.....	64
D.MUSAEV	Peculiarities of international cooperation in the sphere of illicit drug trafficking	68
А.БУТАЕВ	Оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги тушунчаси, ҳуқуқий баҳолаш масалалари, хорижий ёндашув ва назарий жиҳатлари	77
А.АБДУЛЛАЕВ, А.АТОЕВ	Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос жиҳатлари	83
И.ЗОИРОВА	Айрим тергов ҳаракатларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари	90



Ваҳобжон КАРИМОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессори,
ю.ф.д., профессор

Асрорбек ИБОДОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

ПОРА ОЛИШ-БЕРИШГА ИҒВО ҚИЛИШ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТЕЗКОР ЭКСПЕРИМЕНТ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШДА ҚОНУНИЙЛИККА РИОЯ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан пора олиш-беришга иғво қилиш (провокация) ҳолатларини аниқлашга оид муаммолар, уларни фож этиш бўйича тавсиялар берилган, шунингдек, тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда қонунийликка риоя қилиш шартлари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрена проблематика провокации взятки, даны рекомендации по их выявлению, а также иных провокационных действий со стороны сотрудников правоохранительных органов, отражены условия соблюдения законности при проведении оперативно-розыскного мероприятия «оперативный эксперимент».

ABSTRACT. The article considers the issues of provocation of a bribe, gives recommendations for the identification of such cases, as well as other instigative-provocative actions on the part of law enforcement officers and persons assisting them, reflects the conditions of the rule of law when carrying out operational investigative experiment.

Калит сўзлар: пора олиш-беришга иғво қилиш (провокация), жиноят тўғрисида ариза (хабар), тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбири, тезкор эксперимент.

Ключевые слова: провокация взятки, заявление (сообщение) о преступлении, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскное мероприятие, оперативный эксперимент.

Key words: provocation of a bribe, statement (message) about the crime, operational investigative activity, operational investigative activity, operational experiment.

XXI асрда коррупция халқаро миқёсдаги глобал муаммо бўлиб, давлат хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид сифатида баҳоланади. Коррупциянинг барча кўринишлари (жумладан, порахўрлик) билан мурасасиз ва қатъий курашиш Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатидаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади¹. Кейинги йилларда мазкур соҳада ўтказилган ислохотлар натижаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрни муайян даражада яхшиланишига эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Transparency International” кор-

рупцияга қарши ташкилотининг Коррупция-ни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index) да 2017 йилда 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2023 йил натижаларига кўра 37 даражага юқорилаб 121-ўринга лойиқ кўрилди².

Коррупциявий жиноятлар давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, халқнинг давлат органларига нисбатан ишончини су-сайтиради³. Республикада коррупциявий жиноятларни аниқлаш, фож этиш ҳамда бу борада жазо муқаррарлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганлиги натижасида 2020-2024 йиллар давомида кор-

1 Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международного-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт». –Т.: Chashma Print, - С. 110.

2 Corruption perceptions index 2024 // [Electronic resource] URL: <https://images.transparencycdn.org/images>.

3 Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy № 4, 2018 йил, 5-бет.



рупцияга оид ҳолатлар юзасидан 16 124 нафар шахсларга нисбатан 13 691 та жиноят иши қўзғатилган. Ушбу жиноят ишларининг 1 014 таси Жиноят кодексининг 210, 211, 212-моддалари бўйича қўзғатилган. Коррупциявий жиноятлар ичида ижтимоий хавфи юқори бўлган порахўрликнинг таҳлиliga кўра, 2020-2024 йиллар мобайнида жами 1 014 та (пора олиш, пора бериш ва пора олиш ёки беришда воситачилик қилиш) ҳолат аниқланган бўлиб, йиллар кесими бўйича – 2020 йилда 132 та, 2021 йилда 165 та, 2022 йилда 169 та, 2023 йилда 195 та ва 2024 йилда 353 тани ташкил этган⁴. Ушбу таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, сўнгги 5 йилда бу турдаги жиноятларнинг жиддий ўсиши кузатилиб, қарийб 2,7 бараварга ошганлиги хавотир туғдиради.

Шу билан бирга қайд этиш жоизки, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (кейинги ўринларда – ХМҚО) ходимларида коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фoш этишда ҳар қандай, шу жумладан, ноқонуний усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (баъзан эса зарур) деган тасаввур шаклланган. Пора олиш-бериш ҳолатларини фoш этиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти(ТҚФ) ни амалга оширувчи органлар ходимлари ва уларга кўмаклашаётган шахслар порахўрларнинг жиноий ҳаракатларини фoш этишда ҳар хил иғвогарлик (провокация), жиноятга қизиқтириш, ундаш, даъват қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни қўллашга мойиллик билдирадilar. Бундай ҳаракатлар мансабдор шахсни иғвогарлик йўли билан жиноят содир этишга ундаш орқали уни айблаш ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш масаласини енгиллаштириш мақсадида ўтказилади. Бу эса коррупцияга қарши курашиш мақсадларига зид бўлиб, бу каби жиноятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва фoш этишга нафақат ёрдам бермайди, балки ўйлаб топилган жиноятларни сунъий равишда яратиш учун замин яратади.

Иғвогарлик йўли билан жиноят содир этишга ундаш ҳаракатларини амалга ошириш мотивлари турлича бўлиши мумкин. Одатда бу ХМҚОнинг тезкор ходимлари томонидан

коррупцияга қарши курашишга доир статистик кўрсаткичларни яхшилаш истаги, хизмат манфаатларини нотўғри тушуниш каби ниятлар билан боғлиқ бўлади. Баъзи ҳолларда бундай ноқонуний ҳаракатлар айрим ходимларнинг касбий даражаси пастлиги ва ҳуқуқий саводхонлигининг етишмаслиги натижаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, иғвогарлик билан боғлиқ ҳаракатларни ҳасад, қасд олиш, рақобатчини синдириш, туҳмат қилиш, тегишли лавозимни эгаллаш истаги каби сабаблар туфайли бошқа шахслар ҳам содир этиши мумкин. Шу боис бундай ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш ва бартараф этиш коррупцияга қарши кураш соҳасида қонунийликни таъминлашнинг муҳим қафoлатларидан бири ҳисобланади.

Пора олиш-беришга иғво қилиш (провокация) ҳолатларини аниқлаш – бу ваколатли мансабдор ёки бошқа шахслар томонидан ҳокимият вакили, давлат ёки нодавлат ташкилоти хизматчисига унинг розилигисиз пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулкий хусусиятга эга хизматларни беришга қаратилган ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш ва қайд этиш жараёни ҳисобланади.

Бу каби ноқонуний ҳаракатларга оид тушган мурожаатларни текшириш жараёнида ариза, хабар ва бошқа маълумотлар дарҳол рўйхатга олинishi ва кўриб чиқилиши шарт, зарур ҳолларда эса жиноят иши қўзғатиш учун асос ва далилларнинг қонунийлигини текшириш муддати ўн кундан ошмаслиги лoзим. Бу муддат ариза, хабар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб иш қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад этиш ёхуд текширув материалларини прокурорга юбориш ҳақида қарор қабул қилингунига қадар ҳисобланади⁵. Кўрсатилган муддат давомида терговга қадар текширув ўтказилиб, бу жараёнда қўшимча ҳужжатлар ва тушунтиришлар олинishi, шунингдек, шахсни ушлаш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш ишлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирлари(ТҚТ)ни ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув даврида бошқа тергов ҳаракатларини

4 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2020-2024 йилларда мансабдор шахслар жиноятчилиги бўйича статистик маълумотлари тўплами // <https://www.prokuratura.uz/#/newsview?id=651>

5 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси биринчи – учинчи қисмлари



ўтказиш тақиқланади. Истисно ҳолларда, терговга қадар текширув муддати, текширувни ўтказувчи органнинг суриштирувчиси, терговчиси ёки мансабдор шахсининг асосланган қарорига асосан, прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин⁶.

Аризачи томонидан баён этилган далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш мақсадида ариза(хабар)да куйидаги маълумотларнинг келтирилгани мақсадга мувофиқдир:

а) аризачининг провокацияга учраган шахсининг) фамилияси, исми, отасининг исми, унинг иш ёки хизмат жойи, эгаллаган лавозими, тайинланган сана, ҳарбий ёки махсус унвони;

б) аризачига қандай аниқ ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифалари юклатилгани ҳамда ушбу вазифалар қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (меҳнат шартномаси, лавозим йўриқномаси) билан белгилаб қўйилгани;

в) аризачига унинг розилигисиз пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулк хусусиятга эга хизматларни тақдим этишга уринаётган шахс ҳақидаги маълумотлар;

г) аризачи ва иғво қилувчи шахс ўртасидаги муносабатлар хусусияти;

д) иғво объекти бўлган нарса тўғрисидаги маълумотлар (мукофот пули миқдори, қимматли буюмлар ва ҳоказо);

е) иғвогарлик ҳаракатлари амалга оширилиши мўлжалланган жой, вақти ва усули;

ж) тахминий иғвогарлик ҳолатини тасдиқловчи мавжуд материаллар (масалан, техник воситалар орқали аудиоёзувлар (агар мавжуд бўлса), шунингдек, маълумот тақдим этган манба ҳақидаги тафсилотлар⁷.

Одатда пора олиш-беришга иғво қилишни аниқлаш ва фош этиш фақат ТҚТни ўтказиш орқали мумкин бўлади. Шу муносабат билан жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган муддатларда қонуний ва асосли қарор қабул қилиш заруратидан келиб чиқиб, процессуал текширувни ўтказиётган шахс учун ТҚФни амалга оширувчи органга мазкур тад-

бирларни ўтказиш ҳақида дарҳол топшириқ юбориш мақсадга мувофиқдир. Ушбу топшириқда натижаларни тақдим этиш муддати аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси (пора олиш), 211-моддаси (пора бериш), 212-моддаси (пора олди-беришда воситачилик қилиш) бўйича жиноятлар ҳақидаги аризаларни (хабарларни) процессуал текшириш жараёнида, шу жумладан, ТҚФ натижаларини баҳолашда текширувни амалга ошираётган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳаракатларида пора олиш-беришга иғво қилиш аломатлари мавжудлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳуқуқий баҳо бериши лозим.

Ариза (хабар), шу жумладан, ноошкора манбалардан ёки тергов бўлинмаларидан олинган маълумотлар (ТҚТни ўтказиш ҳақидаги топшириқ) асосида ТҚФни амалга оширувчи орган тегишли ТҚТни ўткази⁸. Ушбу тадбирлар пора олиш-беришга иғво қилиш ҳаракатини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни тайёрлаётган, содир этишга уринаётган ёки содир этган шахсларни аниқлашга қаратилган.

Пора провокацияси ҳолатларини аниқлашга қаратилган ТҚТ фақатгина қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина ўтказилади.

Пора олиш-беришга иғво қилиш ҳолатларини аниқлашнинг энг самарали усули – бу Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 14-моддаси 1-қисми 16-бандида назарда тутилган тезкор эксперимент ТҚТ ҳисобланади.

Тезкор эксперимент – ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида ТҚФни амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир. Бу тадбир тўлиқ назорат қилинувчи шароитлар-

6 Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кучкаров Т.Р. *Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма*. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018 йил, 57-бет.

7 Волинский А.Ф., Лапин Е.С. *Расследование провокации взятки и коммерческого подкупа*. – М.: Юрлитинформ, 2020 г. – С. 88-89.

8 Каримов В. *Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари*. – Т., 2019 йил, 43-бет.



да ТҚФни амалга оширувчи орган томонидан бошқариладиган ҳолда ўтказилади.

Тезкор эксперимент давомида қонуний ва ноқонуний фаолиятига оид маълумотлар мавжуд бўлган шахс мазкур тадбирда иштирок этиши ҳақида хабар берилмасдан жараёнга жалб қилинади. Ушбу тадбир шахс томонидан содир этилган ноқонуний ҳаракатларни тасдиқлаш, шунингдек, олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ва уни фош қилиш мақсадида амалга оширилади⁹.

Тезкор эксперимент ўзининг ташкилий-тактик хусусиятига кўра комплекс ўтказиладиган тадбир бўлиб, тезкор кузатув, сўров, шахсинг айнанлигини аниқлаш, текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш каби бир қатор ТҚТни ёки уларнинг айрим элементларини қамраб олади¹⁰. Тезкор эксперимент мақсадларига эришиш учун содир бўлган воқеага максимал даражада яқин шароитлар яратилади. Яъни тадбирни амалга ошириш учун керакли миқдорда шахслар жалб этилади, зарур ҳолларда техник воситалар қўлланилади, тадбир ўтказиладиган жойда (бинода, ҳудудда) тегишли муҳит ташкил қилинади. Бундай чора-тадбирлар воқеани тўлиқ қайта тиклаш ёки содир бўлишини таъминлаш, шунингдек, тадбирни ўтказиш мақсадларига мувофиқ равишда зарур маълумот ва далилларни йиғиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ташкил қилинган шароитлар орқали эксперимент жараёни тўлиқ назорат қилинади ва қонуний асосларда ўтказилади.

Тезкор эксперимент ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ўтказилади¹¹. Бундай қарор экспериментни қонунийлик принципига мувофиқ равишда ўтказиш, шунингдек, тадбир натижалари орқали қонуний ишларни олиб бориш имконини беради. Қарорда тадбирнинг мақсади, вазифалари, ўтказилиш шароитлари ва бошқа зарур маълумотлар аниқ баён этилиши лозим.

Тезкор материалларда (тезкор-қидирув иш

юритув ишлари, тезкор хизмат ҳужжатлари) қуйидаги ҳолатлар: яъни пора олиш-беришга иғво қилувчи шахс, ўзи ёки воситачилар орқали мансабдор шахсга (ёки унинг вакилига) унинг розилигисиз пул маблағлари, қимматли қоғозларни бермоқчи, бошқа мулк ёки мулкый хусусиятга эга хизматларни кўрсатмоқчи эканлиги, бундай ҳаракатлар сунъий равишда жиноят содир этилганлиги ҳақида далиллар яратиш ёки шантаж қилиш мақсадида амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи етарли ва ишончли маълумотлар бўлиши лозим. Бу маълумотлар тадбирнинг қонуний ва асосли ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, кейинги ҳуқуқий ҳаракатларни қонуний тарзда олиб бориш учун муҳим асос бўлади.

Пора олиш-беришга иғво қилувчи шахсга нисбатан мавжуд маълумотлар бошқа ТҚТ натижалари билан тасдиқланган бўлиши лозим. Бунда шахсинг илгари жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотлар етарли асос ҳисобланмайди. Тезкор тадбирлар натижалари шахсинг ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ҳақида ишончли далиллар тақдим этиши шарт. Бу далиллар иғво қилиш ҳаракатлари содир этилаётганлигини ёки содир этилиши мумкинлигини тасдиқловчи объектив маълумотларни ўз ичига олиши керак. Фақат шу йўл билан тадбирнинг қонунийлиги ва асослилиги таъминланади¹².

Муайян ҳолатда пора олиш-беришга иғво қилиш ҳаракатини содир этиш ниятини тасдиқловчи қуйидаги материаллар мавжуд бўлиши мумкин:

иғвога учраган шахсинг аризаси ва тушунтиришлари;

тезкор аҳамиятли маълумотларга эга бўлган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари;

ёзувлар, почта жўнатмалари, телекоммуникация каналларидан олинган маълумотлар, телефон сўзлашувларини эшитиш натижалари. Уларда пора олиш-беришга иғво қилиш аломатлари, пора бериш нияти, пора бериш усули, жиноятга оғдириш, шу жумладан, иғвога

9 Никитин Е.Л., Дытченко Г.В. *Прокурорский надзор за законностью проведения и документирования оперативно-розыскных мероприятий*. – М., 2023 г. – С. 26-27.

10 Каримов В. *Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунига илмий-амалий шарҳ*: – Тошкент, 2021 йил, 147-бет.

11 Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 16-моддаси 5-банди

12 Гармаев Ю.П. *Расследование коррупционного посредничества: монография* / Ю.П. Гармаев, Д.А. Степаненко, Р.А. Степаненко. – Москва: Издательство «Юрлитинформ», 2017 г. – С. 97-98.



учраган шахсга жисмоний зарар етказиш таҳдидлари, унинг яқинларига таъсир қилиш, алдаш ёки доимий равишда талаб қилиш ҳақида маълумотлар бўлиши керак;

пора олиш-беришга ундовчига нисбатан яширин равишда ўтказилган натижалари. Бунда шахс билан мулоқотда бўлиб, унинг сунъий равишда далил яратиш ёки ифвога учраган шахсни шантаж қилиш мақсадида пора бериш ниятини тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олиши лозим;

ифво қилиш ниятини тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олган бошқа материаллар.

Тезкор эксперимент ўтказишда тезкор-техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ТҚФни амалга оширувчи органлар қонунга кўра видео- ва аудиоёзув, кино- ва фотосуратга олиш воситаларини, шунингдек инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсиз бошқа техника воситаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир¹³. Бу воситалар мазкур ТҚТни қонунийлик ва ҳолислик асосида ўтказишнинг кафолати бўлиб, ҲМҚО ходимлари (уларга кўмаклашувчи шахслар) томонидан қонунбузарликка йўл қўймасликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 12-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига мувофиқ, айрим шахслар уларнинг розилиги билан ТҚТни, шу жумладан, тезкор экспериментни тайёрлаш ёки ўтказишга жалб қилиниши мумкин¹⁴. Агар тезкор экспериментни ўтказиш ташаббускори ҳолислар, жамоатчилик вакилларининг иштирокини зарур деб ҳисобласа, бу натижаларнинг ишончлилигини ошириш ва текшириш имкониятларини кенгайтириш кафолати бўлиб, уларни тезкор эксперимент тадбирига жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай шахслар тезкор эксперимент натижаларидан манфаатдор бўлмаслиги, шахсий ва жисмоний хусусиятлари бўйича тадбир давомида содир этилган ҳаракатлар хусусияти ва кетма-кетлигини тўғри англаб етиш, эслаб қолиш ва тасдиқлаш қоби-

лиятига эга бўлиши лозим.

Тўғридан-тўғри ифвога учраган шахс ва ифво қилувчи шахс ўртасидаги алоқада тезкор ходимларнинг тезкор эксперимент ўтказиш жараёнидаги роли, унинг ривожланиш босқичларини сиртдан кузатиш ва қайд этиш билан чекланиши лозим. Бу ифво қилувчининг мустақил равишда ўз ниятини шакллантиришига таъсир кўрсатмаслик учун муҳимдир.

Тезкор ходимлар назорати остида бўлган ифвога учраган шахс томонидан қуйидаги ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди: а) ташаббус кўрсатиш ҳаракатлари; б) пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулк хусусиятга эга хизматларни унга бериш зарурлиги ҳақида таклифлар;

в) эслатмалар, илтимослар ва бошқа ҳаракатлар.

Бундай чекловлар тадбирнинг қонунийлиги ва ҳолислигини таъминлаш, шунингдек, пора олиш-беришга ифво қилиш ҳолати сунъий равишда, атайлаб яратилишига йўл қўймаслик учун жуда муҳимдир.

Пора олиш-беришга ифво қилиш ҳаракати провокацияга учраган шахснинг иштирокисиз ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳолатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

пора предметини яширинча қолдириш (масалан, провокацияга учраган шахснинг хонасида ёки унинг доимий бўлиб турувчи жойида пул маблағлари ёки бошқа қимматли ашёларни қолдириш);

ифвога учраган шахсга ёки унинг қариндошларига тегишли бино ёки жойда қурилиш, таъмирлаш ёки бошқа ишларни олиб бориш;

пул маблағлари ёки бошқа моддий қийматга эга ашёларни яхши мақсад ниқоби остида ифвога учраган шахснинг қариндошлари ёки яқинларига топшириш;

провокацияга учраган шахс ва ифво қилувчи ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар туфайли расмий равишда топширилаётган моддий бойликларнинг қийматини сунъий пасайтириш;

ифвога учраган шахс учун фойдали бўлган шартларда банк кредити бериш;

13 Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 12-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси

14 Таъкидлаш жоизки, тезкор эксперимент тадбирини ўтказишда жиноятдан жабр кўрувчи шахс(ифвога учраган)нинг иштироки мажбурий ҳисобланади, акс ҳолда мазкур тезкор-қидирув тадбирини ўтказишнинг иложи йўқ.



иғвога учраган шахснинг ҳисобрақамлари-га (шу жумладан, сунъий оширилган миқдор-да) маблағ ўтказиш;

фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар дои-расида иғвога учраган шахс билан келишил-масдан хизматлар ёки ишлар қийматини па-сайтириш.

Бундай ҳаракатлар жиноят содир этилган-лигини сунъий равишда яратиш мақсади-да амалга оширилади ва қонунбузарлик деб баҳоланиши лозим¹⁵.

Бундай ҳолларда мавжуд шарт-шароитлар-дан келиб чиқиб, "Тезкор-қидирув фаоли-яти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасида назарда тутил-ган ТҚТ ўтказилади. Ушбу тадбирлар иғво қилувчи шахснинг бундай ҳаракатни содир этишда иштирокчи ёки иштирокчи эмаслиги-ни аниқлаш имконини беради.

Амалиётда пора олувчиларга (ЖКнинг 210-моддаси), пора берувчиларга (ЖКнинг 211-моддаси) ва пора олиш-беришда восита-чилик қилувчиларга (ЖКнинг 212-моддаси) нисбатан тезкор эксперимент ўтказиш жа-раёнида ХМҚО ходимлари ёки уларга ёрдам кўрсатувчи шахслар (аризачи, кўмаклашувчи шахслар) томонидан далолат қилиш ёки иғво-гарлик ҳаракатлари содир этилиши ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатлар қонунчилик-ка зид бўлиб, порахўрликка қарши курашиш доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг қо-нунийлиги ва холислигини бузиши мумкин. Шу сабабли бу каби тадбирлар тўлиқ назорат остида ва қонуний асосларда амалга ошири-лиши таъминланиши зарур.

ХМҚО ходимлари ва уларга кўмаклашувчи шахслар томонидан пора олиш-беришга иғво қилиш ҳаракатларига йўл қўйилишининг ол-дини олиш мақсадида қуйидаги қоидаларга риоя этилиши лозим.

1. Ўзбекистон Республикасининг "Тез-кор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қону-нининг 15-моддасида назарда тутилган асослар бўлмасдан туриб тезкор эксперимент ўтказиш мумкин эмас. Башарти ТҚТни ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлмаса, ХМҚО ходим-

лари ёки уларга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳаракатларида иғвогарлик аломатлари мавжуд бўлади. Бундай ҳолларда пора олган, пора бер-ган ёки бунда воситачилик қилган шахснинг ҳаракати жиноий жазога тортиладиган ҳаракат сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

2. Тегишли тартибда йиғилган матери-аллар (бошқа ТҚТ натижалари) қуйидаги ҳо-латлардан гувоҳлик бериши лозим: *биринчи-дан*, текшириладиган шахснинг жиноят содир этиш нияти борлигини ва бу ният ХМҚО хо-димлари ёки уларга кўмаклашувчи шах-сларнинг ҳаракатларидан ташқари, мустақил равишда шаклланганлиги¹⁶; *иккинчидан*, тек-шириладиган шахс томонидан ўзининг ғай-риқонуний ҳаракатларини амалга ошириш учун барча тайёргарлик ҳаракатлари бажарил-ганлиги ҳамда бу ҳаракатлар тезкор ходим-лар ёки бошқа шахслар таъсирида ёки бош-қа ноқонуний ҳаракатлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлигини.

3. Тезкор эксперимент ўтказиш пайти-да текшириладиган шахснинг ноқонуний фа-олияти ҳақида ишончли ва аниқ маълумотлар мавжуд бўлиши ва бундай маълумотлар, шу-нингдек, бошқа ТҚТ (масалан, сўров, маълу-мотлар тўплаш ва ҳоказо) натижасида олин-ган бўлиши лозим.

4. Жиноят содир этиш ташаббуси ХМҚО ходимлари ёки уларга кўмаклашувчи шахслар-дан эмас, балки пора берувчи ёки пора олув-чи шахсларнинг ўзидан келиб чиқиши лозим. Акс ҳолда ғайриқонуний ҳаракатларга мойил қилиш ёки қандайдир шаклда даъват қилиш пора олиш-беришга иғво қилиш деб баҳола-ниши мумкин. Тезкор ходимлар ёки тадбирда иштирок этувчи шахсларнинг, айниқса, ариза-чининг шахсий манфаатдорлиги иғвогарлик ҳаракатларига замин яратиши мумкин.

ХМҚО ходимларининг ҳаракатлари пора берувчи ёки пора олувчи шахснинг жиноий хатти-ҳаракатларини қўзғатса (мустақил қа-рор қабул қилишга ёрдам берса), уларнинг эркин иродасини чекламаса ва чалғитмаса, қонуний ва иғвогарлик ҳаракати эмас деб то-пилиши мумкин. Ҳуқуқбузарда жиноят содир

15 Домашенко Н.А.. *Особенности расследования провокации взятки или коммерческого подкупа*. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону. 2021 г. – С. 12.

16 Одатда бир қанча шахслардан мунтазам ва доимий равишда пора олиш ҳолатларини аниқлаш учун тезкор эксперимент ўтказиш мақсадга мувофиқлиги (масалан, ИПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузувчи ҳайдовчилардан мунтазам пора олиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида).



этишга бўлган ният ХМҚО ходимларининг ҳаракатларидан ташқари мустақил равишда шаклланиши лозим.

Бироқ агар пора олувчи (ёки пора берувчи) дастлаб пора олиш (ёки бериш) ниятини қандайдир шаклда билдирган бўлса-да, кейинчалик бундан ихтиёрий воз кечса ёки пора предметини бериш (олиш) бўйича ҳаракатларини тўхтатса, аммо тезкор эксперимент иштирокчилари (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари) аризачини пора предметини беришга ундаса ёки фаол далолат қилса, бу ҳолат ифвогарлик ҳаракати ҳисобланади. Масалан, туман Давлат солиқ инспекцияси инспектори Т.Ш. туман деҳқон бозори худудида жойлашган дўконлар сотувчиларидан мунтазам равишда пора олиб келаётганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатни текшириш мақсадида туман ички ишлар бўлими тезкор ходимлари томонидан тезкор эксперимент тадбири ўтказилган. Тадбирга аризачи (пора берувчи) сифатида жалб қилинган дўкон сотувчиси А.Р. солиқ инспектори солиқ инспектори билан аввалдан келишмаган ҳолда унинг хонасига кириб, 300 минг сўм миқдоридаги пора предметини бермоқчи бўлганида Т.Ш. уни хонасидан чиқариб юборган. Тезкор ходимлар қистови билан А.Р. иккинчи марта порани Т.Ш.нинг хонасига олиб кириб, стол устидаги газеталар орасига қўйиб чиқиб кетгандан сўнг тезкор гуруҳ томонидан Т.Ш. ушланган. Туман прокуратураси терговчиси мазкур ҳолат бўйича тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, Т.Ш.нинг қилмишида жиноят таркиби йўқлиги важи билан ЖПК 83-моддаси 2-қисмига мувофиқ жиноят иши кўзғатишни рад этган ва тезкор ходимларнинг ҳаракати устидан туман ИИБ бошлиғи номига ЖПК 297-моддаси тартибида тақдимнома киритган. Туман прокурори ҳам терговчининг ушбу қарорини маъқуллаган. Бундай ҳолларда тезкор ходимларнинг бу каби ҳаракатлари жиноятга қизиқтириш, далолат қилиш деб топилиши лозим.

Башарти ТҚТни ўтказишга ваколатли шахслар томонидан жиноят содир этилганлиги ҳақида сунъий далиллар яратиш ёки шантаж қилиш, шахсни жиноий таъқиб қилиш

ёхуд унинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида ТҚФ натижаларини қалбакилаштириш ҳаракатлари содир этилган бўлса, бундай ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 230²-моддасида назарда тутилган жиноят аломатларига тўғри келади. Шу билан бирга, агар ХМҚО ходими юқорида қайд этилган мақсадларни кўзламаган ҳолда ғайриқонуний ифвогарлик ҳаракатларини содир қилган бўлса (масалан, етарли тезкор иш тажрибасининг йўқлиги, касбий маҳорати етишмаслиги, бошқарув назоратининг етарли даражада бўлмаслиги ва ҳоказо), у тегишли идоралараро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай чоралар ТҚФда қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга қаратилган.

Агар юқорида қайд этилган қоидаларга риоя этилмаса, тезкор эксперимент натижалари ноқонуний, олинган далиллар эса номақбул, тан олинishi лозим ва улардан жиноят процессида далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса қуйидаги процессуал қарорларни қабул қилиш учун асос бўлади: а) жиноят ишини кўзғатишни рад этиш; б) жиноят ишини (жиноий таъқибни) тугатиш; в) оқлов ҳукмини чиқариш.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида пора олиш-беришга ифво (провокация) қилиш учун жиноий жавобгарликни белгиловчи норма мавжуд эмаслиги бу каби ноқонуний ҳаракатларни содир этувчи шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Лекин бу борадаги хориж тажрибасининг гувоҳлик беришича, бир қатор хориж давлатлари жиноят қонунчилигида бу каби қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 362-моддаси пора провокацияси ёхуд тижоратда пора эвазига оғдириб олишга оид қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда туттади¹⁷. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 304-моддасида ҳам пора провокацияси учун жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁸. Украина

17 Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг (2021 йил 28 октябрь, № 127) 362-моддаси

18 Россия Федерацияси Жиноят кодексининг (2021 йил 13 июнь, №63-ФЗ) 304-моддаси



Жиноят кодексининг 370-моддасида пора провокацияси деганда мансабдор шахс томонидан жабрланувчини пора таклиф қилиш, ваъда қилиш, тақдим қилиш, таклифга рози бўлишга мажбур қилганлик учун жавобгарлик белгиланган¹⁹. Грузия Жиноят кодексиди пора провокацияси учун алоҳида норма белгиланмаганлигига қарамасдан, унинг 145-моддасида жиноятга провокация қилиш каби умумий норма назарда тутилган бўлиб, бу норма шахсни жавобгарликка тортиш мақсадида жиноятга далолат қилишни назарда тутиб, шу жумладан, пора провокациясини ҳам қамраб олади²⁰.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини “Пора олиш-беришга иғво (провокация) қилиш” деб номланган 214³-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

214³-модда. Пора олиш-беришга иғво (провокация) қилиш

Мансабдор шахсга унинг розилигисиз пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулкый хусусиятга эга хизматларни сунъий равишда, жиноят содир этилганлиги тўғрисида далиллар яратиш ёки шантаж қилиш мақсадида таклиф қилишга учиниш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, пора олиш-беришга иғво қилиш ҳаракатларини тезкор эксперимент ТҚТ ўтказиш орқали аниқлаш ва фош этиш муаммоси жуда мураккаб бўлиб, уни тадқиқ этиш ва янада такомиллаштириш учун илмий тадқиқотчилар ҳамда ТҚФни амалга оширувчи органларининг амалиёт ходимлари томонидан янада жиддий ва эътиборли ёндашув талаб этилади.

#

19 Украина Жиноят кодексининг 370-моддаси

20 Грузия Жиноят кодексининг (1999 йил 22 июл, №2287-вс) 145-моддаси



Икром НАРИМОВ,
мустақил тадқиқотчи

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ҚИЛИШ ҲАМДА ФИРИБГАРЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИ – ИНСОННИНГ ҒАРАЗЛИ ТАФАККУРИ БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги ва уларнинг оқибатлари таҳлил қилинган. Ушбу жиноятлардан ўзлаштириш ёки растрата ва фирибгарлик жиноятлари инсон тафаккури билан, олдиндан ўйланган режалар асосида содир этилиши ёритиб берилган. Ушбу жиноятларнинг бир-биридан фарқлари ва квалификация қилиш масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда содир этилаётган мансабдорлик жиноятлари, иқтисодий ва талон-торож қилиш жиноятлари ҳақидаги Бош прокуратуранинг 2023-2024 йиллардаги статистик маълумотлари таҳлиллари баён қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируется общественная опасность преступлений, связанных с хищением чужого имущества, и их последствия. Среди этих преступлений хищение путем присвоения или растрата и мошенничество совершаются с помощью человеческого разума и интеллекта, на основе заранее обдуманного плана. Анализируются различия между этими преступлениями и вопросы квалификации. По данным Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан представлен анализ статистических данных о должностных преступлениях, экономических преступлениях и преступлениях, связанных с вымогательством, совершенных в Узбекистане за 2023-2024 годы.

ABSTRACT. The article analyzes the social danger of crimes related to theft of someone else's property and their consequences. Among these crimes, theft by appropriation or embezzlement and fraud are committed with the help of human reason and intellect, based on premeditated plans. The differences between these crimes and the issues of qualification are analyzed. According to the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan, an analysis of statistical data on official crimes, economic crimes and crimes related to extortion committed in Uzbekistan for 2023-2024 is presented.

Калит сўзлар: талон-торож қилиш, ғаразли фикрлаш, мансабдор шахслар, фирибгарлик, мобил фирибгарлиги, ўзлаштириш, растрата, актив алдаш, пассив алдаш, электрон тижорат, электрон хатлар.

Ключевые слова: хищение, злой умысел, должностные лица, мошенничество, мобильное мошенничество, присвоения, растрата, активное мошенничество, пассивное мошенничество, электронная коммерция, электронная почта.

Key words: theft, malicious intent, officials, fraud, mobile fraud, embezzlement, embezzlement, active fraud, passive fraud, e-commerce, email.

Жамиятда мулкчилик мавжуд экан уни кўпайтиришга, мулкдор бўлишга интилиш инсоннинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолаверади. Жамият аъзоларининг мулкдор бўлишлари бу ҳар кимнинг қонуний ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратди, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият,

тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади”, дейилади.

Мулкдор бўлишга интилиш қонуний ёки гайриқонуний, жиноий мулкдор бўлиш мумкин. Жиноий мулкдор бўлиш ўзгалар мулкни гайриқонуний эгаллаб олиш эвазига содир этилади. Ўзгалар мулкани гайриқонуний эгаллаб олиш турли хилдаги талон-торож қилиш ҳаракатлари билан содир этилади. Ўзгалар мулкларини талон-торож қилиш жино-



ятларидан ўзлаштириш ёки растрата қилиш (ЖКнинг 167-моддаси) ёхуд фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) йўллари билан талон-торож қилиш жиноятлари ўзгалар мулкни инсоннинг ғаразли тафаккури билан содир этиладиган жиноятлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддасининг 3-қисмида “Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

Машҳур мисршунос олим Пьер Монтеининг айтишича, илгари бирор уйга “мулкка тажовуз қилган шахс тимсоҳ тўла сувга ташланади”, деган ёзувнинг ўзи одамларни жиноят содир этмасликлари учун етарли бўлган.

Жамият ривожланишининг бугунги босқичида жиноят содир этишда, хусусан, фирибгарлик, талон-торож қилиш жиноятларида янгидан-янги усуллардан фойдаланилмоқда. Айримлар ўзини кўзи ожиз сифатида кўрсатиб тиланчилик қилсалар, айрим шахслар автомобил ёки кўчмас мулк фирибгарлиги билан, яна бошқалар эса ўзларини фолчи ёки сеҳргар деб қийин ахволга тушиб қолган инсонлар ҳисобига бойлик орттирсалар, бошқа тоифадагилар ҳақиқийсидан фарқлашнинг иложи бўлмаган қалбаки пулларни ўтказиш орқали, бундан ташқари, айнан фирибгарлик билан шуғилланиш мақсадида ташкил этилган фирма, уюшма ёки турли фондларни мисол келтириш мумкин. Фирибгарлик жиноятининг жиноятлар орасидаги улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Талон-торож қилиш жиноятларининг мансабдор шахслар томонидан содир этилиши эса унинг ижтимоий хавфлилигини янада орттиради, етказилган зарарлар кўлами бирмунча кўпроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотларига кўра, 2 023 йилда 1 804 та жиноят иши бўйича 1778 нафар мансабдор шахс, 2024 йилнинг олти ойида 2 525 та жиноят иши бўйича 2 389 та мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу жиноятлар натижасида етказилган зарар 879 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 750 милли-

ард (85 фоиз) сўм зарар ундирилган.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг мансабдорлик мавқеларига кўра 2023 йилда 14 нафари республика миқёсидаги лавозимда, 100 нафари вилоятлар, 166 нафари туман (шаҳар) миқёсидаги мансабдор шахсларни ташкил этган. 2024 йилнинг олти ойида 23 та республика миқёсидаги, 223 та вилоят миқёсидаги, 2143 нафар туман (шаҳар) миқёсидаги мансабдорлик лавозимларини ташкил этган.

Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг энг кўпи, яъни 1467 нафари ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш (ЖКнинг 167-моддаси) жиноятларини содир этган. Бунда асосан давлат маблағларини ўзлаштириш жиноятларини ташкил этганлиги аниқланган. Кейинги ўринларни ўзгалар мулкни фирибгарлик билан талон-торож қилиш (191 нафар), пора олиш (158 нафар) жиноятлари ташкил этган. 2024 йилнинг ярим йиллигида бу жиноятлар оқибатида 1 триллион 466 миллиард сўм зарар (83 фоиз) ундирилган. Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг аксарият вилоятлар, туманлар миқёсидаги ўринбосарлар ва ёрдамчиларни ташкил этганлиги аниқланган¹.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишнинг анча кўп тарқалганлиги ва унинг жамиятга кўп миқдорда зарар етказиши бу жиноятга қарши курашни кучайтириш заруратини келтириб чиқаради. Бу жиноятга қарши курашда амалдаги қонунларни қўллашда жиноятнинг мураккаблиги сабабли баъзи қийинчиликлар туғилмоқда. Бу ҳол ушбу қонун амалда татбиқ этилаётганида жиноятнинг турлича квалификация қилинишига олиб келмоқда. Булар маълум даражада мулкка бўлган жиноий тажовузнинг хилма-хиллиги, ушбу жиноятларнинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлаш қийинлигига ҳам боғлиқдир. Шунингдек, ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш “интеллектуал” жиноятлардан бўлиб, доимий равишда мулкни қўлга киритишда ишлатиладиган мансабни суиистеъмол қилиш ёки алдаш усуллари ўзгариб бориши туфайли уларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни тақозо этади.

1 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларидан



Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлиги мулкнинг турли шаклларига тажовуз қилиниши билан белгиланади. Мулкка қарши қаратилган бошқа жиноятлардан (ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик каби) фарқли равишда, инсон онгидан интеллектуал ғаразли фикрлаш натижасида содир этилиши билан фарқланади. Унинг ижтимоий хавфлилиги тажовузнинг нимага зарар етказганлиги ёки зарар етказиши мумкинлиги билан белгиланади. Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарликда шу жиноят таркибини ўз ичига олган ҳаракатларни бошқа жиноий қилмишлардан фарқлаш қийин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу жиноятнинг содир этилишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этадилар. Улар фирибгарликнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатидан кўрқиб, жиноятнинг фош этилиши учун ҳаракат қилмайдилар. Жиноят тўғрисида тегишли жойларга хабар қилмайдилар.

Ўзгалар мулкларини ўзлаштириш ва фирибгарлик усуллари билан эгаллаб олиш ўзгалар мулкларини талон-торож қилишнинг шакли деб ифодаланади ва ушбу жиноятлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, ушбу жиноятларнинг фарқи шундаки, фирибгарликда мулкнинг айбдор эгалигига ўтишига унинг томонидан алдаш ёки ишончнинг суиистеъмол қилиниши сабаб бўлади. Айбдор алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан тасарруфида, бошқарувида хусусий, давлат ёки жамоат мулки бўлган шахснинг онгига, иродасига таъсир кўрсатади. Оқибатда алданган шахс ўз ихтиёри билан мулкни айбдор қўлига топширади.

Алдаш маълум ҳолатларни, шароитларни, воқеаларни бузиб кўрсатиш, ҳақиқатни яшириш ёки ёлғон маълумотларни хабар қилиш ва бошқа шу каби қилмишларда ифодаланиши мумкин. Алдаш икки усулга: фаол ва пассив алдаш ажратилади. Актив алдашда фирибгар жабрланувчига ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни етказди. Пассив алдашда эса жабрланувчига етказилиши лозим бўлган маълумотлар эълон қилинмайди.

Суд-тергов амалиётида алдашнинг фаол ҳаракат билан содир этиш тури кўп учрайди. Масалан, М. исмли шахс 2023 йил 2 июнь куни

Чилонзор тумани 19-мавзесидаги автомашина ювиш шохобчаси ёнида бўла туриб, Ш. исмли шахс Г.Хаитованинг номига расмийлаштирилган “Matiz” русумли автомашинаси бузилиб қолганлиги сабабли М.га сақлаб туриш учун топшириб кетади, шундан сўнг М. ушбу автомашина эвакуатор ёрдамида Тошкент вилояти Чиноз туманига олиб бориб, ўзига нотаниш бўлган К.га автомашина ўзига тегишли эканлигини айтиб, нархини 1500 АҚШ долларига келишиб, олдиндан 700 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олиб, унга ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган².

Бундан ташқари, бугунги кунда кенг тарқалётган фирибгарлик усуллари билан бири – бу юқори ва замонавий технологиялар ёрдамида содир этилаётган фирибгарлик жиноятларидир. Интернет, уяли алоқа тизимларининг доимий равишда такомиллашиб бориши бу соҳада содир этилаётган жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Янги имкониятлар ва хизматлар, жумладан, электрон тижоратнинг пайдо бўлиши, пластик карточкалар ёрдамида ёки интернет орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб ривожланмоқда. Буларнинг барчаси илгари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлмаган янги турдаги жиноятларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Юқори технологиялар фирибгарлик жиноятини содир этиш воситасига айланиб қолмоқда. Бу бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган ва ечимини кутаётган долзарб муаммо эканлигини 2005 йилда Банкокда бўлиб ўтган БМТнинг жиноятларнинг олдини олиш ва одил судловни амалга оширишга бағишланган XI Конгрессининг асосий қисми юқори технологиялардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятига бағишланганлигида ҳам кўриш мумкин. Конгрессда бутун дунё учун янги жиноятчилик – кибержиноятчилик ва унинг асосий элементи фирибгарлик эканлиги алоҳида таъкидланди.

Буларнинг барчаси фирибгарлик жиноятига хос бўлган зарурий белгиларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Жумладан, фирибгарлик жиноятида мулк жиноятчига бевосита жабрланувчининг ўзи ёки мулк ишониб топ-



ширилган шахс томонидан “топширилади”. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради”³, деб баён қилинган. Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради.

Бунга мисол қилиб, Б.Б. Тошкент тўқимачилиқ ва енгил саноат институтининг ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимида кўра хизмат мажбуриятларига институт бино-иншоотлари ва талабалар турар жойларини жорий ва капитал таъмирлаш, уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан, шунингдек, институтнинг моддий қимматликларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаб, уларни харид қилиш ва шунга ўхшаш бошқа хўжалиқ масалалари бўйича институт ректорига таклифлар киритиш ва бу борадаги ишларни ташкил қилиш юклатилган моддий жавобгар шахс бўла туриб, институт бош муҳандиси, судланувчи И.В. билан олдиндан жиноий тил бириктириб, эгаллаб турган мавқеидан фойдаланган ҳолда 2019 йил октябрь ойида институт Ахборот-ресурс маркази ҳисобидаги умумий қиймати 161 835 500 сўмлик жами 426 347 нусхадаги китобларни, гўёки “Алишер Навоий” номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига топширилиши ҳақидаги важ билан институт ҳудудидан олиб чиқиб, китобларни Тошкент шаҳрининг турли нуқталаридаги иккиламчи қоғоз маҳсулотларини қабул қилиш пунктларига нақд пулга сотиб юбориб, фирибгарлик

йўли билан давлат мулкни талон-торож қилишган⁴.

Талон-торож қилиш ахборот технологиялардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари аксарият ҳолларда жабрланувчи билан бевосита “алоқага киришмай” туриб содир этилиши мумкин. Пластик карточкалар воситасида фирибгарлик жиноятини содир этиш бутун дунёда “скимминг” деб аталиб, улар пластик карточка эгаларини алдаш орқали пулларини қўлга киритадилар. Ҳозирда бизда мавжуд бўлмаса-да, лекин Европа давлатларида пластик карточкалардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликнинг янги – “шимминг” тури пайдо бўлди. Бу усул пластик карточка рақами, унинг PIN-код ва бошқа маълумотларини банкомат орқали аниқлаб олиш имконини беради. “Шимминг” деб аталувчи технологиянинг ҳажми 0,1 мм.дан ҳам кичик бўлиб, уни банкоматнинг пластик карточка солинадиган қисмига жойлаштириш орқали маълумотларни олиш мумкин. Diebold номи билан бутун дунёга машҳур банкоматларни ишлаб чиқарувчи “Cisco Systems” компанияси мутахассиси Джейми Хирининг маълумотларига кўра, “скимминг” фирибгарлиги орқали молиявий ташкилотлар ва инсонлар йилига бир неча миллиард доллар маблағларидан маҳрум бўлишган бўлса, фирибгарликнинг бу янги тури зарар миқдори яна бир неча баробарга ошишига олиб келади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятининг кўп тарқалган шакли бу интернет фирибгарлигидир. АҚШ савдо комиссиясининг берган маълумотларига кўра, интернет орқали юбориладиган электрон хатларнинг 2/3 қисми ёлғон маълумотларни ифодалаб, фирибгарлик мақсадида ёзилар экан. Бундан ташқари, интернет орқали ўтказиладиган аукционлар интернет фирибгарлигининг 13 фоизини ташкил этади. Айнан интернет фирибгарлигининг 83 фоизи жисмоний шахсларга нисбатан содир этилган бўлса, жиноят қурбонларининг 25 фоизи уларни алдаган шахсларнинг юридик манзилларини ҳам билмаганлар, 14 фоизи эса фақатгина уларнинг электрон почта ман-

3 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори

4 Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг 2024 йил архивидан



зиллари (вақтинчалик очилган) ҳақида маълумотларга эга бўлишган. Бундан ташқари, хорижий давлатларда ҳакерлар кўплаб фирмаларнинг банкротлик ҳолатига келишига сабаб бўлишган. “Bibliofind.com”, “Creditcards.com” ва “Egghead.com” каби компания сайтлари ҳакерлар томонидан бузилиб, мижозлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг кредит карта рақамлари олиниб, маблағлари ўзлаштирилиб юборилиши туфайли банкротлик ҳолатига келиб қолган. “Flooos.com” компаниясининг банкрот бўлишига эса айнан интернет фирибгарлиги сабаб бўлган.

Шунингдек, бугунги кунда мобил телефонлардан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари ҳам оммалашиб бормоқда. Россиянинг “МегаФон” уяли алоқа компанияси томонидан берилган маълумотларга кўра, 54 мингдан ортиқ фуқаро “мобил фирибгарлиги” қурбони сифатида компанияга мурожаат қилган. Уларга сохта ютуқ ҳақидаги маълумотлар, банкдан қилинган сохта кўнғироқлар ва шунга ўхшаш бошқа ёлғон маълумотлар етказиш туфайли бир неча миллионлаб пуллари фирибгарлик йўли билан олинган. Жиноятларни тергов қилиш натижасида жиноят қурбонларига 1,5 миллион рублдан ортиқ маблағ қайтариб берилган. “МегаФон” уяли алоқа компанияси бу фирибгарликлардан ўз мижозларини огоҳлантириш мақсадида 2010 йилдан бошлаб интернетда махсус лойиҳани ишга туширган. Лойиҳада фирибгарларга нисбатан қандай қаршилик кўрсатиш мумкинлиги ёритилган.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик одатда кўпчиликнинг шахсий мулкларини бир вақтнинг ўзида ўзлаштириб олишни мақсад қилиши билан хавфли тус олади. Бундай фирибгарликни “оммавий фирибгарлик” деб аташ мум-

кин. Жиноят қонунида (ЖКнинг 168-моддаси) жиноий жавобгарлик кўпроқ етказилган зарарнинг миқдор қийматиغا нисбатан белгиланган. Бир неча шахсга нисбатан содир этиладиган ҳолда ҳар бири алоҳида-алоҳида квалификация қилиниб, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Оммавий тарзда фирибгарликни содир этиш ҳар бирининг алоҳида-алоҳида квалификация қилинишидан кўра хавфлироқ ҳисобланиши керак. Жиноят кодексининг 168-моддасига “оммавий фирибгарлик”ни жавобгарликнинг оғирлаштирувчи тури сифатида киритилиши ушбу шаклдаги фирибгарликка тўғри жавобгарлик белгилаш имконини таъминлаши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, талон-торож қилиш жиноятлари қуйидаги ҳолатларда содир этилади.

1. Моддий бойликларни тасарруф қилиш жиноят субъектининг ишониб топширилган мол-мулкни ёки маблағларни ўз манфаати учун қонунга хилоф равишда тасарруф қилиши ёки сарфлаши орқали содир этилади.

2. Мулк ёки маблағларнинг ишониб топширилганлиги жиноят қурбонига тегишли мулк, айниқса, айбдор шахснинг бошқарувида, назоратида ёки тасарруфида бўлади. Бунда мулкни ишониб топшириш ишлаб чиқариш, хизмат ёки бошқа муносабатлар орқали амалга оширилиши мумкин.

3. Мол-мулкка зарар етказиш ўзлаштириш ёки растрата қилиш натижасида мол-мулк эгасига моддий зарар етказилади.

4. Фаол ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноий ҳаракатлар (масалан, пулни ёки мол-мулкни ўз манфаатига ишлатиш) ёки ҳаракатсизлик (масалан, ишониб топширилган мулкни эгасига қайтармаслик) орқали содир этилиши мумкин.

#



Гайрат МУСАЕВ,

Начальник Научно-исследовательского института цифровой криминалистики
Правоохранительной академии Республики Узбекистан

Бахромжон ЯХЪЯЕВ,

независимый исследователь

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРИ ПОМОЩИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

АННОТАЦИЯ. В работе рассматриваются понятие искусственного интеллекта, основные факторы, влияющие на его использование в преступной деятельности. В статье изучается мнение ученых по классификации данных преступлений. Дальнейшее развитие ИИ требует совершенствования законодательства, технических процедур, обмена передовым зарубежным опытом противодействия данной категории преступлений, а также внедрения новых методов профилактики данной категории преступлений. В статье сформулированы предложения и рекомендации по решению данных задач.

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада сунъий интеллект тушунчаси, уни жиноятчиликда қўллашга таъсир этувчи асосий омиллар кўриб чиқилади. Мақолада бундай жиноятларни классификация қилиш бўйича олимларнинг фикрлари ўрганилади. Сунъий интеллектнинг янада ривожланиши мазкур турдаги жиноятларга қарши курашиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, техник тартибларни такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба алмашиш, шунингдек, ушбу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишнинг янги усулларини жорий этиш зарурлигини талаб этади. Мақолада мазкур вазифа ва муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ABSTRACT. This work examines the concept of artificial intelligence, the main factors influencing its use in criminal activities. The article explores the opinions of scholars regarding the classification of such crimes. The further development of AI requires the improvement of legislation, technical procedures, the exchange of best foreign practices in combating this category of crimes, as well as the implementation of new methods for preventing these types of offenses. The article formulates proposals and recommendations for addressing these tasks.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, нейро тармоқ, кибержиноят, хавфсизлик, шахсий маълумотлар.

Ключевые слова: искусственный интеллект, нейросеть, киберпреступность, безопасность, персональные данные.

Keywords: artificial intelligence, neural networks, cybercrime, security, personal data.

В эпоху цифровой трансформации общества высокотехнологичные решения активно внедряются во все сферы общественной жизни. IT-проекты нашли широкое применение в образовании, медицине, банковских и государственных услугах, деятельности по охране общественного порядка, судебно-правовой сфере и многих других сферах деятельности граждан. Вышеуказанные изменения, несомненно, несут позитивные результаты. Они позволяют сократить сроки получения услуг, обеспечить возможность их удалённого получения, минимизировать коррупционные риски и обеспечить прозрачность получения услуг. Вместе с тем, некоторые инновационные технологии становятся средством совершения преступлений, создают определенные ри-

ски и угрозы¹.

Согласно данным Центра правовой статистики и оперативно-учетной информации МВД Республики Узбекистан, по итогам 2024 года по сравнению с 2023 годом наблюдается рост преступлений, совершенных с использованием информационных технологий, в том числе и искусственного интеллекта, практически в 9,5 раз.

При этом, в Узбекистане на сегодняшний день создаются институциональные и правовые основы внедрения искусственного интеллекта в стране. Принята Стратегия развития технологий искусственного интеллекта до 2030 года, утвержденная Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-358 от 14 октября 2024 г., которая предусма-

1 Югай Л.Ю. Комплексный подход к использованию специальных познаний в борьбе с дипфейками // Роль права в обеспечении благополучия человека: Сборник докладов XI Московской юридической недели. XXII Международная научно-практическая конференция Юридического факультета Московского государственного университета имени М.В.Ломоносова : в 5 ч.. – Том Ч. 4.. – Москва, 2022 г. – С. 539-543.



тривает реализацию приоритетных направлений внедрения технологий искусственного интеллекта во многих сферах жизни общества².

В Стратегии предусмотрены важные задачи, касающиеся обеспечения сохранности персональных данных, разработки этических норм применения сферы искусственного интеллекта, механизмов обеспечения информационной и компьютерной безопасности, «больших данных» и многое другое. Развитие данной сферы без учета данных аспектов может явиться существенным фактором для совершения киберпреступлений.

Вышеуказанное свидетельствует о важности проведения отдельного научного исследования данной категории преступлений, выработки научных решения для адекватного комплексного противодействия им.

В частности, посвятили свои работы вопросам, затрагивающие криминалистические, уголовно-правовые, криминологические, уголовно-процессуальные и иные аспекты использования технологий искусственного интеллекта для совершения преступлений, Ibrahim al Qatawneh, Ahmed Fekry Moussa³,

Elina Nerantzi, Giovanni Sartor⁴, А.А.Бессонов⁵, О.В.Расторопова⁶, Е.С.Ларина, В.С.Овчинский⁷, А.Д. Яким⁸, Л.Ю.Югай⁹, И.Н.Мосечкин, А.С.Быкова¹⁰, Ю.А.Даниленко¹¹, Д.В.Бахтеев¹² и другие.

На сегодняшний день понятие искусственного интеллекта не определено в нормативных актах в сфере развития цифровых технологий. В проекте Закона США об искусственном интеллекте он определяется как «любые искусственные системы, выполняющие задачи в изменяющихся и непредсказуемых условиях без значительного надзора со стороны человека, либо способные учиться на своем опыте и повышать свою производительность»¹³.

В 2024 г. в ЕС был принят Регламент об искусственном интеллекте, который установил его классификацию и регулирование приложений, использующих искусственный интеллект, в зависимости от риска причинить вред пользователю¹⁴.

При этом, Haskins A., Arora S., Nilawar U. считают, что искусственный интеллект представляет собой платформу, обладающую коммуникативными и логическими свойствами. В основе такой платформы лежат различные

2 Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-358 «Об утверждении Стратегии развития технологий искусственного интеллекта до 2030 года» от 14 октября 2024 г. // Национальная база данных законодательства, 17.10.2024 г., № 07/24/358/0825

3 Ibrahim al Qatawneh, Ahmed Fekry Moussa. *Artificial Intelligence Crimes* // Academic Journal of Interdisciplinary Studies. – 2023. – Vol. 12. – №1. – P.143-150.

4 Nerantzi E., Sartor G. 'Hard AI Crime': The Deterrence Turn // Oxford Journal of Legal Studies. – 2024. – V. 44. – Issue 3. – P. 673–701.

5 Бессонов А.А. *Использование алгоритмов искусственного интеллекта в криминалистическом изучении преступной деятельности (на примере серийных преступлений)* // Вестник Университета имени О. Е. Кутафина. – 2021 г. – № 2. – С. 45-53.

6 Расторопова О.В. *Противодействие использованию искусственного интеллекта в преступных целях* // Вестник Университета прокуратуры Российской Федерации. – 2021 г. – № 4 (84). – С.52-58.

7 Ларина Е.С., Овчинский В.С. *Искусственный интеллект. Большие данные. Преступность*. – М., 2018 г. – С.111-113.

8 Яким А.Д. *Нейронная сеть как инструмент совершения преступлений* // Проблемы противодействия киберпреступности: материалы II Международной научно-практической конференции (Москва, 26 апреля 2024 года) / Под общ. ред. О.Ю. Антонова, Э.Б. Хатова. М.: Московская академия Следственного комитета имени А.Я. Сухарева, 2024 г. – С. 138-140.

9 Югай Л.Ю. *Мошенничество с использованием биометрических технологий: сущность, риски и меры противодействия* // Правовые вопросы противодействия мошенничеству и киберпреступлений: Сборник международной научно-практической конференции. – Т., 2021 г. – 1(1). С. 59–63. Режим доступа: https://inlibrary.uz/index.php/cybercrime_conference/article/view/3444.

10 Мосечкин И.Н. Быкова А.С. *Использование систем искусственного интеллекта в преступных целях как обстоятельство, отягчающее наказание* // Вестник научной мысли. – 2021 г. – №6. – С. 746-749.

11 Даниленко Ю.А. *Использование искусственного интеллекта в преступных целях: уголовно-правовая характеристика* // Ученые записки Крымского федерального университета имени В. И. Вернадского Юридические науки. – 2023 г. – Т. 9 (75). № 4. – С. 232-240.

12 Бахтеев Д.В. *Искусственный интеллект в следственной деятельности: задачи и проблемы* // Российский следователь. – 2020 г. – № 9. – С. 3-6.

13 Тирранен В.А. *Преступления с использованием искусственного интеллекта* // Развитие территорий. – 2019 г. – № 3. – С.10-13.

14 Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence and amending Regulations (EC) No 300/2008, (EU) No 167/2013, (EU) No 168/2013, (EU) 2018/858, (EU) 2018/1139 and (EU) 2019/2144 and Directives 2014/90/EU, (EU) 2016/797 and (EU) 2020/1828 (Artificial Intelligence Act) (Text with EEA relevance). Режим доступа: <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2024/1689/oj/eng>.



технологии, включая робототехнику, мобильный интернет, автономные средства передвижения и интернет вещей¹⁵.

В свою очередь, А.В. Незнамов характеризует искусственный интеллект как систему, которая способна мыслить подобно человеку, принимать рациональные решения¹⁶.

Исходя из вышеуказанного, можно сделать вывод том, что искусственный интеллект подобно человеческому способен выполнять функции и решать задачи, в том числе специально не оговоренные, самообучаться и адаптировать свое действия исходя из внешних обстоятельств, а также принимать решения исходя из этих условий и поставленных целей. Вышеуказанное существенно затрудняет раскрытие и доказывание преступлений, совершенных с его помощью.

Представляет интерес, представленная А.Д. Яким авторская классификация преступлений, совершаемых при помощи нейросетей, по категориям в соответствии с взаимосвязью между преступностью и искусственным интеллектом:

- взлом устройств, защищенных функцией распознавания лиц;
- взлом криптографической защиты;
- мошеннические операции на финансовых рынках; совершения шантажа людей фальшивым видео (дипфейки);
- генерация поддельного контента для различных целей; состязательные помехи (для сокрытия запрещенных материалов от автоматического обнаружения)¹⁷.

В свою очередь, Ю.А. Даниленко выделяет следующие виды преступлений с использованием ИИ:

- социальная инженерия (создание фейковых аккаунтов в социальных сетях, сбор данных о потенциальных жертвах для соверше-

ния мошенничества, фишинга, кражи личных данных и других преступлений);

- создание и распространение вирусов и вредоносных программ для кражи личных данных, вымогательства, шантажа, а также для получения доступа к банковским счетам и другой конфиденциальной информации;

- создание «фейковых новостей» и распространение их через социальные сети в целях манипулирования общественным мнением;

- взлом систем безопасности, таких как системы видеонаблюдения, охранной сигнализации и других устройств, используемых для обеспечения безопасности в обществе.

По мнению О.В. Растороповой, имеются следующие категории преступлений в рассматриваемой сфере:

- преступления, которые возможно совершить только с использованием искусственного интеллекта (например, взлом устройств, доступ к которым основан на технологии распознавания лиц) - так называемое поражение искусственным интеллектом;

- преступления, совершаемые с помощью искусственного интеллекта - такие преступления совершаются и без использования искусственного интеллекта (например, с целью шантажа людей посредством видео deepfake).

Основными направлениями развития преступной деятельности с использованием технологии искусственного интеллекта постепенно становятся: а) ведение мошеннических переговоров в интернете с использованием измененного или клонированного голоса; б) совершение хищений денежных средств с банковских счетов; в) получение доступа к сведениям, составляющим охраняемую законом тайну; г) нарушение авторских и смежных прав и др.¹⁸¹⁹.

Вместе с тем, зарубежный опыт Мексики,

15 Haskins A., Arora S., Nilawar U. *Impact of Artificial Intelligence on Indian Real Estate: Transformation Ahead* (Влияние искусственного интеллекта на индийскую недвижимость: доминирующая трансформация) // Colliers radar Property Research (India). 2017. 5 Oct. 13 p.

16 Незнамов А.В. *К вопросу о применении технологий искусственного интеллекта в правосудии: терминологический аспект* // Арбитраж. и гражд. процесс. 2019 г. № 10. – С. 16.

17 Яким А.Д. *Нейронная сеть как инструмент совершения преступлений* // Проблемы противодействия киберпреступности: материалы II Международной научно-практической конференции (Москва, 26 апреля 2024 года) / Под общ. ред. О.Ю. Антонова, Э.Б. Хатова. М.: Московская академия Следственного комитета имени А.Я. Сухарева, 2024 г. – С. 138-140.

18 Бурдюг Я.О., Куроптев Н.Б. *Инновационные технологии борьбы с контрабандой алкогольной продукции и табачных изделий* // Бюллетень инновационных технологий. – 2017 г. – Том 1. – № 1. – С. 15-19;

19 Михайлиди С.М., Николаев В.И. *Беспилотные летательные аппараты – современная угроза безопасности объектов уголовно-исполнительной системы* // Право и государство: теория и практика. 2021 г. № 8(200). – С. 95-97.



Беларуси, США, Китая и других государств свидетельствует о возможности совершения контрабанды запрещенных товаров и других предметов с использованием беспилотных летательных устройств, иных робототехнических систем на основе искусственного интеллекта - для перемещения и доставки предметов, в частности наркотиков в места лишения свободы или через государственную границу²⁰.

В данной ситуации мерой противодействия является разработка и производство систем оперативного обнаружения и уничтожения дронов и других относительно элементарных боевых роботов, которые уже имеются в распоряжении преступных сообществ.

Кроме того, возможно применение БЛА или автономного транспорта для осуществления террористических атак. Беспилотник или автономное транспортное средство могут быть использованы для доставки взрывчатых веществ и выступать самостоятельной поражающей единицей.

На сегодняшний день участились случаи использования дипфейков при совершении мошенничества, вымогательства, распространении материалов порнографического содержания и т.д. Искусственный интеллект может синтезировать цифровой двойник любого лица, воспроизвести фейковое видео или голосовое сообщение (Дипфейк).

Возможности противоправного применения дипфейков:

- создание аудио- и видеозаписей в целях совершения мошенничества или вымогательства;
- обход биометрических систем;
- создание фейковых порнографических видеоматериалов;
- политические манипуляции, создание фейковых новостей и социально-политическая дестабилизация.

В феврале 2024 года в Гонконге сотрудник транснациональной компании в китайском финансовом центре получил звонок по

видеоконференции от человека, выдававшего себя за старшего менеджера компании, с просьбой перевести деньги на определенные банковские счета. В результате корпорация потеряла около 200 млн гонконгских долларов (26 млн долларов). В видеоконференции участвовало несколько участников, но все, кроме жертвы, были «фейковыми». Мошенники нашли общедоступные видео- и аудиоматериалы на YouTube, а затем использовали технологию дипфейк, чтобы синтезировать их голоса и обмануть сотрудника компании²¹.

В цифровую эпоху возрастают факты использования искусственного интеллекта в качестве высокотехнологичного средства совершения преступления. Совершение противоправных деяний с использованием современных компьютерных технологий и самообучаемых программ существенным образом повышает их общественную опасность за счет массовости, облегчения совершения преступлений и сложности их раскрытия. Повышается сложность доказывания вины лица, совершившего преступление данной категории в виду его анонимности и дистанционного характера преступления. Постоянно появляются новые виды и способы совершения данных преступлений в связи с технологическим развитием в мире.

Исходя из вышеуказанного, для противодействия преступлениям, совершенным с использованием искусственного интеллекта, считаем необходимым:

1. определение в законодательстве правового режима, этических требований, а также ограничений в связи с рисками использования искусственного интеллекта для человека;
2. установление в уголовно-правовом законодательстве в качестве квалифицирующего признака совершение преступлений с использованием технологии искусственного интеллекта с закреплением более тяжкого наказания;
3. укрепление международного сотрудничества между правоохранительными органами поскольку данная категория пре-

20 Гайфутдинов В.А. *О рисках использования беспилотных летательных аппаратов для контрабанды отдельных товаров* // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В. Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. – 2023 г. – № 4. – С.10-12.

21 Дипфейки заставили сотрудника крупной компании перевести \$25,6 млн на мошеннические счета. Режим доступа: <https://infobezопасnost.ru/blog/news/dipfejki-zastavili-sotrudnika-krupnoj-kompanii-perevesti-25-6-mln-na-moshennicheskie-scheta/>. (дата доступа: 20.12.2023 г.)



ступлений носит зачастую трансграничный характер;

4. специализированная подготовка, переподготовка и повышение квалификации кадров для правоохранительных органов, оказывающих противодействие преступлениям, совершенным с использованием искусственного интеллекта;

5. тесное взаимодействие между правоохранительными органами, осуществляющими противодействие преступлениям, совершенным с использованием искусственного интеллекта, с технологическими компания-

ми специализирующимися на ИИ. Разработка общих платформ данных, протоколов отчетности и контуров обратной связи, создание высокотехнологичных продуктов для адекватного и своевременного противодействия данной категории преступлений;

6. гармонизация национального и международного законодательства для унификации понятий, выработки общих подходов, принципов и требований в сфере использования искусственного интеллекта, а также противодействия преступлениям с его использованием.

.....



Алавитдин НИЯЗОВ,
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси, ю.ф.н.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада видеоконференцалоқа режимида тергов ҳаракатлари ўтказиш юзасидан Россия, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Финляндия, Украина, Молдова, Беларусь, Қозоғистон каби хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари таҳлил қилиниб, видеоконференцалоқа режимида тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича ушбу давлатларнинг қонунчилигидаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, таҳлиллар натижасидан келиб чиққан ҳолда қонунчилигидаги бўшлиқларни бартараф этиш ва келгусида видеоконференцалоқадан самарали фойдаланишга доир таклиф ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализирован передовой опыт зарубежных стран, таких как Россия, США, Великобритания, Канада, Финляндия, Украина, Молдова, Беларусь, Казахстан, в проведении следственных действий в режиме видеоконференцсвязи. Рассмотрены особенности законодательства этих государств в части регулирования данного процесса. Также, на основе проведенного анализа, разработаны предложения по устранению пробелов в законодательстве и повышению эффективности использования видеоконференцсвязи в будущем.

ABSTRACT. This article analyzes the advanced experience of foreign countries such as Russia, the USA, the United Kingdom, Canada, Finland, Ukraine, Moldova, Belarus, and Kazakhstan in conducting investigative actions via videoconferencing. The distinctive features of these countries' legislation regarding this process are discussed. Furthermore, based on the results of the analysis, proposals have been developed to eliminate legislative gaps and improve the effective use of videoconferencing in the future.

Калит сўзлар: видеоконференцалоқа, хориж, тергов ҳаракати, сўроқ, гувоҳ, жабрланувчи.

Ключевые слова: видеоконференцсвязь, за рубежом, следственное действие, допрос, свидетель, потерпевший.

Keywords: videoconferencing, abroad, investigative action, interrogation, witness, victim.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига чуқур кириб бормоқда. Ҳозирда ахборот технологияларидан фойдаланиш бутун дунёда муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш инсонларнинг мушкуллари осонлаштиришга, кам вақт, маблағ, куч ва восита сарфлаб, кўпроқ натижага эришишга имкон бермоқда. Бироқ шу билан бирга, айти шу соҳада содир этилаётган жиноятларнинг кўлами кундан-кунга ортиб боришига, инсоният учун нотаниш бўлган янги турдаги жиноятларнинг юзага келишига, жиноят содир этишининг янги усуллари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шундай экан юқоридагилардан ўз вақтида хулоса чиқарган ҳолда бугунги кунда биз жиноятларга қарши курашишда ва жиноятларни тергов қилишда замонавий ахборот технологияларидан кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунончи, 2019 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 542-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни¹га асосан Жиноят-процессуал кодексига тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга оид 91¹-91⁴-моддалар қўшилганлиги исбот қилишни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 604¹-сонли фармони²да жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш суд-тер-

1 <https://lex.uz/docs/4349703> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.03.2025 й.)

2 <https://lex.uz/docs/4939467> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.03.2025 й.)



гов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгилангани эса жиноят-процессуал фаолиятни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишни янги босқичга олиб чиқди десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Видеоконференцалоқа бу узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши ҳисобланади³.

Қонунга кўра, қуйидаги ҳолларда гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш белгиланди:

1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлигининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;

3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда⁴.

Сир эмаски, қонунлар доимий равишда қиёсий таҳлил қилиниб, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, амалиёт ва назариянинг уйғунлиги таъминланмас экан ҳеч қачон мукамаллик касб этмайди.

Зотан, “қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг

барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади”⁵.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, бу борада биз ҳар куни изланишда бўлишимиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилишимиз лозим⁶.

Ваҳоланки, амалга оширилаётган илмий-тадқиқот натижалари мукамал бўлиши нафақат муаммонинг назарий, тарихий, илмий ва амалий жиҳатлари чуқур таҳлил қилинишига, балки ҳозирги даврдаги ижтимоий ривожланиш, замонавий талаблар ва бошқа давлатларнинг шу мавзуга оид тажрибасини ҳам ўрганишга боғлиқ⁷.

Шундай экан видеоконференцалоқа режими орқали тергов ҳаракатлари ўтказилиши, уни ўтказиш тартиби ва процессуал расмийлаштирилиши бўйича бир қатор хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини таҳлил қилиб ўтсак.

Видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг қонунчиликка киритилиши ва ундан фойдаланиш амалиётини хорижий давлатлар мисолида ўрганиб чиқадиган бўлсак, тадқиқодлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда Австралия, Россия, Англия, Канада, Янги Зеландия, АҚШ, Украина, Финляндия, Эстония каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ўз аксини топган видеоконференцалоқадан фойдаланиш ўзининг юқори самарасини берган.

Ҳозирда Англия, Германия, Шотландия, Канада, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Италия, Финляндия, Сингапур, Ҳиндистон каби узоқ шарқ ва ғарб мамлакатлари ҳамда барча МДҲ давлатлари жиноят процессида

3 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 445-сон қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3336169>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.03.2025 й.)

4 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 14.03.2025 й.)

5 Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. – М., 2000 г. – С. 36-37.

6 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://uza.uz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 14.03.2025 й.)

7 Рашидов Б.Н. Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт. Юридик фанлар бўйича (DSc) диссертацияси. ИИВ Академияси. –Т., 2021 йил, 144-бет.



видеоконференцалоқадан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, у турли ҳужжатларда турлича тартибга солинган. Жумладан, 1982 йил биринчи бўлиб Германияда, сўнг 1990 йил Англияда, 1995 йил Шотландия, Кана, Эстония ва Украина жиноят-процессуал қонунларида гувоҳ ва экспертларни сўроқ қилиш ва халқаро-ҳуқуқий ёрдам воситаси сифатида; Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) судда ҳозир бўлишдан озод этиш асослари сифатида; Арманистон ЖПКда замонавий рақамли технологиялар рўйхатида акс этган бўлса; Қозоғистон ЖПКда тергов ва суд ҳаракатлари юритилишида ҳамда апелляция ва кассация босқичида фойдаланилиши; Ҳиндистонда гувоҳ ва қамоқда сақланаётган айбланувчини сўроқ қилишда қўлланилиши қатъий белгиланган. Жумладан, Янги Зеландия ва Ҳиндистонда далилларга таъриф беришда видеоалоқа ва телефон конференцияси асосида далилларни олиш қоидалари ҳам мустаҳкамланган⁸.

1999 йилнинг 18 ноябрида Россия Федерациясида жаҳон амалиётида биринчи марта видеоконференцалоқа технологиясидан фойдаланган ҳолда суд жараёни ўтказилган. Унда биринчи бўлиб маҳкум Муртазиннинг кассация шикоятчи Челябинск вилоят суди томонидан видеоконференцалоқа орқали кўриб чиқилган⁹. 2001 йил 16 ноябрда Судьялар кенгаши ўз қарорида вилоят судларида видеоконференцалоқа тизимларини яратишда Челябинск суди томонидан видеоконференцалоқани қўллашнинг ижобий тажрибасидан фойдаланишни тавсия қилган. Аммо қонунчилик даражасида видеоконференцалоқадан фойдаланиш масаласи фақат 2001 йилда Россия Федерацияси ЖПКнинг қабул қилиниши билан шакллана бошлаган¹⁰.

XX аср охирида америкалик процессуалистлар дунёда биринчи бўлиб жиноят процессининг эҳтиёжларини қондириш учун видеоконференцалоқадан фойдаланишди. Бу замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва улар билан жиҳозланган суд залининг имкониятларини намойиш этишни ўз ичига олган “XXI аср синови” лойиҳасининг бир қисми эди. 2002 йилда АҚШнинг Массачусетс округ суди “турли қитъаларда жойлашган учта суд билан биринчи глобал видеоконференцалоқа тизимини ўрнатди ва бу суд мажлисида замонавий технологиялар имкониятларини намойиш этди. Алоқа сессияси давомида жараён иштирокчилари жиноят содир бўлган жойни тўлиқ акс эттирувчи виртуал маконда бўлишлари мумкин эди, шу билан бирга, қўшимча ускуналар (3D кўзойнақлар, экранлар, голограмма технологиялари ва аудиотизимлар) қўлланилган”¹¹.

Украина ЖПКга мувофиқ, қуйидагилар видеоконференцалоқа бўйича мутахассис ёрдамида тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос ҳисобланади:

- 1) жиноят процесси иштирокчининг соғлиғи ёки бошқа узрли сабабларга кўра келиши мумкин эмаслиги;
- 2) жиноят процесси иштирокчилари ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати;
- 3) гувоҳ ёки жабрланувчи вояга етмаган бўлса;
- 4) дастлабки терговнинг тезкорлигини ва унинг муддатларига риоя этилишини таъминлаш зарурати;
- 5) терговчи томонидан етарли деб топилган бошқа асосларнинг мавжудлиги¹².

Молдова Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят процесси иштирокчилари ва бошқа шахсларнинг хавф-

8 Кадирова М.Х. *Видеоконференцалоқа – процессуал тезкорлик ва тежамкорлик кафолати*. «Zamonaviy dunyoda amaliy fanlar: muammolar va yechimlar» nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya, 1(31), 7–11. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7471655>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.03.2025 й.)

9 https://www.cnews.ru/news/line/videokonferentssvyazi_v_rossijskih_sudah(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.03.2025 й.)

10 Фарафонова О.А. *Видео-конференц-связь в уголовном судопроизводстве Российской Федерации*. Научный вестник Омской академии МВД России № 3 (90), 2023 г. – С.242

11 Архипова Е.А. *Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран : сравнительно-правовое исследование* : автореферат дис. ... кандидата юридических наук : 12.00.09 / Архипова Е.А.; [Место защиты: Акад. Генер. прокуратуры РФ]. - Москва, 2013 г. – С. 19.

12 Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изм. и доп. от 16.08.2022 г.) URL: <https://online.zakon.kz> / (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 17.03.2025 й.)



сизлигини таъминлаш каби масофавий сўроқ ўтказиш учун асосга алоҳида эътибор қаратилган. Молдова Республикаси ЖПКнинг 110-моддасида, агар гувоҳнинг ёки унинг яқин қариндошининг ҳаёти оғир, ўта оғир ёки фавқулотда оғир жиноят ишида берган кўрсатуви билан боғлиқ ҳолда хавф остида бўлиши мумкин бўлса, гувоҳни сўроқ қилиш ёпиқ телеконференцияда ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ўз навбатида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва жабрланувчи унга савол бериш ҳуқуқига эга ҳисобланади¹³.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг 224¹-моддасига кўра эса, қуйидаги ҳолларда видеоконференцалоқа (веб-конференция) тизимларидан фойдаланган ҳолда сўроқ қилиш, юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкинлиги белгиланган:

1) процесс иштирокчисининг соғлиғи ёки бошқа узрли сабабларга кўра тергов ҳаракатини амалга ошириш учун кела олмаслиги;

2) жиноят процесси иштирокчилари ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати;

3) жабрланувчи ёки гувоҳ вояга етмаган бўлса;

4) жиноят ишининг ҳолатларини тез, ҳар томонлама ва ҳолисона текширишни таъминлаш зарурати¹⁴.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 370-моддаси саккизинчи қисмига кўра, гувоҳни суд томонидан сўроқ қилиш видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ўзи жойлашган ёки истиқомат қилувчи туман (вилоят) судига чақириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, 591-моддасининг тўртинчи қисми иккинчи бандига мувофиқ, ўзига нисбатан экстрадиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган шахс ва унинг ҳимоячисининг иштироки видеоконференцалоқа орқали таъминланиши мумкин¹⁵.

Финляндияда видеоконференцалоқа орқали тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асослар биз илгари кўриб чиққан Украина ЖПКда мустақамланганларга ўхшайди, бироқ айна пайтда Финляндия қонунчилигида бошқа тартибга солувчи қоидалар ҳам мавжуд. Шундай қилиб қуйидагилар видеоконференцалоқа орқали тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос ҳисобланади:

1) тингланаётган шахс касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра асосий суд мажлисига шахсан кела олмаса ёки унинг асосий суд мажлисида шахсан иштирок этиши ҳаддан ташқари харажатлар манбаи бўлиб қолса ёхуд ҳаддан ташқари зарар келтирса;

2) тингланаётган шахснинг кўрсатувлари ишончлилиги унинг асосий суд мажлисида шахсан иштирокисиз ишончли баҳоланиши мумкин бўлса;

3) бундай тартиб эшитилаётган шахснинг ёки унга яқин бўлган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;

4) эшитилаётган шахс ҳали 15 ёшга тўлмаган ёки психологик нуқсонлари бор бўлса;

Бундан ташқари, Финляндиянинг процессуал мажбурлов чоралари тўғрисидаги қонуни ҳибсга олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор қабул қилишда видеоконференцалоқадан фойдаланиш имконини беради¹⁶.

Канада Жиноят кодексининг 650-моддаси биринчи қисми суд мажлисида аудиоконференция ёки видеоконференция орқали қатнашиш имкониятини назарда тутди. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи ушбу технология ёрдамида гувоҳ кўрсатув бериши мумкин бўлган ҳолатларни белгилаб қўйган. Бундай ҳолатларга қуйидагилар қиради: шахснинг жойлашган жойи ва иштирок этишига тўсқинлик қиладиган шахсий ҳолатлар, шахснинг жараёнда бевосита иштирок этиши учун кўтариши керак бўлган харажатлар, кутилаётган гувоҳликнинг табиати¹⁷.

13 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV (с изм. и доп. От 21.07.2022 г.) URL: <https://online.zakon.kz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 17.03.2025 й.)

14 <https://continent-online.com/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 17.03.2025 й.)

15 <https://adilet.zan.kz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 18.03.2025 й.)

16 Щербя С.П., Архипова Е.А. *Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран: опыт, проблемы, перспективы*: монография // под общ. и науч. ред. профессора С.П. Щербя. – М.: Юрлит информ, 2016 г. – С. 79-80.

17 Уголовный кодекс Канады (Criminal Code – R.S.C.) // Опубликовано Министерством юстиции Канады на сайте (Published by the Minister of Justice of Canada). URL: <http://laws-lois.justice.gc.ca.> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 18.03.2025 й.)



Видеоконференцалоқа орқали тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича Буюк Британия тажрибаси таҳсинга сазовор бўлиб, у ерда 50 дан ортиқ шифохона касал ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўрсатувларини қўллаб-қувватлаш учун видеоконференцалоқа тизими билан жиҳозланган. Шунга ўхшаш тизимлар полиция участкалари ва адвокатлик фирмаларида ҳам мавжуд. Шунингдек, Буюк Британияда хориждаги гувоҳдан кўрсатув олиш учун видеоконференцалоқадан фойдаланишга 1990 йилдан бошлаб чекланган миқдордаги ўта оғир жиноятларни (қотиллик, фирибгарлик ва бошқалар) тергов қилишда рухсат этилган¹⁸.

Юқорида қайд этилган мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида ушбу технологиядан муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда. Улардан фарқли равишда Ҳиндистон судлари томонидан видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга суд залига кузатиб бориш хизматини кўрсатувчи полиция ходимларининг етишмаслиги сабаб бўлди¹⁹.

Юқорида таҳлил қилинган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91²-моддаси биринчи қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади.

“Тергов ҳаракатлари қуйидаги ҳолларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:

1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа

узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;

3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча ҳаражатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда;

5) вояга етмаганлар иштирокида тергов ҳаракати ўтказиш зарурияти юзага келганда ва уни тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга келиши руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса;

6) ушлаб турилганлар, қамоқда ёки уй қамоғида сақланаётганлар ёхуд жазони ижро этиш муассасасидагилар иштирокида тергов ҳаракати ўтказиш зарурияти юзага келганда (тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга келиши шарт бўлмаган ҳолларда);

7) хорижий давлатнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровномаси ижросини таъминлашда”.

Ўйлаймизки, мазкур таклиф ва тавсияларимиз амалдаги ЖПК нормалари янада такомиллаштирилишига, шу аснода суд-тергов органлари амалиётида видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари, айниқса, сўроқ қилиш тергов ҳаракатларининг тўғри ташкил этилишига ва шу орқали жиноятларнинг тўла ва ишончли фош этилишига хизмат қилади.

.....

.....

18 Миронов А.Н. *Использование систем видеоконференцсвязи в судебной деятельности* / А.Н.Миронов, Ю.В.Миронова // Российский судья. 2019 г. № 7. С. 24. Доступ из справ.- правовой системы «КонсультантПлюс»

19 Архипова Е. А. *Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран*: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2013 г. – С.-18-20.



Нурали ҚўШАЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада жиноят натижасида етказиладиган зарарлар, уларнинг жиноят иши доирасида кўриб чиқилиши, жиноят натижасида етказилган зиённи қоплаш усуллари ва моҳияти, зарарни ихтиёрий қоплашнинг афзал жиҳатлари фуқаровий даъвои кўзғатишнинг шакллари, мулкий ҳуқуқлари бузилган шахсларни хабардор қилиш каби масалалар ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрены такие вопросы, как вред, причиненный преступлением, его рассмотрение по уголовным делам, способы и характер возмещения вреда, причиненного преступлением, преимущества добровольного возмещения вреда, формы подачи гражданского иска, уведомление лиц, имущественных права которых нарушены.

ABSTRACT. The article discusses issues such as harm caused by a crime, its consideration in criminal cases, methods and nature of compensation for harm caused by a crime, the advantages of voluntary compensation for harm, forms of filing a civil claim, notification of persons whose property rights have been violated.

Калит сўзлар: бизнес манфаатлари, жинойи оқибат, зарар, зарарни қоплаш, мулкий зарар, реституция, фуқаровий даъво, фуқаровий даъвои кўзғатиш.

Ключевые слова: бизнес-интересы, уголовные последствия, ущерб, возмещение вреда, имущественный ущерб, реституция, гражданский иск, возбуждение гражданского иска.

Keywords: business interests, criminal consequences, damage, compensation for harm, property damage, restitution, civil claim, initiation of a civil claim.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, хусусан, жиноят қонун билан кўриқланадиган объектларга ёки нормал тарзда амалга ошириладиган муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Жиноятчиликка қарши курашиш борасида фундаментал илмий ғоялари билан танилган италиялик олим Чезаре Беккариа “Жиноятлар ва жазолар тўғрисида” номли асарида жиноятнинг энг асосий индикатори ва ҳақиқий ўлчови бу зарар эканлигини таъкидлаган эди.

Замонавий юридик адабиётларда ҳам жинойи оқибат ҳақида сўз юритилганда унинг жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектдаги ижтимоий зарарли ўзгаришлар шаклида намоён бўлиши¹, ...ҳар қандай ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан маълум даражада зарарли оқибат келиб чиқариши ёки зарарли оқибат келиб чиқиши мумкин бўлиши² ҳақида сўз юритилади. Аслида “зарарли оқибат келиб чиқиши мумкин”лигининг ўзи ҳам зарар ҳисобланади. Жиноят деган салбий ҳодисадан келиб чиқадиган оқибатларнинг қонун доирасида ҳал қилиниши адолат мезо-

нини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир.

Бугунги ижтимоий муносабатлар жадаллашуви билан ҳамоҳанг равишда жиноятларнинг янги турлари вужудга келаётган ва сон жиҳатидан ортиб бораётган шароитда адолатни таъминлаш ҳар қачонгиданда долзарблик касб этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилинган Мурожаатномада “Суд оstonасига қадам кўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак” дейилгани айни ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам жиноят ишларини юритишда нафақат айблилик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги, балки жиноятдан келиб чиққан бошқа зарарли оқибатларни ҳам баргараф қилиш масаласига алоҳида эътибор берилиши шарт ҳисобланади.

Жиноят бошқа ҳуқуқбузарликлардан ўзининг келтириб чиқарадиган зарари билан фарқланиши, ҳаттоки кўп ҳолатларда зарар

1 Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи Умумий қисм. Дарслик. Тошкент: «Илм-зиё», 2005 йил, 128-бет.

2 Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т., «Янги аср авлоди», 2010 йил, 181-бет.



жиноятнинг оғирлик даражасини белгилашга ҳам мезон ҳисобланиши кўпчиликка аён. Буни тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларда тан жароҳатининг даражаси, мулкни талон-торож қилишда етказилган зарарнинг миқдори мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жиноят натижасида келиб чиқадиган зарарлар ҳақидаги масалаларни ҳал қилиш шунчалик чуқур ёндашишни талаб қиладики, улар нафақат жиноят-процессуал қоидаларни қўллаш тартибда, шу билан бирга фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий иш юритув воситалари орқали кўриб чиқилади.

Жиноят ишини юритиш давомида жиноят натижасида етказилган зарарлар ҳақидаги масалаларни кўришда эътиборга олинishi лозим бўлган ҳолатлардан бири етказилган зарарнинг ихтиёрий қопланган ёки қопланмаганлигидир.

Жиноят натижасида етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш ҳар доим ижобий ҳолат сифатида эътироф этиб келинган. Сабоби гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш жиноят содир этиш натижасида юзага келган жинойи-ҳуқуқий зиддиятни суддан ташқари ҳал қилишга ёрдам беради, процессуал воситалар ва вақтни иқтисод қилиш учун имкониятлар яратади, жиноят процессининг мақсадларидан бири бўлган жиноят қурбонлари (жабрланувчилар) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эришилади.

Жиноят натижасида етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш жиноят иши кўзгатилишидан олдин ёки кейин, иш юритувининг исталган босқичида, то мажбурий тартибда ижро ишши юритуви бошлангунига қадар амалга оширилиши мумкин. Бироқ жиноят натижасида келиб чиққан зарар пайсалга солинмасдан қанча эрта қопланса, шунча ижобий аҳамият касб этади.

Шунингдек, жиноят натижасида етказилган зарарни ихтиёрий қоплашга жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида қаралади (ЖК 55-моддаси). Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти (ЖК 188-моддаси), солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддаси) каби жиноятлар бўйича етказилган зарарнинг жиноят иши кўзгатилгунга қадар ихтиёрий қопланиши жавобгарликдан озод этилишнинг муҳим шарт-

ларидан бири ҳисобланса, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси), фирибгарлик (ЖК 168-моддаси), мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (ЖК 173-моддаси) каби жиноятлар бўйича етказилган моддий зарар ўрнининг қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслигига асос бўлади.

Ҳаттоки, тарафларнинг ярашувига кўра жиноят ишини ЖПК 62-бобида назарда тутилган тартибда тугатишда ҳам, ЖПК 621-бобига асосан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув эвазига маҳкумга жазо тайинлашда енгилликларни қўллаш учун ҳам жиноят натижасида етказилган зарарнинг ихтиёрий қопланиши муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят натижасида етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг розилиги билан, уларнинг номидан бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, жиноят натижасида етказилган зарарнинг ихтиёрий қопланиши гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбига иқрорлигини англамайди. Балки инсонийлик мезонларидан келиб чиқиб ёки жавобгарликка тортилишдан ҳимояланиш ёнги жазога тортилишда енгилликка эришиш мақсадида амалга оширилган бўлиши мумкин.

Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноятдан келиб чиққан зарарларнинг қопланганлиги оғирроқ эҳтиёт чораларини (қамок, ўй қамоғи) қўлламасликка асос бўлиши ҳақидаги ёндашувларнинг мавжудлиги зарарларни ихтиёрий қоплашнинг моҳиятига зид эканлигини англатади. Бу ёндашув одатда жиноят содир қилганликда айбланган шахсларнинг “қамалмаслик учун зарарни қоплаш” ёки тергов тизими вакилларининг “зарарнинг қопланишига эришиш учун қамаш” мумкинлиги ҳақида асоссиз хулосаларга келишларига ундайди. Бу ўз навбатида, зарарни қоплаш ва эҳтиёт чораларини қўллаш асослари борасида процессуал нормаларни қўллаш амалиётида бошқа хатоларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Жиноят натижасида етказилган зарар ихтиёрий қопланмаган тақдирда, унинг қопланиши давлат мажбурлови билан таъминлашнинг процессуал механизми фуқаровий даъво ин-



ституту орқали амалга оширилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш шаклларида бири – жиноят иши бўйича жиноятларни тергов қилишда ва суд муҳокамасида фуқаровий даъвони қўзғатиш имкониятининг мавжудлигидир.

Амалда жиноят ишларини юритиш давомида жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланмаганлиги ёки лозим даражада қопланмаганлиги жабрланувчи томонидан даъво қилинишига сабаб бўлиши мумкин³.

Етказилган мулкӣ зиён ва жисмоний зарарни фуқаровий даъво қўзғатиш йўли билан ундириш фаолияти бундай даъво тақдим этиш ва қабул қилиш, шахсни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш, тақдим этилган даъводаги талабларни асослаш, уларни таъминлаш бўйича зарур чоралар қабул қилиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади⁴.

Жиноят процессида жиноятдан келиб чиқадиган ҳар қандай зарарларни қоплаш ҳақида даъво қилиш мумкин эмас. Жиноят процессидаги бош масала – айблов масаласини кўришдан чалғимаслик ва жиноят ишини юритиш доирасини аниқ қилиб белгилаш учун қонунчиликда жиноят процессида кўриладиган фуқаровий даъволарнинг аниқ рўйхати келтирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 275-моддасида қуйидаги даъволар айнан жиноят иши доирасида кўрилиши мумкинлиги белгиланган:

1) бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш ҳақидаги даъволар;

2) жабрланувчини дафн этиш харажатларини қоплаш ҳақидаги даъволар;

3) жабрланувчининг стационарда давола-

ниш харажатларини қоплаш ҳақидаги даъволар;

4) суғурта тариқасида жабрланувчига тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар.

Фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зиёнларнинг жиноят иши доирасида кўриладиганларини аниқлашда уларнинг бевосита жиноятдан келиб чиққанлигига эътибор қаратилади. Мисол тариқасида, бир тадбиркорлик субъектига нисбатан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш (ЖК 192³-моддаси) жинояти содир этилса, унга етказилган зиён мазкур жиноят иши доирасида кўрилади. Бироқ мазкур тадбиркорлик субъектининг бошқа тадбиркорлик субъекти олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажара олмаганлиги ҳисобидан уларга етказилган зарар ҳақидаги даъво мазкур жиноят ишида кўрилмайди. Бундай зарар жиноятдан билвосита келиб чиққанлиги учун бошқа иш юритув (одатда иқтисодий низо бўлганлиги учун) доирасида кўрилади.

Жиноятдан етказилган зиённи (яъни мулкӣ зиённи) қоплашга бўлган ҳуқуқ, шунингдек, зиён учун моддий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексидан (14-моддаси 57-боби) белгиланган. Унга кўра, зарар деганда ҳуқуқи бузилган шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар) ҳамда шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайдиган даромадлари (бой берилган фойда) ҳам тушунилади.

Жиноят процессида жиноятдан келиб чиққан зиёнлар ҳақидаги масалани кўришда реституция қондаси қўлланилади⁵. Жумладан,

3 Куваталиев А.К. *Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари* // "EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH" Innovative Academy Research Support Center UIF = 8.1 | SJIF = 5.685 <https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7863438>

4 Самандаров Қ.Б. *Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласининг мазмун ва моҳияти* // "SCIENCE AND INNOVATION" International scientific journal. Volume 1 issue 6 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7110343>

5 Реституция лотинча "Restitutio" сўзидан олинган бўлиб, "олдинги вазиятни тиклаш" деган маънони бериб, жиноят процессида жиноят натижасида йўқотилиб, кейин (масалан, жиноят иши юритиш даврида топилган) ашёларнинг қонуний эгасига – жабрланувчига қайтарилишини англатади. Ушбу атама хорижий давлатларда нашр қилинган адабиётларда кенг қўлланилади. Миллий ҳуқуқ манбаларида Т.Н.Тиллаев томонидан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашнинг усули сифати-



ЖПКнинг 287-моддасида айнан реституция қоидаси баён қилинган бўлиб, у жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулки эгасига қайтарилиши лозимлигини англатади. Яъни жабрланувчи ёки жабрланувчи деб эътироф этилмаганда, жиноят натижасида мулкни йўқотган юридик шахслар, хусусан, тадбиркорлик субъектлари жиноят натижасида йўқотилган (яъни ўғирланган, тортиб олинган, ҳужжатлари сохталаштирилиб бошқа шахс номига расмийлаштирилган ёки бошқача ноқонуний усуллар билан бегоналашган) мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъво қилиш) ҳуқуқига эга. Реституция қоидасига кўра, йўқотилган мулк (ашё ёки кўчмас мулк) кимнинг эгаллигида (фойдаланишида, тасарруфида) бўлишидан қатъи назар, ҳатто инсофли эгалловчида бўлса ҳам, жиноят натижаси йўқотган шахсга, яъни жабрланувчига қайтариб беришни назарда тутса-да, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 229-моддасига кўра, суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотиб олинган мол-мулк ва инсофли эгалловчига харид қилиш учун берилган пул қайтариб олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддасига кўра, жиноят туфайли ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили (меросхўрлари) жиноят иши кўзгатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзғатишга ҳақлидир.

Жиноят процессида фуқаровий даъво икки хил шаклда кўзғатилади.

1. Шахснинг ёзма аризаси асосида фуқаровий даъвонинг кўзғатилиши. Маълумки, фуқаролик ёки иктисодий ишларни юритишда даъво аризасига қатъий талаблар қўйилади. Аммо жиноят процессида жиноят туфайли ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакилининг даъвони кўзғатишга асос бўлувчи аризаси мазмунига қатъий талаблар белгиланмаган. Масалан, аризада зарарнинг аниқ суммаси ва зарар етказган шахс кўрсатилмаслиги, шунингдек, за-

рарни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаслиги мумкин.

2. Шахснинг оғзаки аризаси асосида фуқаровий даъвонинг кўзғатилиши. Фуқаровий даъвони оғзаки ариза билан кўзғатиш асосан суд босқичида амалга оширилади. Тергов-суриштирув амалиётида асосан ёзма аризага кўра фуқаровий даъво кўзғатиш анъанаси мавжуд. Оғзаки даъво аризасини қабул қилиш баённомасини расмийлаштириш деярли учрамайди. Сабаби ЖПК 275-моддасидаги “Оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб қўйилади” деган қоида шундай ҳулосага асос бўла олади.

Бироқ фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини инобатга олган ҳолда, суд-тергов амалиётида жиноят туфайли ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс жабрланувчи тартибда кўрсатув бераётганда ўзига нисбатан етказилган мулкий зиён хусусида даъвоси борлигини баён қилиши – даъвони кўзғатиши ёки уни қувватлаши деб талқин қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 279-моддасига кўра, прокурор фуқаровий даъвони кўзғатиши ёки кўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлаши ёхуд, башарти давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шарт.

Жиноят ишлари бўйича шундай ҳолатлар аниқланадими, айрим шахслар ўзларига ёки мулкларига нисбатан содир этилган жиноят ҳақида хабар топмасликлари, у ҳақида маълумотлари бўлса ҳам даъво қилиш тартибини билмасликлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 64-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт. Ушбу қоидага кўра, суд-тергов амалиётида фуқароларга, жумладан, жиноятдан зиён кўрган юридик шахслар (тадбиркорлик субъектлари) вакилларига фуқаровий даъвони кўзғатиш

да реституция институти ўрганилган ва ушбу атама ҳақида фикрлар илгари сурилган. Қаранг: Тиллаев Т.Н. *Жиноят процессида фуқаровий даъво*. Ю.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010 йил, 15-бет. Ўша муаллиф. Х боб. *Жиноят натижасида етказилган зиённи қоплаш // Жиноят-процессуал ҳуқуқи*. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017 йил, 372-бет.



хукуқи тушунтирилади ва амалда бу ҳақда баённома расмийлаштирилади. Қонунда бевосита баён қилинмаган бўлса-да, даъво кўзғатиш хукуқига эга бўлган шахслар ҳали жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар мақомини олмаган, даъво кўзғатиш ҳақида марожаат қилмаган тақдирда, уларга фуқаровий даъво кўзғатиш хукуқи тўғрисида хабарнома жўнатиш амалиёти шаклланган. Аммо ҳар қандай жиноят иши-

да бундай чора кўрилади, дейиш биров ноўрин. Ҳозирги иқтисодий муносабатлар ривожланган, трансмиллий қорхоналар кўпайиб бораётган ва мулкчилик тизими мураккаблашган шароитда уларнинг жиноят ишларини юритишдаги иқтисодий, баъзан бизнес манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлаш учун жиноят-процессуал қонунчиликда “зиён ҳақида хабардор” қоидалари белгиланиши мақсадга мувофиқ.

.....



Тимур КЕНЖАЕВ,
доцент Правоохранительной академии
Республики Узбекистан, д.ф.ю.н. (PhD), доц.

Равшан ЭСАНБОЕВ,
студент Правоохранительной академии Республики Узбекистан

ИНСТИТУТ ПРИМИРЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматривается история становления и развития института примирения в Республике Узбекистан, включая его правовые основы, преимущества и сравнения с институтами примирения зарубежных стран. Описываются некоторые особенности функционирования института примирения, а также обязательные условия, присущие примирению.

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ярашув институти шаклланиши ва ривожланиши тарихи, унинг ҳуқуқий асослари, афзалликлари ҳамда хорижий давлатлардаги ярашув институтлари билан таққослаш ўрганилган. Ярашув институтининг фаолиятига хос баъзи хусусиятлар, шунингдек, ярашувга оид мажбурий шартлар тавсифланади.

ABSTRACT. The article discusses the history of creation and development of the institution of reconciliation in the Republic of Uzbekistan. Reconciliation in the Republic of Uzbekistan, including its legal bases, advantages and comparisons with reconciliation institutions of foreign countries. Some peculiarities of the functioning of the institution of reconciliation are described, as well as obligatory conditions of reconciliation.

Ключевые слова: уголовное право, институт примирения, правосудие, традиции, прощение, споры, преступление, правонарушение, потерпевший, законодательство, компенсация, освобождение от ответственности.

Калит сўзлар: жиноят ҳуқуқи, ярашув институти, одил судлов, анъаналар, афв этиш, низолар, жиноят, ҳуқуқбузарлик, жабрланувчи, қонунчилик, компенсация, жавобгарликдан озод қилиш.

Keywords: criminal law, institution of reconciliation, justice, traditions, forgiveness, disputes, crime, offense, victim, legislation, compensation, exemption from liability.

За годы независимости в Узбекистане возрождены и продолжают возрождаться исторические и благонравные национальные традиции и обычаи. Эти ценности, основанные на принципах гуманизма, повсеместно находят отражение и в национальном законодательстве.

В частности, уголовное право и процесс дополнились в 2001 году институтом, который выражает вышеперечисленные ценности. В нашем случае речь идет об институте примирения, который на сегодняшний день по праву занимает одно из важнейших мест в данной отрасли и не только. Так, спустя 20 лет после своего появления в уголовном праве, институт примирения расширил границы своего применения, распространившись в 2021 году и на некоторые виды (15 статей) ад-

министративных правонарушений¹.

Институт примирения имеет глубокие исторические корни и был распространён в различных обществах с древних времён. В традиционных сообществах, где государственные институты ещё не были развиты, урегулирование конфликтов часто происходило на основе примирения сторон при посредничестве старейшин, вождей или духовных лидеров. Основой примирения служили обычаи, религиозные нормы или моральные принципы, а целью было восстановление общественного порядка и предотвращение мести. В таких системах примирение могло включать возмещение ущерба, выплату компенсации или принесение извинений, что способствовало сохранению гармонии в общине. В нашем народе также существовала

1 См.: статью 212 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности. <https://lex.uz/docs/97661>. Дата обращения: 14.12.2024 г.



практика примирения через институт аксакалов, которые разрешали споры в махаллях, способствуя поддержанию мира и согласия в обществе. Эта традиция заложила основу для современных подходов к примирению.

Как уже было отмечено, статья 661 Уголовного кодекса (Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением)² и глава 62 Уголовно-процессуального кодекса (Производство по делам о примирении)³ введены Законом Республики Узбекистан в 2001 году⁴.

Общеизвестно, что институт примирения – это вид освобождения от уголовной ответственности, заключающееся в прекращении уголовного дела без решения вопроса о виновности лица на основе заявления о примирении потерпевшего.

В качестве основных целей внедрения данного института считаем важным отметить обоюдное урегулирование конфликта, возмещение причинённого вреда и конечно же разгрузка судебно-правовой системы Республики Узбекистан.

Институт примирения в Узбекистане обладает рядом значительных преимуществ, направленных на гуманизацию уголовной политики и снижение социальной напряженности. Этот механизм позволяет сторонам конфликта достичь взаимоприемлемого урегулирования, избегая длительных судебных разбирательств. Примирение способствует восстановлению справедливости путем возмещения причиненного ущерба и морального удовлетворения потерпевшего, что помогает минимизировать негативные последствия конфликта. Важным элементом является сохранение репутации обвиняемого, так как лицо, совершившее преступление, не становится осужденным из-за освобождения от уголовной ответственности. На него оказывается воспитательное воздействие путем прощения.

Кроме того, институт примирения снижает

нагрузку на правоохранительные органы и судебную систему, ускоряя процесс разрешения уголовных дел. Потерпевшие, воспользовавшись этим правовым механизмом, могут получить компенсацию или иной способ устранения ущерба на досудебной стадии. Это способствует укреплению доверия к правовой системе, так как позволяет решать конфликты мирным путем. Таким образом, институт примирения представляет собой не только эффективный способ защиты прав потерпевших, но и средство ресоциализации правонарушителей.

С принятием закона в 2001 году в Уголовный кодекс была введена норма, регулирующая институт примирения: статья 661 – освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением. Анализ национального законодательства Республики Узбекистан показывает, что на момент принятия закона данная норма распространялась на 26 статей. В дальнейшем институт примирения продолжил развиваться и количество статей Уголовного кодекса, допускающих примирение, только увеличивалось:

- ▶ 2004 год – 30 статей;
- ▶ 2005 год – 31 статья;
- ▶ 2009 год – 40 статей;
- ▶ 2012 год – 44 статьи;
- ▶ 2016 год – 45 статей;
- ▶ 2019 год – 46 статей;
- ▶ 2023 год – 47 статей.

Таким образом, в настоящее время, согласно статье 66¹ Уголовного кодекса Республики Узбекистан, применение института примирения возможно по 47 статьям и 65 составам преступлений⁵. По нашему мнению, и мнению других правоведов⁶, перечень составов преступлений, подпадающих под действие этой нормы, будет расширяться и дальше. Применение института примирения ежегодно способствует увеличению числа лиц, осво-

2 Уголовный кодекс Республики Узбекистан <https://lex.uz/docs/111457>. Дата обращения: 14.12.2024 г.

3 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. <https://lex.uz/docs/111463>. Дата обращения: 14.12.2024 г.

4 Закон Республики Узбекистан от 29.08.2001 г № 254-II «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний». <https://lex.uz/docs/59921>. Дата обращения: 14.12.2024 г.

5 Уголовный кодекс Республики Узбекистан <https://lex.uz/docs/111457>. Дата обращения: 14.12.2024 г.

6 См.: Пайзиев Д.Ю. *Институт примирения по законодательству Республики Узбекистан*. Проблемы современной науки и образования. № 10 (143), 2019 г. стр. 55-57.



божденных от уголовной ответственности. Это не только снижает количество осужденных в обществе, но и помогает предотвращать негативные последствия, которые могли бы повлиять на жизнь людей и судьбы будущих поколений. Институт примирения представляет собой эффективный правовой механизм, позволяющий защищать добровольные договоренности сторон, ускорять и упрощать разрешение конфликтов, избегая длительных судебных разбирательств и минимизируя затраты.

Институт примирения активно применяется в разных странах мира. К примеру, можно рассмотреть опыт Российской Федерации. В России примирение развивается на основе Уголовного кодекса и Кодекса о административных правонарушениях. В отличие от нашего законодательства, в России применение примирения в уголовных делах это право уполномоченных органов (прокуроры, следователи и судьи), тогда как у нас это обязанность. Предлагается отметить, что в России и в Республике Узбекистан институт примирения может применяться только к лицам, совершившим преступление впервые, тогда как в Республике Казахстан и в Киргизии значеня не имеет впервые совершило преступление лицо или нет.

В Узбекистане институт примирения может быть применен не только к лицам, впервые совершившим преступление, но и к ранее осужденным за преступления, не представляющие большой общественной опасности, или за менее тяжкие преступления, даже при наличии неснятой или непогашенной судимости.

Кроме того, действующее законодательство допускает применение примирения к лицам, ранее осужденным за тяжкие и особо тяжкие преступления, если их судимость была погашена или снята, а также если они примирились с потерпевшей стороной.

Для применения института примирения необходимо соблюдение следующих условий:

- ▶ преступление должно подпадать под

действие статьи 66¹ Уголовного кодекса

- ▶ подозреваемый, обвиняемый или подсудимый должен признать свою вину;
- ▶ должен быть полностью возмещен ущерб, причиненный потерпевшему;
- ▶ стороны должны достичь примирения, включая прощение потерпевшим.

Невыполнение одного из этих условия исключает применение данной практики. Более подробно данный процесс разъясняется постановлением Пленума Верховного суда 2002 года⁷.

В соответствии с законодательством, в случае примирения с подозреваемым или обвиняемым по преступлениям, подпадающим под действие статьи 66¹ Уголовного кодекса, уголовное дело может быть прекращено без рассмотрения вопроса об обвинении в суде, в порядке, установленном главой 62 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Также, исходя из решения Президента Республики Узбекистан от 2020 года⁸, одними из последних нововведений стало внедрение следующих правил:

возможность применения института примирения в случае изменения предъявленного лицу обвинения на статью или часть статьи Особенной части Уголовного кодекса Республики Узбекистан, подпадающие под действие института примирения, независимо от того, в какой судебной инстанции рассматривается уголовное дело;

недопущение освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением лиц, имеющих непогашенную или неснятую судимость за совершение тяжких или особо тяжких преступлений, не применяется в отношении несовершеннолетних, лиц с инвалидностью первой и второй групп, женщин, мужчин старше шестидесяти лет и лиц, совершивших преступление по неосторожности.

Таким образом мы видим постоянный процесс реформирования данного института, что показывает его значимость и важность в жизнедеятельности нашей страны.

7 Постановление пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25.10.2002 г. № 27 «О судебной практике по делам о примирении». <https://lex.uz/docs/1453537>. Дата обращения: 14.12.2024 г.

8 Указ Президента Республики Узбекистан от 10.08.2020 г. № УП-6041 «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности». <https://lex.uz/docs/4939472>. Дата обращения: 14.12.2024 г.



Следует отметить, что институт примирения включает не только прощение потерпевшим причиненного вреда, но и отказ от первоначальных требований и претензий к обвиняемому.

Все вышеизложенные позволяет сделать вывод о том, что расширение института при-

мирения играет значительную роль в системе уголовного правосудия как в Республике Узбекистан, так и в других странах. Стремление к благу, умение прощать, выражение уважения и взаимопонимания друг к другу, являются проявлением силы духа, терпимости и благородства.

.....



Акрамхон БОБОХОНОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси

ТЕРГОВ ВА БОШҚА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ ВА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақола “Жиноий таъқиб остидаги шахсларнинг ҳуқуқларини ўргатиш учун мўлжалланган таълим платформасини яратиш” номли амалий лойиҳа ижроси доирасида тайёрланиб, унда жиноят процессининг муҳим иштирокчиларидан бири бўлмиш ҳимоячининг процессда иштирок этишига оид миллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили, ҳимоячининг ваколатлари, суд-тергов амалиётида юзага келаётган муаммолар ҳамда уларнинг ечимига оид илмий ва амалий таклифлар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. Данная статья подготовлена в рамках реализации практического проекта «Создание образовательной платформы для обучения правам лиц, находящихся под уголовным преследованием» и представляет собой сравнительный анализ отечественного и зарубежного законодательства об участии защитника — одного из важных участников уголовного процесса, полномочия адвоката, проблемы, возникающие в судебно-следственной практике, и выдвинуты научно-практические предложения по их решению.

Abstract. This article has been prepared within the framework of the practical project titled “Creating an Educational Platform for Teaching the Rights of Individuals Under Criminal Prosecution.” It provides a comparative analysis of national and foreign legislation regarding the participation of the defense attorney, who is one of the key participants in the criminal process. The article also examines the powers of the defense attorney, issues arising in judicial and investigative practice, and offers scientific and practical recommendations for their resolution.

Калит сўзлар: тергов, процессуал ҳаракатлар, жиноят процесси, ҳимоячи, ҳимоячининг ваколатлари, гумон қилинувчи, айбланувчи, тергов ҳаракатлари, далиллар, экспертиза.

Ключевые слова: Расследование, процессуальные действия, уголовный процесс, защитник, полномочия защитника, подозреваемый, обвиняемый, следственные действия, доказательства, экспертиза, процессуальные действия.

Keywords: investigation, procedural actions, criminal process, defense attorney, defense attorney's powers, suspect, accused, investigative actions, evidence, forensic examination, procedural actions.

Жиноят процесси иштирокчиларининг дастлабки тергов, суриштирув ва суд муҳокамасида бевосита иштирок этиши ҳақиқатни аниқлаш ва одил судловни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали механизмларидан бири бу ҳимоячининг иштироқи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунлари, Олий суд Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги ҳамда “Да-

лилар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда жиноят процессида ҳимоячининг иштирокига оид тартиб-таомиллар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши кўрсатилган бўлса, 29-моддасида ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш



ҳуқуқига эга¹.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳимояга бўлган ҳуқуқининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши бу демократик, ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатнинг муҳим белгисидир.

Жиноят процесси иштирокчилари қаторига зиммасига исбот қилиш мажбурияти юкланган шахслар, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар, жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холис) киради.

Ҳар бир процесс иштирокчиси қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Қонунда белгиланган ҳуқуқларнинг тўлақонли таъминланиши ҳамда ҳимоя этилиши, шунингдек, зиммасига юклатилган мажбуриятларга сўзсиз риоя этилиши жиноят процессининг асосий мақсадларидан бири бўлган ҳақиқатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципи мустаҳкамланган².

Мазкур принципга кўра, жиноят процессида исбот қилиш зиммасига юклатилган давлат органларининг масъул ходимлари гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига қонунда белгиланган ҳуқуқларини тушунтириб беришлари, уларнинг ўзини қонунда тақиқланмаган барча восита ва усуллар ёрдамида ҳимоя қилиши учун реал имконият ва шарт-шароит яратиб беришлари зарурлиги қайд этилган.

Конституциявий ҳуқуқ ҳисобланган ҳимояланиш ҳуқуқи нафақат адвокатни ёрдандан фойдаланишдан, балки айбсизлик презумпцияси, процесс иштирокчисининг ўз она тилидан ёки ўзи билладиган бошқа тилдан фойдаланиш, судда ишларни юритишда тортишув, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқларининг таъминланиши орқали ҳам амалга оширилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 49-мод-

даси мазмунига кўра ҳимоячи жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс бўлиб, ишда ҳимоячи сифатида адвокат ҳамда у билан бир қаторда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларнинг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари иштирок этиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар:

- вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
- жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
- шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;
- жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда;
- суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда;
- ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича;
- шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиладиганда;
- айбига иқдорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича;
- апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари суди томонидан кўриладиган ишлар

1 <https://lex.uz/docs/6445145>

2 <https://lex.uz/acts/111460>



да ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир³.

Гарчи қонунда юқорида санаб ўтилган ўн учта ҳолатда ҳимоячининг иштирок этиши шарт эканлиги қатъий белгиланган бўлса-да, ЖПКнинг 52-моддасида шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар, давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар, жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишлар, суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишлар, ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича ҳимоячидан воз кечилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ҳимоячидан воз кечилиши бу ҳуқуқдан жиноят процессининг исталган босқичида қайта фойдаланиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Тўғри, ҳимоячига эга бўлиш бу гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ва бошқа процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланиб, қонун мазмунига кўра уларнинг зиммасига мажбурият сифатида юкланиши мумкин эмас. Лекин қонун айрим тоифадаги ишларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, исбот қилиш иштирокчилари зиммасига бу тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячиларнинг иштирокини таъминлаш шартлигини юкламоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг ҳимоя ҳуқуқининг реал таъминланишига оид диққатга сазовор бўлган жиҳатларидан бири – бу ҳимоячидан воз кечишга фақат гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ташаббуси билан ҳамда адвокатнинг ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашгандан сўнг йўл қўйилиши, ҳимоячидан воз кечиш жараёнининг эса видеоёзув орқали қайд этилиши шартлигининг мустаҳкамланганлиги ҳисобланади.

Ҳимоя ҳуқуқининг жиноят процессида

реал таъминланишида муҳим нормалардан бири далилларнинг мақбуллигига оид қонун нормаларидир. Яъни Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилиши далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлиши белгиланган.

Шу билан бирга, Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида процессуал ҳаракатда қонунга кўра ҳимоячи иштироки шарт бўлиб, далил суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суд томонидан унинг иштирокисиз олинган бўлса ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи тушунтирилмаган ёки бу ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти амалда таъминланмаган бўлса, олинган далил номақбул деб топилиши белгиланган⁴.

Худди шундай, Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорида қуйидаги ҳолатлар гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонун нормаларининг жиддий бузилишлари деб ҳисобланиши белгиланган, агар:

- унинг ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;
- қонунга кўра ҳимоячи, қонуний вакил иштирок этиши шарт бўлса-ю, иш уларнинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;
- манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса;
- дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;
- айбланувчига айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси топширилмаган бўлса;

3 <https://lex.uz/acts/111460>

4 <https://lex.uz/acts/3895986>



– химоячиси бўлмаган судланувчига химоя нутқи сўзлаш учун имконият, шунингдек, охириги сўз берилмаган бўлса;

– иш судланувчининг иштирокисиз кўрилган бўлса (ЖПК 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

– ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар мавжуд бўла туриб, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса⁵.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг химоя институтига оид нормаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда жиноят процессида тарафлар тенглиги, яъни химоя ва айблов тарафининг ваколатлари ҳамда имкониятлари тенглиги таъминланмаган.

Амалдаги қонун исбот қилиш иштирокчиларига далилларни тўплаш борасида жуда кенг ваколатларни тақдим этгани ҳолда химоя тарафининг бу борадаги ваколатлари ва имкониятларини чеклаб қўйган.

Амалдаги қонун исбот қилиш иштирокчиларига далилларни тўплаш борасида жуда кенг ваколатларни тақдим этгани ҳолда химоя тарафининг бу борадаги ваколатлари ва имкониятларини чеклаб қўйган.

Хусусан, қонунга мувофиқ химоячи далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига кўшиб қўйилиши ва мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар қаторига ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши билан чекланган.

Демак, химоячи ўз ташаббуси билан фақатгина тушунтириш хати олиш ҳамда сўровнома асосида маълумотномалар йиғиш ваколатига эга. Бошқа турдаги далилларни тўплаш учун химоячи тергов ва суд органларига илтимоснома билан мурожаат қилиши, исбот қилиш субъекти томонидан унинг илтимосномасини қаноатлантириш лозим деб топил-

ган тақдирда муайян процессуал ҳаракатнинг амалга оширилишига эришиши мумкин.

Амалдаги Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда химоячига далилларни тўплаш жараёнида ишонч билдирувчининг розилиги билан шартнома асосида давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказилишини ташкил этиш ваколати берилган.

Худди шундай норма Грузия Республикаси ЖПКнинг 144-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унинг мазмунига кўра химоя тарафининг ташаббуси билан экспертиза ўтказилиши мумкинлиги, экспертиза тадқиқоти учун зарур бўлган объект тергов органи ихтиёрида сақланаётган бўлса, химоя тарафининг сўровига асосан ушбу объектлар тақдим этилиши лозимлиги белгиланган⁶. Бундай нормалар жиноят процессида химоя институтининг ўрни ва аҳамиятини ошириш билан бирга, том маънодаги тарафлар тортишуви принципини амалда татбиқ этиш имкониятини беради.

Бироқ жиноят процессида химоячига химояси остидаги шахснинг розилиги билан шартнома асосида экспертиза ўтказишни ташкиллаштириш ҳуқуқининг қонунда назарда тутилмаганлиги унинг далилларни тўплаш борасидаги ҳуқуқларини чеклайди.

Жиноят процессида химоячининг иштирокига оид хорижий давлатлар қонунчилигининг таҳлили бу борадаги миллий қонунчилик нормаларидан фарқли жиҳатлари мавжудлигини, айрим нормаларнинг имплементацияси эса миллий қонунчилигимизда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг янада самарали химоя қилинишига хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатди.

Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 144-моддасида жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, унда терговга қадар текширишни амалга оширувчи субъектлар ушбу жараёнда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришлари, уларга адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқини тушунти-

5 <https://lex.uz/acts/1453755>

6 <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=165>



ришлари лозимлиги белгиланган⁷.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, мазкур моддада терговга қадар текширув жараёнида адвокатнинг иштироки ёки процесс иштирокчиларига адвокат олиш ҳуқуқининг тушунтирилишига оид норма мустаҳкамланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49-моддаси 4-қисмида ҳимоя чининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши белгиланган. Бироқ мазкур модда мазмунидан терговга қадар текширув жараёнида фақатгина жиноят иши кўзғатилгунига қадар шахс ушланганида ҳимоячининг иштирок этишига рухсат берилиши англашилади. Шунингдек, миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳимоячи иштирокига оид нормаларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи мақомидаги процесс иштирокчиларининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳақида сўз юритилади, терговга қадар текширувга жалб қилинган ёки иштирок этаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи ҳақида кодексда бирор-бир норма мавжуд эмас.

Худди шундай Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66¹-моддасида гувоҳнинг адвокати ҳақида сўз юритилиб, ушбу модда мазмунидан кўзғатилган жиноят иши доирасида гувоҳ адвокатга эга бўлиши англашилади.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унда “гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи ёрдамани рад этмаса” ҳимоячининг ишда иштирок этиши шартлиги кўрсатилган. Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчи ва айбланувчининг ташаббуси билан ҳамда фақатгина ёзма тарзда билдирилиши қонунда

белгиланган⁸.

Миллий қонунчилигимизда бундай норма мавжуд эмас. Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигидаги мазкур норма кўплаб ишлар бўйича ҳимоячи иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Норманинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ҳимоячининг иштироки жиноят ишининг муайян тоифасига боғлиқ қилиб эмас, балки гумон қилинувчи ва айбланувчининг хоҳиш-иродаси асосида белгиланиши аҳамиятлидир.

Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигининг яна бир аҳамиятга молик жиҳати, ЖПКнинг 53-моддаси ҳамда 80-моддаси 3-қисмига мувофиқ ҳимоячи иш бўйича мутахассисни жалб қилиши ҳамда мутахассис хулосасини олиш ҳуқуқига эга⁹.

Албатта, мутахассис фикри эксперт хулосаси ўрнини боса олмаса-да, муайян ҳолатларга ойдинлик киритишда, гумон ва шубҳаларни баргараф этиш ҳамда текширилаётган ҳолатга ойдинлик киритишда аҳамият касб этади.

Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳам ҳимоячи институти алоҳида ўрин эгаллаган.

ГФР ЖПКнинг 137-моддасида айбланувчига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бир ёки уч нафаргача ҳимоячини жалб қилиши мумкинлиги белгиланган¹⁰.

Худди шунга ўхшаш норма Украина ЖПКда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, ЖПКнинг 46-моддасида суд муҳокамасида айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун бир вақтнинг ўзида беш нафаргача адвокат жалб этилиши мумкинлиги қайд этилган¹¹.

Миллий қонунчилигимизда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жалб этиладиган ҳимоячилари сонига оид бирор-бир чеклов назарда тутилмаган.

Германия қонунчилигининг яна бир ўзига хос жиҳати, ҳимоячилар сифатида жиноят

7 Безлепки́н Б.Т. *Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации* – 14-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018 г. – С. 209.

8 Безлепки́н Б.Т. *Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации* – 14-е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018 г. – С. 90-91.

9 Уголовный процесс: учебник / А.В.Смирнов, К.Б.Калиновский - 8-е изд., перераб. - Москва: Норма: ИНФРА-М, 2025 г. – С. 181.

10 Фридрих-Кристиан Шредер, Торстен Феррел и др. Уголовно-процессуальное право Германии = Strafrecht: пер. с нем. – 5-е изд. - М.: Инфотропик Медиа, 2016 г. – С. 59.

11 https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178#pos=689;69



процессада адвокатлар ҳамда олий юридик ўқув юртарининг ўқитувчилари жалб этилиши мумкинлигидир. Қонунчиликда бундай норманинг мавжудлиги ГФР ЖПК қабул қилиш вақтида мамлакатда адвокатлар сонининг чекланганлиги билан боғлиқ деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, ГФР ЖПКда бир адвокат икки ва ундан ортиқ айбланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тақиқланган. Бунга ўхшаш норма миллий қонунчилигимизда ҳам мавжуд бўлса-да, бироз бошқача тарзда талқин қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 79-моддасида ҳимоячининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар белгиланган бўлиб, ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатганлиги, унинг ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишини истисно этиши белгиланган. Бироқ ГФР ЖПКда эса адвокат ҳимояси остидаги шахснинг манфаатлари бошқа айбланувчиларнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ёки қарама-қаршилик мавжуд эмаслигидан қатъи назар, бир адвокат икки ва ундан ортиқ айбланувчига ҳуқуқий ёрдам кўрсатмаслиги қатъий белгиланган¹².

Германия ЖПКнинг 147-моддаси 7-қисмида адвокат жиноят иши материаллари билан танишиш вақтида жиноят иши ҳужжатларини ўз хизмат хонасига ёки яшаш уйига ҳам олиб кетиши мумкинлиги белгиланган¹³.

Албатта, қонунчиликда бундай норманинг белгиланиши муайян хавф-хатарларни юзага келтириши мумкин. Адвокатга жиноят ишини ўз хизмат хонасига ёки яшаш уйига олиб кетиш ҳуқуқининг берилиши учун адвоката тура тизимидаги барча ходимларнинг юксак касбий ва ахлоқий фазилатларга ҳамда про-

фессинал этика қоидалари ва қонунларга сўзсиз амал қилиши билан ҳам боғлиқ масала ҳисобланади.

Тергови тамомланган жиноят иши билан танишишга оид айбланувчининг ва ҳимоячининг ҳуқуқларига оид нормалар таҳлили ГФР қонунчилигида жиноят иши материаллари билан танишиш ҳуқуқи айбланувчига эмас, балки ҳимоячига берилганлигини кўриш мумкин. Айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишиш учун албатта ҳимоячини жалб қилиши лозимлиги Германия қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади¹⁴.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид институти ҳам ўзига хос жиҳатларга эга.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасида хорижий давлатлар адвокатларининг жиноят процессида ҳимоячи сифатида иштирок этиши Қозоғистон Республикаси билан тегишли давлат ўртасида тузилган халқаро шартномада назарда тутилган бўлсагина йўл қўйилиши мумкинлиги белгиланган¹⁵.

Миллий қонунчилигимизда эса жиноят процессида хорижий давлатлар адвокатларининг иштирокига оид масала тартибга солинмаган.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 67-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унда миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган бир ҳолат қайд этилган, яъни айбланувчи ёки судланувчи республика ҳудудидан ташқарида бўлса ва дастлабки тергов ёки суд органларига келишдан бўйин товлайётган бўлса, ҳимоячининг иштироки шартлиги белгиланган¹⁶.

Мазкур норма жиноят процессида бевосита иштирок этмаётган айбланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг

12 Фридрих-Кристиан Шредер, Торстен Феррел и др. Уголовно-процессуальное право Германии = Strafprozessrecht: пер. с нем. – 5-е изд. - М.: Инфотропик Медиа, 2016 г. – С. 60.

13 Фридрих-Кристиан Шредер, Торстен Феррел и др. Уголовно-процессуальное право Германии = Strafprozessrecht: пер. с нем. – 5-е изд. - М.: Инфотропик Медиа, 2016 г. – С. 62.

14 Фридрих-Кристиан Шредер, Торстен Феррел и др. Уголовно-процессуальное право Германии = Strafprozessrecht: пер. с нем. – 5-е изд. - М.: Инфотропик Медиа, 2016 г. – С. 62.

15 <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>

16 <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>



68-моддасида жиноят процессини юритишга масъул давлат органлари муайян шахсни адвокат сифатида таклиф қилиш ҳақида тавсия беришга ҳақли эмаслиги белгиланган¹⁷.

Бизнинг фикримизча, мазкур қонданнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини холис ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят процесси иштирокчиларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик билан мустаҳкамланган қатор самарали усул ва механизмлари мавжуд. Жиноят процессида мавжуд процессуал механизмлар орасида ҳимоя институтининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш институти доимий такомиллаштиришга муҳтождир. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ҳақида сўз юритилар экан, сўнгги йилларда ҳуқуқий асослар такомиллашиб бораётганлигини эътироф этиш зарур.

Хусусан, 2023 йил 16 июнда қабул қилинган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2024 йил 24 ноябрда қабул қилинган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 774-сонли қарори ва бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Бироқ жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган тарафлар тортишуви ва тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун амалдаги қонунларимизни илғор хорижий давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини имплементация қилиш ҳамда замон талабларига мос бўлган янги қонунларни

ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириб боришимиз шарт.

Ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, ҳимоячига жиноят процессида ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаш ва ҳимояси остидаги шахс ҳисобидан экспертиза ўтказиб, экспертиза хулосаларини исбот қилиш субъектларига тақдим қилиш ваколатини ўз навбатида исбот қилиш субъектлари ҳимоя тараф тақдим этган экспертиза хулосасини ишга қўшиши, уни текшириши ва баҳолаши шартлиги ҳақидаги нормани мустаҳкамлаш лозим. Бундай норманинг қонунчиликда мустаҳкамланиши жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафлари ўртасида ҳақиқий тортишувни таъминлаш орқали ҳақиқатни аниқлаш принципининг амалда янада самарали ишлашига хизмат қилади.

Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексида жиноят процессида иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун нафақат республикада рўйхатдан ўтган, балки хорижий давлатларда фаолият юритувчи адвокатларни жалб қилиш ҳуқуқини берувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки сўнгги йилларда Ўзбекистон бутун дунёга очиқлик сиёсатини намоён қилиб, хорижий инвесторлар ва туристларни жалб қилиш бўйича катта ислохотларни амалга ошираётган бир вақтда, хорижий адвокатларнинг юртимизда процессларда иштирок этишига ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйилиши суд-ҳуқуқ тизимимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчидан, гарчи қонунчилигимизда ҳимоячи жиноят процессининг исталган босқичида ишда иштирок этиши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, хорижий давлатларнинг қонунчилигидан фарқли равишда терговга қадар текширув даврида ҳимоячини жалб этишга оид аниқ бир норма мавжуд эмас. Шу сабабли ЖПКга жиноят процесси иштирокчилари терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячига эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

17 <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>



Тўртинчидан, Жиноят-процессуал кодексда бир нафар адвокат бир жиноят иши бўйича неча нафаргача шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши мумкинлиги ва шу билан бирга жиноят процесси иштирокчиси ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бир вақтнинг ўзида неча нафаргача адвокатларни жалб қилишига йўл қўйилиши мумкинлиги қонун билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўз навбатида, ҳимоя тарафнинг мижозига холисона, сифатли ва тўлақонли ёрдам кўрсатиш имкониятини ошириши билан бир қаторда, жиноят процессида ортиқча сансалорлик ва иш юритишнинг сунъий равишда чўзилишининг олдини олишга, охир-оқибат процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари янада самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Бешинчидан, қонунчиликка гумон қилинувчи ёки айбланувчи суриштирув ва дастлаб-

ки тергов тамомлангандан сўнг ундаги барча материаллар билан танишиш жараёнида ҳимоячи билан таъминланиши зарурлиги ҳақида янги норма киритилиши лозим. Бундай норма суриштирув ва тергов жараёнида турли сабабларга кўра ҳимоячи ёрдамидан воз кечган процесс иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши жиноят процессининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаб, ҳақиқатни аниқлаш, ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш, тарафлар тенглиги ва тортишуви принципларининг амалда ишлаши орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ва суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

.....
#



Бекзод РАЖАБОВ,
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ПРОКУРОР-КРИМИНАЛИСТ ФАОЛИЯТИНИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада прокурор-криминалистларнинг жиноят- процессуал фаолиятига оид масалалар, хусусан, прокурор-криминалист ишот қилиш субъекти, тергов ҳаракатларининг иштирокчиси борасида хорижий ва миллий олимларнинг қарашлари, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигида процессуал фаолиятининг тартибга солиш тажрибаси таҳлил қилиниб, ушбу институтни процессуал қонунчиликка татбиқ қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируются вопросы, связанные с уголовно-процессуальной деятельностью прокуроров – криминалистов, в частности, предмет доказывания прокуроров-криминалистов, взгляды зарубежных и отечественных ученых на участника следственных действий, опыт регулирования процессуальной деятельности в законодательстве национальных и зарубежных государств, а также разрабатываются предложения и рекомендации по применению данного института в процессуальном законодательстве.

Abstract. This article analyzes issues related to the criminal procedural activities of forensic prosecutors, in particular, the subject of evidence of forensic prosecutors, the views of foreign and domestic scientists on the participant in investigative actions, the experience of regulating procedural activities in the legislation of national and foreign states, and also develops proposals and recommendations for the application of this institution in procedural legislation.

Калит сўзлар: ишот қилиш субъекти, прокурор-криминалист, махсус билим, оғир ва мураккаб тергов ҳаракатлари, далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш, тергов сифати.

Ключевые слова: субъект доказывания, прокурор-криминалист, специальные знания, тяжелые и сложные следственные действия, сбор доказательств, предварительное исследование, оценка, качество расследования.

Keywords: the subject of evidence, the forensic prosecutor, special knowledge, difficult and complex investigative actions, collection of evidence, preliminary investigation, assessment, quality of investigation.

Тергов фаолиятининг малакали ва тўғри ташкил этилмаслиги ёш терговчиларнинг тергов фаолияти бўйича етарли тажрибага эга эмаслиги, терговчиларга терговнинг сир-асрорларини ўргата оладиган масъул шахснинг ваколатлари, вазифа ва функциялари аниқ белгиланмаганлиги, айниқса, прокуратура терговига тегишли бўлган жиноят ишларини сифатли тергов қилишни таъминлаш вазифасини бажариш ваколати юклатилган прокурор-криминалистларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаганлиги жиноятларнинг фош этилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Фош этилмаган жиноятлар бўйича айрим статистик маълумотлар таҳлил қилинганда мамлакатимизда 2023 йилнинг 12 ойи давоми-

да 104 096 та жиноят ҳисобга олинган бўлиб, ҳар 100 минг аҳолига 290 та жиноят тўғри келган (ҳисобга олинган жиноятларнинг 71 фоизи ёки 74 202 таси айнан 2023 йил 12 ойида содир этилган). Содир этилган жиноятларнинг 28 фоизи (29 145 та) оғир ва 4 фоизи (4 318 та) ўта оғир жиноятларни ташкил қилган¹.

Республика миқёсида фош этилмаган жиноятлар сони 21,5 фоиз ёки 12 774 тани ташкил қилиб, шундан оғирлик даражасига кўра 5 624 та оғир, 474 та ўта оғир жиноятни ташкил қилади.

Фош этилмаган жиноятларнинг турлари бўйича таҳлил қилинганда 10 таси қотиллик, 20 таси баданга оғир шикаст етказиш, 8 таси номусга тегиш, 5 792 таси ўғрилик, 10 таси талончилик, 5 таси боқинчилик, 3 185 таси

1 Республиканинг 2023 йилдаги жиноятчилик ҳолатига илмий-таҳлилий шарҳ: ўқув-амалий қўлланма // Д.Б.Кадиров ва П.Р.Бобожоновларнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир Б.Т.Абдуллаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2024 йил, 3-бет.



фирибгарлик, 18 таси товламачилик, 4 таси ўлим билан боғлиқ ЙТХ, 35 таси безорилик, 6 таси транспортни олиб қочиш жиноятларини ташкил қилади.

2023 йил 12 ойида бедарак йўқолганлиги сабабли 631 нафар (шундан 461 нафарига 2023 йилда қидирув эълон қилинган) шахс қидирувда бўлган.

Ўтказилган тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари натижасида бедарак йўқолганларнинг 450 нафари (71,3 фоизи) топилган.

Бедарак йўқолганларнинг 44 нафарига (7 фоизи) нисбатан юритилган қидирув йиғмажилдлари муддати ўтганлиги, шунингдек, суднинг шахсни вафот этган деб топиш тўғрисидаги қарорига асосан тугатилган.

2019-2023 йилларда бедарак йўқолганларни аниқлаш фаолияти юзасидан статистик маълумотлар таҳлил қилинганда 2019 йилда 1 129 нафар қидирув эълон қилинган шахсларнинг 335 нафари (29,70 %), 2020 йилда 966 нафар қидирув эълон қилинган шахсларнинг 436 нафари (45,10 %), 2021 йилда 776 нафар қидирув эълон қилинган шахсларнинг 434 нафари (55,90 %), 2022 йилда 656 нафар қидирув эълон қилинган шахсларнинг 386 нафари (58,80 %), 2023 йилда 631 нафар қидирув эълон қилинган шахсларнинг 450 нафари (71,31 %) топилган.

2023 йил 12 ойида ҳудудлар кесимида бедарак йўқолганларни аниқлаш фаолияти самарадорлиги юзасидан маълумотлар таҳлил қилинганда Навоий – 100 %, Андижон – 92 %, Жиззах – 82,5 %, Қорақалпоғистон Республикаси – 81,0 %, Тошкент шаҳри – 77,8 %, Бухоро – 77,8%, Хоразм – 76,9 %, Сирдарё – 76,5 %, Тошкент – 58,4 %, Наманган – 58,1 %, Қашқадарё – 54,5 %, Самарқанд – 50 %, Фарғона – 33,3 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, 99 та (15 таси 2023 йилда рўйхатга олинган) таниб олинмаган мурдадан 14 тасининг (14,1 фоизи) шахси аниқланган, 18 тасига (18,1 фоизи) нисбатан юритилган йиғмажилдлар муддати ўтганлиги сабабли тугатилган².

Юқоридаги статистик маълумотлардан агар фош этилмаган жиноятлар бўйича прокурор-криминалистлар терговга қадар текши-

рув, суриштирув, дастлабки терговда бевосита иштирок этганида, тергов фаолиятини тўғри ташкил қилиш борасида унинг процессуал ваколатлари қонунчилик билан мустаҳкамланганида эди бундай рақамлар нисбатан камроқ, тергов сифати эса яхши томонга ўзгариши мумкин бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Бедарак йўқолганлар, шахси номаълум мурдалар, фош этилмаган жиноятлар салмоғининг юқорилиги прокурор-криминалистларнинг жиноят процессидаги иштирокини қонун билан тартибга солишга нисбатан эҳтиёж борлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Прокурор-криминалистлар Бош прокуратура раҳбарияти топшириғига биноан оғир ва ўта оғир жиноятларнинг фош этилишида, мураккаб тергов ҳаракатларини бевосита шахсан ўтказишга ваколатли ҳисобланади, бироқ бундай ваколатларини амалга ошириш учун прокурор-криминалистнинг процессуал ваколатлари амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамланмаган.

Бундай ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида келгусида суд томонидан далилларга баҳо беришда қўплаб муаммоларни туғдириши табиий ҳолдир.

Жиноятларни фош этишда жиноятчи қолдирган далилларни излаш, аниқлаш ва тўплаш, улар бўйича малакали тергов ҳаракатларини ўтказиш терговда зарур кўрсатма ва топшириқлар бериш, тергов ҳаракатлари ўтказишнинг криминалистик тактик қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказиш учун амалдаги жиноят-процессуал қонунида прокурор-криминалистнинг ваколатларини белгилаш масаласи долзарб аҳамият касб этмокда.

Тергов соҳасида фаолият юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорларнинг жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни тергов қилиш борасидаги фаолиятини янада яхшилашда айнан прокурор-криминалистлар муҳим ўринга эга.

Прокурор-криминалистларнинг суд ва судгача бўлган босқичдаги процессуал ва процессуал бўлмаган вазифалари юзасидан қўпчилик олимлар ўртасида баҳсли-мунозарали ҳолатлар кузатилади.

2 Республиканинг 2023 йилдаги жиноятчилик ҳолатига илмий-таҳлилий шарҳ: ўқув-амалий қўлланма //Д.Б.Кадиров ва П.Р.Бобононовларнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир Б.Т.Абдуллаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2024 йил, 3-бет.



Процессуалист ўзбек олими И.Астанов прокурор-криминалистнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳуқуқий мақомини белгилаш, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ тартибга солишни назарда тутадиган нормалар киритиш лозимлигини таклиф қилган³.

Р.Абдуллаев эса ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, бошқа турдаги тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг илмий-техник, криминалист таъминотини амалга оширишдаги зарурати боис амалдаги ЖПКга “Терговчи-криминалист” институтини янги жиноят процесси иштирокчиси сифатида киритилишини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам алоҳида белгилаш лозимлигини⁴ илгари сурган.

Шунингдек, А.Имомназаров⁵ кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштириш, Л.Баракаев⁶ далилларни тўплаш усули сифатида тафтишнинг криминалистик ва процессуал жиҳатлари бўйича олиб борган тадқиқот ишида оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда тузилган тезкор-тергов гуруҳи раҳбари сифатида прокурор-криминалист алоҳида процессуал мавқега эга бўлиши лозимлигини, тадқиқот иши натижасида ушбу фаолиятни амалга ошириш учун Бош прокуратурада катта прокурор-криминалист лавозими жорий қилинганлиги ҳақида фикр юритишган.

Рус олими А.Горовацкий эса Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига судга қадар бўлган босқичда жиноят процессининг иштирокчиси сифатида прокурор-криминалистнинг суриштирув ва дастлабки тергов, прокуратура органларидан ҳужжатлар, материаллар, бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш, суриштирувчи ва терговчининг ноқо-

нуний ҳамда асосиз равишда қабул қилган қарорларини бекор қилиш, суриштирув ва тергов органига жиноят ишлари бўйича айрим тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш, жиноят содир этган шахсларни қидириш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш, дастлабки тергов этиш, зарур ҳолларда шахсан алоҳида тергов ҳаракатлари ёки терговни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, қонун бузилишига йўл қўйган суриштирувчи ёки терговчини ушбу терговни давом эттиришдан четлатиш тўғрисида юқори турувчи прокурорга илтимоснома киритиш, жиноят иши қўзғатиш ва жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш, раҳбарият топшириғига кўра иш юритувида бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш, тугатиш ва бошқа процессуал ваколатларни амалга ошириши бўйича процессуал ваколатларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида ўз фикрини билдирган⁷.

Рус ҳуқуқшунос олими А.В.Горовацкийнинг фикрича, прокурор-криминалистлар институтини ривожлантириш концепцияси қуйидагича ифодаланади.

Прокурор-криминалист қийин вазиятда ўта оғир жиноятни очиш ва тергов қилишни тўғри йўналтирадиган таҳлилчи, терговчи томонидан суриштирув органлари, экспертлар ва жамоатчиликнинг жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва маълум бир иш бўйича жиноятнинг олдини олиш имкониятларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга қодир мутахассис, тезкор (қидирув) мақсадларда дастлабки тадқиқотларни қандай амалга оширишни биладиган юқори малакали ижрочи, тергов амалиётига янги техник воситалар,

3 И.Р.Астанов, А.Турғунов *Тергов фаолиятини такомиллаштириш ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашда прокурор-криминалистнинг ўрни* // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations special issue – 02 (2022) 504-6. ISSN 2181-1415

4 Абдуллаев Р.Қ. *Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини такомиллаштириш*. 12.00.09 – Жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси йўналишидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, ТДЮУ, 2023 йил, 19-бет.

5 Имомназаров А.Х. *Кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштиришнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари*. 12.00.09-Жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси йўналишидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023 йил, 10-бет.

6 Баракаев Л.О. *Далилларни тўплаш усули сифатида тафтиш ўтказишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари*. 12.00.09-Жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси йўналишидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023 йил, 9-бет.

7 Горовацкий А.В. *Прокурор-криминалист в досудебном производстве. Специальность* 12.00.09 – уголовный процесс; криминалистика и судебная экспертиза; оперативная розыскная деятельность. Автореферат дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук Санкт-Петербург юрид инс. 2004 г. – С 16-21.



илмий методлар ва технологияларни жорий этиш ташкилотчиси, ўқитувчи, терговчи мураббийи, муайян жиноятни очиш ҳамда тергов қилишда ҳақиқат ва адолатга эришишда ташкилотчи сифатида кўрсатади⁸.

А.В.Горовацкий юқоридаги концепцияни амалга ошириш учун прокурор-криминалист мақомини оширишни, унга жиноят-процессуал ваколатларни бериш лозимлигини илгари суради.

Бундан ташқари, прокурор-криминалистнинг алоҳида ва мураккаб жиноят ишлари юзасидан прокуратура раҳбарияти топшириғига асосан тузиладиган тезкор-тергов гуруҳига раҳбар сифатида жалб этилиши мумкинлигини, ушбу ҳолатда прокурор-криминалист тергов гуруҳи раҳбари ваколатларига эга бўлишини, шунингдек, прокурор-криминалист оғир ва ўта оғир жиноятларнинг судларда мазмунан кўриб чиқилиши бўйича давлат айбловини қувватлаш бўйича судда иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги, исботлаш субъектлари қаторига прокурор-криминалистни киритишга доир процессуал ваколатларга эга бўлиши лозимлигини ҳам илгари суради⁹.

Жумладан, рус процессуалист ва криминалист олими А.Гурин¹⁰ прокурор-криминалистни судга қадар бўлган босқичда назорат қилувчи прокурор эмас, балки оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда таҳлилий ва методик жиҳатдан ёрдам берадиган жиноят процесси иштирокчиси сифатида эътироф этиб, суриштирув ва тергов устидан назорат қилувчи прокурордан фарқли хусусиятини прокурор-криминалистнинг ҳодиса содир бўлган жойга чиққанлиги, далилларни тўплаш ва текширишда фаол қатнашганлиги билан фарқлайди.

Прокурор-криминалист классик кўринишдаги назорат қилувчи прокурор эмас, балки уни тергов иштирокчиси эканлиги, фақат

юқори турувчи прокурор ёки унинг ўринбосари топшириғига асосан тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкинлиги, ўзининг ташаббуси билан мустақил жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишининг имкони йўқлигини эътироф этади.

Рус олимларидан А.Дворкин, Р.Сафин, Ю.Леканов, А.Коротковлар прокурор-криминалист мустақил тергов ҳаракатлари олиб бориш ваколатига эга бўлган субъектлар қаторига кирмаслиги тўғрисида баён қилишган¹¹.

Россия Федерациясида прокурор-криминалистларнинг фаолият юритган даврида уларнинг процессуал фаолияти Россия Федерацияси Бош прокурорининг 1997 йил 23 январдаги “Прокурор-криминалистлар тўғрисида”ги низомига мувофиқ тартибга солинган. Низомнинг 1-бандига асосан Россия Федерацияси прокуратурасининг криминалистика бўлимларида прокурор-криминалистлар терговни ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб бориш, прокуратура томонидан тергов қилинаётган оғир ва ўта оғир жиноят ишларини тергов қилиш ва фош этишда бевосита иштирок этиши назарда тутилган.

Рус олими А.Гурин прокурор-криминалистнинг тергов ҳаракатларида иштирок этишини тартибга солувчи нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида фикр билдириб, терговда иштирок этишдаги процессуал хусусиятга эга бўлмаган ваколатини алоҳида ажратиб кўрсатиш кераклигини таъкидлаган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари,

8 А.В.Горовацкий “Судга қадар бўлган босқичда прокурор-криминалистнинг иштироки” мавзусидаги ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясининг 29-бетидан. Россия Федерацияси Бош прокуратураси, Санкт-Петербург юридик институтида 2004 йил 24 апрелда чоп этилган.

9 Горовацкий А.В. *Прокурор-криминалист в досудебном производстве*. Специальность 12.00.09 – уголовный процесс; криминалистика и судебная экспертиза; оперативная розыскная деятельность. Автореферат дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук Санкт-Петербург юрид инс. 2004 г. – С 16-21.

10 А.Гурин *Процессуальный статус прокурора-криминалиста* // <https://wiselawyer.ru/poleznoe/29134-processualnyj-status-prokurora-kriminalista>

11 Дворкин А.И., Сафин Р.М. *Расследование убийств, совершенных организованными группами при разбойных нападениях*. М., 2003 г. – С. 51.



адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир¹².

Демак, Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини юрителининг ягона тартиб-таомиллари қайд этилиши фақат ушбу кодексида белгиланган талаблар барча учун бирдек мажбурий ҳисобланади.

Ўтказилган таҳлиллар “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида прокурор-криминалистнинг ҳуқуқий мақоми, жиноят ишларининг терговда иштирок этиши билан боғлиқ ваколатлари аниқ тартибга солинмаганлигини кўрсатди.

Фикримизча, амалдаги ЖПКда прокурор-криминалистнинг ҳуқуқий мақоми, унинг процессуал ваколатлари белгиланмаслиги прокурор-криминалистнинг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговда иштирок этишига оид қатор муаммоларни келтириб чиқаради ва унинг иштирокини чеклаб қўяди.

Прокурор-криминалистнинг процессуал ҳуқуқий мақоми биргина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 12 июлдаги 243-сонли буйруғида қайд этилган.

Ушбу буйруқнинг 15-бандида¹³ бошқарма катта прокурор-криминалисти қуйидаги процессуал вазифаларни амалга ошириши лозимлиги кўрсатилган:

– терговда криминалистик техника воситаларидан, тергов ўтказишнинг илғор услублари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

– Бош прокуратура раҳбарияти кўрсатмасига асосан оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича тезкор-тергов гуруҳлари таркибида иштирок этиш;

– жиноятларни фош этишга қаратилган кечиктириб бўлмас тезкор-тергов тадбирларини ўтказишда, жумладан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда далилларни аниқлаш ва олишда бевосита қатнашиш.

Ушбу назарда тутилган процессуал вазифаларни ўтказиш тартибини амалдаги Жиноят-процессуал кодекси тартибга солмоғи ке-

рак деб ҳисоблаймиз.

Чунки ЖПКнинг 91-моддасига кўра далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллардан фойдаланиш, баённомага илова қилинадиган ҳолатларни, ЖПКнинг 354-моддасига кўра дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш, махсус тузилган тергов гуруҳи фаолият юрители тартибини, ЖПКнинг 329-моддасида белгиланган терговга қадар текширув ҳаракатларида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини (кўздан кечириш, шахсий тинтув, экспертиза тайинлаш, хужжат ва нарсаларни олиб қўйиш) ўтказиш тартибини Жиноят-процессуал кодекси талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Лекин ушбу процессуал ҳаракатларни амалга оширишда прокурор-криминалист айрим муаммоларга дуч келиши мумкин.

Прокурор-криминалист оғир ва ўта оғир жиноят бўйича ҳодиса содир бўлган жойга чиққанида бир вақтнинг ўзида ҳам мутахассис, ҳам тергов гуруҳи раҳбари сифатида иштирок этиши мумкин.

Лекин тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин бўлган мансабдор шахс сифатида ўзининг номи билан қатнаша олмайди.

Мутахассис сифатида иштирок этадиган бўлса, далилларни аниқлаш, уларни олиш ва қайд этишга доир ЖПК талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этади, баённомага имзо қўйиб, ҳодиса содир бўлган жойнинг схемаси чизмасини чизади. Ҳодиса содир бўлган жойни фотосуратларга олиш, зарур илмий-техник воситалардан фойдаланиш орқали ишга алоқадор бўлган далилларни тўплайди.

Шунингдек, прокурор-криминалист ҳодиса содир бўлган жойдаги мавжуд далилларда жиноят содир этган шахсдан қолган излар бўйича дастлабки тадқиқотлар ўтказиш юзасидан ҳам айрим процессуал ҳаракатларда иштирок этиши ва уни бевосита ўзи бажариши мумкин.

Прокурор-криминалистнинг бундай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши натижаси билан тўплаган далиллари ЖПКнинг

12 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

13 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 12 июлдаги 243-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги низом.



95-моддаси талабларига тўла мос келади, деб айтиш қийин.

Чунки ҳар бир далилга баҳо беришда ишга алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик, ишни ҳал қилиш учун етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси 3-қисмига асосан далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу кодекснинг 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилиши¹⁴ қайд этилган.

Прокурор-криминалистнинг процессуал мақоми гарчи Бош прокурор буйруғида белгиланган бўлса-да, аммо унинг ваколатлари Жиноят-процессуал кодексида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги боис прокурор-криминалист томонидан амалда бажарилган процессуал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹-моддаси 4-бандига кўра жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида олинган далил деб эътироф этилишига сабаб бўлади.

Оқибатда суд босқичида прокурор-криминалистнинг процессуал ҳаракатларда иштирок этиши натижасида тузилган баённомалар, олинган далиллар кейинчалик номақбул далил деб топилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорига кўра мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82–84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги¹⁵ белгиланган.

Шунингдек, Олий суд Пленуми худди шу қарорининг 7-бандида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракат бунга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан қуйидаги ҳолларда далил олишда намоён бўлади: суриштирувчи, тер-

говчи ёки прокурорнинг ёзма топшириғисиз терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан; ишни белгиланган тартибда ўз юритувига қабул қилмаган ёки тергов (суриштирувчилар) гуруҳига киритилмаган терговчи (суриштирувчи) томонидан деб алоҳида кўрсатилган.

Прокурор-криминалист ушбу жабҳада ҳам истисно тариқасида қайд этилмаганлигини кўриш мумкин.

Ёки дастлабки терговда Бош прокуратура раҳбариятининг алоҳида топшириғига асосан жиноят ишини иш юритувига қабул қилмасдан туриб шахсан тергов ҳаракатлари ўтказиши ваколати ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 350-моддасига зид келиб, келгусида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар натижасида номақбул далил сифатида эътироф этилиши мумкин.

Худди шунга ўхшаш ҳолат бўйича рус олими И.В.Чаднова Россия Федерацияси ЖПКда терговчи-криминалистнинг жиноят иши бўйича иш юритувига қабул қилмай тегишли тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириши келгусида суд томонидан терговчи-криминалист томонидан олинган далилларни тан олиш масаласи қайта муҳокамага сабаб бўлишини таъкидлайди¹⁶.

Прокурор-криминалистнинг жиноят иши терговида иштирок этиши қонунийлиги юзасидан баҳсли савол туғилишига олиб келади.

Ушбу муаммоли масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш мақсадида аввало прокурор-криминалистнинг ҳуқуқий мақоми ЖПКга киритиш, исбот қилиш жараёни иштирокчиси бўлганидан келиб чиқиб, унинг бажарадиган процессуал ва бошқа ҳаракатлари доирасини аниқ белгилаш, прокурор-криминалист томонидан шахсан бажариладиган тергов ҳаракатлари натижасида тўпланган далиллари келгусида суд томонидан мақбул далил деб эътироф этилишини таъминлашга доир қонун ҳужжатларига қуйидаги мазмундаги нормалар киритиш таклиф этиладию

14 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

15 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3895986>

16 Чаднова И.В. *Следователь – криминалист как участник уголовного судопроизводства*. https://www.elibrary.ru/ip_restricted.asp?rpage=https%3A%2F%2Fwww%2Eelibrary%2Eru%2Fitem%2Easp%3Fid%3D47335521



Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 56-моддаси 7-қисмини қуйидагича тўлдириш ҳамда Жиноят-процессуал кодексига янги 34¹-модда билан прокурор-криминалистнинг аниқ ҳуқуқий таърифини белгилаш таклиф этилади.

«Прокурор-криминалист – Жиноят-процессуал кодексига белгиланган ваколатларидан фойдаланган ҳолда жиноятларни тергов қилишда иштирок этиб, терговни ташкил қилишда амалий ёрдам бериш, замонавий техника воситалар ҳамда зарур махсус билим имкониятларидан фойдаланишга оид таҳлилий ва ташкилий фаолиятни амалга оширади», деб мустаҳкамлаш лозим.

Прокурор-криминалистнинг айрим процессуал ваколатларини амалдаги ЖПКга киритиш ҳам ўринлидир:

Амалдаги ЖПКда **“прокурор-криминалистнинг ваколатлари”** деб номланган янги 34¹-модда ва қуйидаги ваколатларга эга бўлиши лозимлигини кўрсатиш таклиф қилинади.

Прокурор-криминалист қуйидаги ваколатларга эга:

– *терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказиш учун давлат органлари, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларидан прокуратура органларига тергов қилинаётган жиноят ишларини, содир этилган жиноятлар, суриштирув, дастлабки тергов жараёни ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;*

– *терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчиларнинг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилиш юзасидан юқори турувчи прокурорга асослантирилган таклиф киритиш;*

– *суриштирув ва тергов органига жиноятларни тергов қилиш, айрим тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;*

– *суриштирув органларига жиноят содир этган шахсларни ушлаш, олиб келиш, қамоққа олиш, тинтув қилиш, олиб қўйиш, қидирув эълон қилиш, бошқа процессуал ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар ижросини топшириш, шунингдек, тезкор-қи-*

дирув тадбирларини ўтказиш, жиноятларни очиш учун зарур чоралар кўриш ва прокуратура терговчиларига тегишли ишлар бўйича уларни содир этган шахсларни аниқлаш тўғрисида ёзма топшириқлар бериш;

– *дастлабки тергов жараёнида бевосита иштирок этиш ва зарур ҳолларда шахсан тергов ҳаракатларини ёки терговни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;*

– *юқори турувчи прокурорга терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказётган шахсни ёки терговчини, агар улар ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирув ва дастлабки терговни давом эттиришдан четлаштириш тўғрисида асослантирилган таклиф киритиш;*

– *жиноий иши қўзғатиш ёки уларни қўзғатишни рад қилиш, ноқонуний қабул қилинган қарорни бекор қилиш юзасидан назорат қилувчи прокурорга таклиф киритиш;*

– *жиноят ишлари бўйича иш юритишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш қарорларини ўрганиш ва ноқонуний қарорларни бекор қилиш юзасидан юқори турувчи прокурорга таклиф киритиш;*

– *жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.*

Бундан ташқари, прокурор-криминалист терговни ташкил қилишда, уни ўтказишда бевосита ўзи иштирок этиши жиноят процессида исбот қилиш субъекти сифатида намоён бўлади. Бу эса уни ЖПКнинг 86-моддасидаги исбот қилиш субъектлар доирасининг янада кенгайтишига олиб келади.

Шу боис амалдаги ЖПКнинг 86-моддаси 1-қисмини қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф қилинади.

“Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, прокурор-криминалист, суд амалга оширади”.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг сифатли ўтказилишини таъминлаш, жиноятнинг криминалистик тавсифини аниқлаб, далилларни тўплаш ва олиш мақсадида прокурор-криминалистнинг терговдаги иштирокини таъминлаш учун ЖПКни 91-модда 2-қисмидан сўнг қуйидаги жумлалар билан тўлдириш таклиф қилинади.

“Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса со-



дир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ва бошқа текширув тайинлаш, сўроқ қилиш, юзлаштириш, олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, тергов эксперименти, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш бўйича кўрсатмалар бериш прокурор-криминалист иштирокида амалга оширилиши лозим”.

Бундай таклифнинг киритилиши келгусида жиноят содир этган шахснинг барча криминалистик белгиларини аниқлашда, жиноятнинг иссиқ изидан фош этилишига хизмат қилади.

Прокурор-криминалист ўта оғир жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи жойга терговчи билан биргаликда бориб, ҳодиса жойини синчковлик билан текшириб, жиноятчи шахснинг содир қилган қилмиши характерис-

тикасини аниқлашда ёрдам беради.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар алгоритмини тузишда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш йўналишини кўрсатиб беришда айнан прокурор-криминалист амалий ёрдам беради.

Шунинг учун ЖПКнинг 354-моддаси 2 ва 3-қисмини қуйидаги мазмундаги жумлалар билан тўлдириш таклиф қилинади.

*“...Жуда мураккаб ёки ўта долзарб, ўта оғир жиноят ишлари бўйича тузилган тергов гуруҳига юқори турувчи прокурорнинг ёзма топиригига биноан **прокурор-криминалист** жалб қилинади. Бундай ҳолда прокурор-криминалист тергов гуруҳи раҳбарининг ваколатларидан бевосита фойдаланади”.*

.....

.....



Олег КИМ,
Старший прокурор Правоохранительной
академии Республики Узбекистан

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

АННОТАЦИЯ. Одной из причин ускоренного распространения наркомании среди молодёжи, является сильная зависимость молодого, неокрепшего организма при употреблении наркотических и психотропных веществ и постепенная требовательность организма на повышение употребляемой дозы. И появление в последнее время на рынке новых видов сурагатных синтетических наркотиков, усугубляет данное положение них.

В этой связи, неотложной задачей перед правоохранительными органами, в частности следователями и дознавателями правоохранительных органов, становится борьба по противодействию незаконному обороту наркотических и психотропных веществ, пресечение и предупреждение совершения таких преступлений. Необходимо особое внимание уделить первичной профилактике, а так же причинам и условиям, способствующих совершению подобных преступлений со стороны несовершеннолетних и молодёжи них.

АННОТАЦИЯ. Гиёҳвандликнинг ёшлар орасида тез суръатларда тарқалишининг асосий сабабларидан бири — бу ҳали тўлиқ шаклланмаган ёш организмнинг гиёҳванд ва психотроп моддаларга кучли боғланиши, шу билан бирга, вақт ўтиши билан истеъмол миқдорини оширишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришидир. Сўнгги пайтларда синтетик ва суррогат гиёҳванд моддаларнинг бозорда пайдо бўлиши ва оммалашуви бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Шу муносабат билан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, терговчи ва суриштирувчи ходимлар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири — гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши самарали кураш олиб бориш, бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларни аниқлаб, бартараф этишдан иборатдир. Бу йўналишда, айниқса, профилактиканинг дастлабки босқичига, шунингдек, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан бундай жиноятларни содир этишга сабаб бўлаётган омил ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ABSTRACT. One of the reasons for the rapid spread of drug addiction among young people is the strong dependency of the young, undeveloped body when using narcotic and psychotropic substances, along with the gradual increase in the body's demand for higher doses. The recent emergence of new types of surrogate synthetic drugs on the market exacerbates this situation.

In this regard, an urgent task for law enforcement agencies, particularly investigators and interrogators, is the fight against the illegal trafficking of narcotic and psychotropic substances, as well as the suppression and prevention of such crimes. Special attention should be given to primary prevention, as well as the causes and conditions that contribute to the commission of such crimes by minors and youth.

Ключевые слова: наркобизнес, наркотическая зависимость, первичная профилактика, психотропные и синтетические наркотики.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик, гиёҳванд моддаларга боғлиқлик, дастлабки профилактика, психотроп ва синтетик гиёҳванд моддалар.

Keywords: drug business, drug addiction, primary prevention, psychotropic and synthetic drugs.

Согласно последнему докладу Всемирной Организации Здравоохранения ООН за 2024 год, в мире около 300 миллионов наркозависимых лиц (примерно 3 % от всего населения земного шара), что представляет собой рост в 20% за последние 10 лет. И особую тревогу вызывает то, что каждый год уровень нарко-

манов среди молодежи, в том числе несовершеннолетних, растёт в среднем на 15-20% и их средний возраст составляет 16-25 лет¹.

Заметной тревожной тенденцией последних лет, согласно статистике МВД Республики Узбекистан, является изменение структуры наркорынка за счет увеличения доли нелегально-

1 Доклад УНП ООН по наркотикам за 2024 год. Ташкент, Узбекистан (UzDaily.uz).



го поступления синтетических наркотиков на территорию нашей страны, что определяется их доступностью по цене и способу приобретения (в основном, в местах массового досуга и через сеть Интернет). Так за последние пять лет, доля изымаемой синтетики по Республике увеличилось сотни раз. Так в 2020 году по всей Республике было изъято 1,3 кг., в 2021 году – 7,2 кг., в 2023 году -70,3 кг., а уже в 2024 году-119,1 кг. синтетических наркотиков. И основными потребителями этих наркотиков является молодёжь².

Одной из причин ускоренного распространения наркомании среди молодёжи, является сильная зависимость молодого, неокрепшего организма при употреблении наркотических и психотропных веществ и постепенная требовательность организма на повышение употребляемой дозы. И появление в последнее время на рынке новых видов сурагатных синтетических наркотиков, усугубляет данное положение них³.

В этой связи, неотложной задачей перед правоохранительными органами, в частности следователями и дознавателями правоохранительных органов, становится борьба по противодействию незаконному обороту наркотических и психотропных веществ, пресечение и предупреждение совершения таких преступлений. Необходимо особое внимание уделить первичной профилактике, а так же причинам и условиям, способствующих совершению подобных преступлений со стороны несовершеннолетних и молодёжи них⁴.

В этой связи, неотложной задачей перед правоохранительными органами, в частности следователями и дознавателями правоохранительных органов, становится борьба по противодействию незаконному обороту наркотических и психотропных веществ, пресечение и предупреждение совершения таких преступлений. Необходимо особое внимание уделить первичной профилактике, а так же причинам и условиям, способствующих совершению подобных преступлений со сторо-

ны несовершеннолетних и молодёжи них.

Под первичной профилактикой правонарушений несовершеннолетних, понимается целенаправленная социально-педагогическая деятельность семьи и образовательных заведений, государственных и общественных учреждений и организаций, направленные на предупредительное устранение риска возникновения отклоняющегося поведения несовершеннолетних посредством формирования у них правовых знаний, социально полезных навыков и интересов.

В этой связи, изучение и анализ некоторых международных документов в сфере профилактики правонарушений среди несовершеннолетних, представляется особенно важными.

Так, каждый новый международный нормативный акт, касающийся предупреждения уголовных, административных и др. правонарушений не достигших совершеннолетия лиц, учитывает предыдущий положительный опыт, также расширяет и углубляет по форме и содержанию ключевые моменты, модернизирующие превенцию правонарушений несовершеннолетних на территории всех континентов.

Фундаментальным, унифицированным международным нормативно-правовым документом, является принятый 20 ноября 1959 года, Декларация прав ребенка, провозглашенная Резолюцией 1386 (XIV) Генеральной Ассамблеи ООН (Declaration of the Rights of the Child).

Данный документ регламентирует права несовершеннолетних на специальную защиту и благоприятные условия для физического, умственного, нравственного и духовного развития, на имя и гражданство с рождения, на социальное обеспечение, на любовь и понимание со стороны окружающих, на получение бесплатного обязательного образования, на защиту от жестокости и эксплуатации и иные права.

Следующим важным документом являются Руководящие принципы ООН для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы),

2 Аналитический обзор МВД РУ о наркоситуации в Республике Узбекистан за 12 месяцев 2024 года. [https://data.egov.uz > organizations](https://data.egov.uz>organizations)

3 Баньковский А.Е., Деринг А.В. *Актуальные проблемы незаконного оборота наркотических средств посредством сети Интернет: современное состояние и перспективы противодействия* // Наркоконтроль 2019 г. № 1. – С. 12.

4 Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан конунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилиш амалиёти. :Уқув-методик қўлланма // :Ш.Т.Икрамов ва бошқ. -Т., 2012 йил, 78-бет



принятые и провозглашенные резолюцией 45/112 Генеральной Ассамблеи от 1 декабря 1990 г. Данный международный документ выделяет шесть основополагающих принципов.

Эр-Риядские руководящие принципы предусматривают тесное сотрудничество национальных, государственных, местных органов управления с участием частного сектора, представителей общин, а также учреждений, занимающихся вопросами труда, ухода за детьми, образования, социальными вопросами, правоохранительных и судебных органов с целью принятия совместных мер для предупреждения преступности среди несовершеннолетних и молодежи.

Политика предупреждения преступности несовершеннолетних предусматривает процессы подготовки к жизни в обществе детей и молодежи, обязательными составляющими этих процессов являются: семья, община, аналогичные возрастные группы, школа, профессионально-техническая подготовка, трудовая деятельность, добровольные организации.

В п.1 изложены идеи не об устранении, не просто о нейтрализации криминогенных факторов детской преступности, а о необходимости формирования собственно антикриминогенных навыков у несовершеннолетних: «Участвуя в законной социально полезной деятельности и вырабатывая гуманистический взгляд на общество и жизнь, молодежь может быть воспитана на принципах, не допускающих преступную деятельность»⁵.

These two goals are closely related. Their implementation is ensured by the requirement to cooperate in accordance with the principle of international cooperation.

An important principle is the control of the international drug trade, the legal requirement of which is that no state has the right to export drugs to another country without the special consent of the latter. In furtherance of this principle, the Single Convention defines the rules for international drug trade and the procedure for making settlements (Article 31).

In connection with the entry into force of the Single Convention (December 13, 1961), previously adopted international treaties became invalid - the Hague Convention of 1912, the Geneva Conventions of 1925 and 1931, the Geneva Agreement of 1925, the Bangkok Agreement of 1931, Protocols of 1946, 1948 and 1953 (Article 44). In accordance with paragraph 2 of Article 44 of this Convention, only Article 9 of the 1936 Convention, which is replaced by paragraph 2 of Article 36 of the Single Convention, ceases to operate in relations between the parties to the conventions.

In February 1971, the Vienna Convention on Psychotropic Substances was adopted at a special diplomatic conference in the capital of Austria¹³. This Convention consists of a preamble, 33 articles and a list of narcotic and psychotropic substances (Schedules I - IV). Given that there are three main groups of psychotropic substances (hallucinogens, stimulants and sedatives), it has been recognized to establish several control regimes.

Article 2 of the Convention provides for the procedure and participation of authorized bodies in determining the control regime for the relevant psychotropic substance. This order is quite similar to that established for narcotic drugs by the provisions of the Single Convention of 1961.

In the implementation of the regime for the control of psychotropic substances in Schedules II, III and IV, significant powers are vested in

12 Single Convention on Narcotic Drugs 1961 // <https://www.unodc.org/unodc/en/treaties/single-convention.html?ref=menuaside>

13 Vienna Convention on Psychotropic Substances of 1971 // https://www.unodc.org/pdf/convention_1971_en.pdf



the States Parties to the Convention. With regard to dangerous substances such as hallucinogens, which have limited therapeutic use, it was considered necessary to subject them to strict control (Article 7). In the 1971 Convention, these substances are listed in Schedule I. In addition, with regard to substances in Schedules III and IV, they can be used for medical purposes and without a prescription, in accordance with the decision of the Parties (Article 9, paragraph 3).

The 1971 Convention requires each Party to impose on its territory a system of restrictions on the manufacture, export, import, distribution, stockpiling, sale and use of psychotropic substances and to ensure their use only for medical and scientific purposes (art. five).

Of significant importance are the articles of the 1971 Convention governing the fight against illicit trafficking in psychotropic substances, which must be carried out with close international cooperation, but "with due regard to their constitutional, legal and administrative systems" (Article 2).

In particular, they establish a rule that prescribes the obligation of each Party (Article 22), subject to its constitutional restrictions, to consider as offenses subject to punishment, actions committed with intent, contrary to applicable law and providing for punishment, including those related to imprisonment.

Article 22, paragraph 4, provides that, in matters of jurisdiction, the provision of the national criminal law of the Party concerned takes precedence over the corresponding provisions of this article (Article 22, paragraph 4).

It should be noted that the 1971 Convention does not provide an appropriate list of offenses, but only contains a reference to the fact that the offense is determined by the Parties (paragraph 1 "a" of Article 22). At the same time, it is indicated that actions to prepare a crime, complicity, financial transactions in connection with an offense, as well as an attempt to commit a crime are also subject to punishment (paragraph 2 of article 22). Substances found during the commission of a crime are subject to confiscation.

In this Convention, certain provisions are discriminatory. First of all, according to the

author, this concerns paragraph 1 of Article 25 of the Convention, according to which states that are not members of the UN, for example, cannot become parties to it. The discriminatory nature of the provisions of Article 27, which defines the scope of the Convention, which limits the legal capacity of certain "territories outside the mother country" and, thus, is contrary to the Declaration on the Granting of Independence to Colonial Countries and Peoples.

The adoption of the 1971 Convention on Psychotropic Substances continued the process of forming the mechanism of international legal regulation and its important component - international control. Since the adoption of the 1971 Convention, international cooperation between states in the fight against illicit trafficking in narcotic drugs has extended to psychotropic substances.

The adoption of international agreements regarding the limitation and control over the production, import and export, distribution of narcotic drugs and psychotropic substances, no matter how comprehensive they may be, did not fully resolve the urgent issues of combating this acute social problem of our time. In order to effectively combat this social scourge in the new conditions of the 1980s, a new international treaty was needed to combat drug crime, especially its organized forms.

Analysis of research results. Under the auspices of the UN, in the new political situation of the late 1980s, in December 1988, at the International Conference in Vienna, the UN Convention against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances¹⁴ was adopted, which entered into force in November 1990.

The 1988 UN Convention consists of 34 articles and an addendum that contains two tables - lists of substances that are used in the illicit manufacture of narcotic drugs or psychotropic substances.

The main purpose of this Convention is to promote cooperation between the Parties so that they can more effectively solve various problems of illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances that are of an

14 UN Convention against Illicit Traffic in Narcotic Drugs and Psychotropic Substances of 1988 // https://www.unodc.org/pdf/convention_1988_en.pdf



international nature. In fulfilling their obligations, the Parties shall take the necessary measures in accordance with the provisions of their domestic laws (Article 2).

Article 2 of this Convention enshrines such principles of international law as the principle of sovereign equality and territorial integrity of states, non-interference in the internal affairs of other countries, which the Parties must adhere to when fulfilling their obligations under the 1988 UN Convention.

The 1988 Convention specifically provides for the establishment of the jurisdiction of the Parties in individual cases (Article 4), and also states that this Convention does not exclude the possibility of exercising criminal jurisdiction recognized by a Party in accordance with its national law.

One of the main areas of international cooperation defined in the Convention is the extradition of criminals and the provision of legal assistance in criminal cases. Paragraph 4 of Article

5 and Articles 6-8 of the said Convention establish the legal mechanism for the implementation of the mentioned area of international cooperation.

Assessing the 1988 UN Convention, we can conclude that it has received normative formalization of an effective mechanism for combating international illegal activities related to illicit trafficking in drugs, psychotropic substances and precursors, including issues of control over illicit drug trafficking.

In conclusion, it can be noted that thanks to the adoption of the universal international drug control treaties, it was possible to achieve a reduction in the manufacture and trade of many controlled substances.

The universal international legal mechanism created to date, supplemented by the action of the appropriate national legal means, makes it possible in a sufficiently effective form to counteract the illicit distribution of drugs on a global scale.

.....



Анвар БУТАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси,
Сардоба тумани ИИБ катта терговчиси

ОЗ МИҚДОРДА ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ТУШУНЧАСИ, ҲУҚУҚИЙ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ, ХОРИЖИЙ ЁНДАШУВ ВА НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги тушунчаси, таснифи ҳамда келиб чиқиш тарихи, жиноятдан фарқли жиҳатлари, хорижий ёндашув ва назарий жиҳатлари акс этган. Шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарликни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ҳамда улар бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье отражены понятие, классификация и история преступления мелкого хищения, различные стороны этого преступления, зарубежный подход и теоретические аспекты. Также разработаны проблемы, связанные с применением данного правонарушения, и предложения по ним.

ABSTRACT. The article reflects the concept, classification and history of the crime of petty robbery, its differences from the crime, foreign approaches and theoretical aspects. It also discusses the problems associated with the application of this crime and develops proposals for their implementation.

Калит сўзлар: оз миқдорда талон-торож қилиш, ҳуқуқбузарлик, жиноят, маъмурий жавобгарлик, ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш.

Ключевые слова: мелкое хищение, посягательство, преступление, административная ответственность, хищение, мошенничество, присвоение или растрата.

Key words: small crime, possession, crime, administrative responsibility, crime, fraud, misappropriation.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси том маънода инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланиб, янги таҳрирдаги Конституциядаги барча нормалар ягона тушунча, яъни “Инсон қадри” деган тушунчанинг атрофига қурилган¹. Конституция-мизда Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши кафолатланиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустақамлаб қўйилган². Бу конституциявий нормадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллари, мулк давлатга ёки жисмоний шахсга тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқда ҳимоя қилинади. Мулк дахлсизлиги-

ни бузиш ёки талон-торож қилиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Талон-торож қилиш тушунчаси туркий “талон” ва форсча “торож” сўзларидан келиб чиқиб, ўғрилаш, талаш, ўзлаштириш, тала-тала каби маънони англатади³. Бошқа манбаларда “талон-торож” тушунчаси рус тилидаги “хищничество” сўзи билан маънодош бўлиб, унинг мазмуни “вахшийлик, қонхўрлик, талончилик, ўта исрофгарчилик” каби маъноларни билдиради⁴.

Миллий олимларимиздан бири Т.Хасановнинг фикрича, талон-торож қилиш – ўзганинг қонуний эгалигида (тасарруфида) бўлган мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қонунга хилоф равишда айбдорнинг ўзи ёки учинчи шахс фойдасига қасдан, тамагирлик ёхуд бошқа паст ниятда бепул ва қайтариб бермаслик шарти билан олиб қўйишдир⁵. Профессор М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, талон-торож қилиш бу бировнинг мулкни ўзининг ёки

1 <http://nhrc.uz/uz/news/yangi-tahrirdagi-konstitutsiya-inson-huquq-va-manfaatlar-kafolati>

2 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси

3 Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ж.Ш.Н-Тартибли Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 йил, 651-бет.

4 Рус-ўзбекча луғат. – Т: 2021 йил, 685-бет.

5 Т.Х.Хасанов “Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш”. Монография Т.:У 2023 йил, 17-бет.



бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай ундиришдир⁶. Мазкур фикрдан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, талон-торож қилиш бу ўзгани мулк эгалигидан ёки мулкка бўлган ҳуқуқидан тўла маҳрум этишдир.

Жиноят кодексига ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг қуйидаги шакллари мустақамланган: 1) босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси); 2) товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси); 3) талончилик (ЖКнинг 166-моддаси); 4) ўзлаштириш ёки растрата қилиш (ЖКнинг 167-моддаси); 5) фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси); 6) ўғрилиқ (ЖКнинг 169-моддаси).

Талон-торож бўлган мулкнинг қийматига (бахосига) қараб шахснинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилади. Жиноят кодексининг 167, 168, 169-моддаларида назарда тутилган жиноятларда талон-торож қилинган мулк мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулки бўлса ва талон-торож қилинган мулкнинг қиймати оз миқдорда бўлса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси билан жавобгарликка сабаб бўлади. Маъмурий қонунчиликка асосан талон-торож қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса оз миқдор сифатида баҳоланади⁷. “Оз” деганда ўзи нимани тушунамиз? “Оз” сўзига таъриф ўзбек тилининг изоҳли луғатида сон ва миқдор жиҳатдан унча кўп бўлмаган, кам, етарли эмас, кифоя қилмайдиган маъноларни англатиши кўрсатилган⁸.

Оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигини ҳуқуқий тавсифлашда жиноят ҳуқуқига мурожаат қилинади. Сабаби оз миқдорда талон-торож қилиш ўғрилиқ, фирибгарлик ва ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан амалга оширилганда келиб чиқади. Жиноят қонунчилигида мазкур қилмишларга алоҳида таъриф берилган:

1) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш; 2) фирибгарлик – алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш; 3) ўғрилиқ – ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш⁹.

Демак, талон-торож қилиш учта йўл билан – ўғрилиқ, ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳамда фирибгарлик йўли билан содир этилса ва талон-торож қилинган мулк оз бўлса маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради. Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади¹⁰. Бир сўз билан айтганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик жинорий ҳуқуқбузарликка нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ ҳисобланади. Шунга кўра ўзганинг мулкни ўғрилиқ, фирибгарлик ва ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ижтимоий хавфлилик даражаси юқори, шу сабабли жиноят сифатида эътироф этилган. Лекин амалдаги қонунчилигимизда талон-торож қилинган мулк қийматини (оз миқдорни) ва мулк эгасини (мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, ташкилот ва муассаса мулки) инобатга олиб маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг бу тури Ўзбекистонда жуда кенг тарқалган бўлиб, 2022 йилда тегишли судлар томонидан 14 288 та, 2023 йилда 15 319 та, 2024 йилнинг 10 ойи давомида 13 532 та ишлар кўриб чиқилган¹¹. Лекин мазкур статистикани ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши бўйича аниқ кўрсат-

6 М.Х.Рустамбоев *Жиноят кодексига шарҳлар*. Махсус қисм Т.:У 2021 йил, 370-бет.

7 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси 4-қисми

8 Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ж.Ш.Н-Тартибли Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 йил, 93-бет.

9 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 22.09.1994 йил // <https://www.lex.uz>

10 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддаси // <https://www.lex.uz/acts/97664/>

11 <https://public.sud.uz/report/CONFLICT>



кич деб бўлмайди. Сабаби ўғрилик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигининг аксарият қисми фош этилмайди ва судга чиқарилмайди. Шунга кўра фош этилмаган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ўн кунлик ёки бир ой муддатда жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори қабул қилинади.

Талон-торож қилинган мулкнинг қиймати-ни оз сифатида баҳолашда хорижий давлатларда ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, Россия Федерацияси қонунчилигида мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай ўзганинг мулкнинг қиймати 1000-2500 рублдан ошмаса оз миқдор деб топилади ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади¹². Бунда мулк айнан корхона ёки муассасага тегишли бўлиши шарт эмас. Жисмоний шахсга тегишли бўлган мулк ҳам кўрсатилган миқдордан ошмаса маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Бундан ташқари, оз миқдорда талон-торож қилиш (ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан) агар оғирлаштирувчи ҳолатларда (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ғайриқонуний равишда кириш орқали ва бошқалар) содир этилса, талон-торож қилинган мулкнинг қийматидан қатъи назар жиноий жавобгарликка сабаб бўлади¹³. Қўшни Қозоғистон Республикасида оз миқдорда талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда Қозоғистон Жиноят кодексида кичик миқдор (аҳамиятсиз миқдор) тушунчаси мавжуд бўлиб, мазкур миқдор ташкилотга тегишли бўлган мол-мулкнинг ўн ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичидан ёки жисмоний шахсга тегишли бўлган икки ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичидан ортиқ бўлмаган қиймати ҳисобланади¹⁴. Бу борада Беларусь қонунчилигида умуман бошқача ёндашув мавжуд. Беларусда оз миқ-

дорда талон-торож қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Қонун бўйича оз миқдор деганда юридик шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган қиймат, жисмоний шахслар учун базавий ҳисоблашнинг икки бараваридан ортиқ бўлмаган қиймат ҳисобланади. Лекин киссавурлик, бир гуруҳ шахслар томонидан ёки яшаш хонадонига кириш орқали содир этилган ўғрилик учун қанча миқдор бўлишидан қатъи назар жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁵. Германия Жиноят кодексида кўра аҳамиятсиз нарса ўғирланган бўлса, ўғриликнинг малакали тури учун жавобгарлик (Германия Жиноят кодекси терминологиясида – ўғриликнинг ўта оғир иши) истисно қилинади. Германия Жиноят кодексининг 248-моддаси "а" банди "Аҳамиятсиз нарсаларни ўзлаштириш ва ўғирлаш" деб номланади. Ушбу нарсаларни ўғирлаш ва ўзлаштириш учун жиноий жавобгарликка тортиш фақат ариза асосида мумкин¹⁶. Озарбайжонда оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги мураккаб тузилишга эга. Оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган¹⁷. Оз миқдор тушунчаси иккига бўлинган – 100 манатдан кам бўлган қиймат ва 500 манатдан кам бўлган қиймат. Агар талон-торож қилинган мулк ўғрилик, фирибгарлик ва растрата қилиш йўли билан ҳеч қандай квалификация белгиларисиз содир этилса ва мулк қиймати 500 манатдан ошмаса оз миқдорни ташкил этади. Квалификация белгилари билан содир этилган (бир гуруҳ бўлиб, ғайриқонуний равишда кириш, киссавурлик ва ҳоказо) тақдирда талон-торож қилинган мулкнинг қиймати 100 манат ошмасагина оз миқдор ҳисобланади¹⁸. Бунда Япония ва Сингапурда жамият ўғриликни жуда қаттиқ қоралайди. Бу мамлакатда майда ўғриликлар

12 "Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях" от 30.12.2001 г. N 195-ФЗ (ред. от 29.10.2024 г., с изм. от 06.11.2024 г.) // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/ 30 декабря 2001 года N 195-ФЗ

13 Ўша манба

14 Уголовный Кодекс Республики Казахстан Кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-В РКЗ. // <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/K1400000226/>

15 Кодекс Республики Беларусь об административных правонарушениях от 6 января 2021 года № 91-З // https://continent-online.com/Document/?doc_id=38043824#pos=3;140/

16 Уголовный Кодекс Германии // <https://constitutions.ru/?p=24969/>

17 Кодекс Азербайджанской Республики об административных проступках (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.06.2024 г.) // https://continent-online.com/Document/?doc_id=36865427/

18 Уголовный кодекс Азербайджанской Республики // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353/



нисбатан кам учрайди, чунки жамиятдаги интизом ва ахлоқий тарбия юқори даражада. Бироқ содир этилган ҳолатларда ўғрилиқ учун айбдорларга кўпинча оғир ижтимоий босим ўтказилади, шунингдек, жиноятчиларга нисбатан омма олдида жавобгарликка тортиш ва шармандалиқ жорий қилинади.

Собиқ совет иттифоқи қонунчилиги бўйича узоқ йиллар давомида талон-торож қилинган мулкнинг ҳар қандай миқдори учун жинойий жавобгарлик белгиланган эди. 1984 йилда совет қонунчилигида оз миқдорда талон-торож қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди¹⁹. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, яъни 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган (1995 йил 1 апрелда кучга кирган) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексига оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги ўз аксини топган. Мазкур эски таҳрирдаги кодекс бўйича оз миқдор бўлиш учун талон-торож қилинган мулк қиймати энг кам иш ҳақидан ошмаслиги керак бўлган²⁰. Кейинчалик Ўзбекистонда жинойий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айнан мазкур нормага (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-П-сонли қонуни) ўзгартириш киритилди. Унга кўра оз миқдор қиймати энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараварига кўпайтирилди²¹. Кейинчалик мазкур норма яна такомиллаштирилиб, оз миқдорни белгиловчи миқдор беш бараваридан ўттиз бараварга кўпайтирилди²². Ўзбекистонда йиллар давомида оз миқдор қийматининг ўсиб бориши инсонпарварлик ва жинойий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқдир.

Оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигини жиноятдан фарқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарорида оз миқдорда талон-торож қилиш

ҳуқуқбузарлигига тушунча берилган. Унга кўра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача миқдорда талон-торож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этиши кўрсатилган. Тушунтириш бўйича бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-торож миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши, бундай ҳолда майда талон-торож неча марта содир этилганлиги аҳамият касб этмаслиги баён қилинган. Мазкур қарорнинг 3-бандида корхона, муассаса, ташкилот мулкани ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик ва ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилиш (Жиноят кодексининг 167, 168, 169-моддалари) учун жинойий жавобгарлик фақат талон-торож суммаси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган тақдирда келиб чиқиши, алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳоллар ҳам бундан мустасно эмаслиги кўрсатилган²³. Демак, қонунчилик бўйича оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигини жиноятдан фарқлашда 3 та мезон мавжуд:

- 1) фақат ўғрилиқ, фирибгарлик ва ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан содир этилиши;
- 2) талон-торож қилинган мулк мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотга тегишли бўлиши;
- 3) талон-торож қилинган мулкнинг оз миқдорда бўлиши, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаслиги лозим.

19 Прохорцев Илья Андреевич "Мелкое хищение как вид административного правонарушения против собственности" // https://freereferats.ru/product_info.php/

20 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-модда (эски таҳрир) // <https://www.lex.uz/acts/97664?ONDATE=01.04.1995%2000#2735412>

21 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-модда (эски таҳрир) // <https://www.lex.uz/acts/97664?ONDATE=18.10.2001%2000#edi334323>

22 2012 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ЎРҚ-345-сонли қонун

23 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодийёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 4-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/1454894>



Ўғрилик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги нормасини квалификация қилишда ва уни тўла жиноятдан фарқлашда муаммоли ҳолатлар юзага келмоқда. Айниқса, яшаш хонадонга, омборхонага ёки бошқа хонага бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, яширин равишда ғайриқонуний равишда кириш орқали содир этилган оз миқдордаги талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги ижтимоий хавфлилиги юқори бўлса-да, лекин қонунчилигимиз бўйича бу маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Юқорида хориж тажрибасини кўриб чиққанимизда (Россия, Беларусь, Озарбайжон) ўғрилик ғайриқонуний равишда кириш ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган тақдирда мол-мулкнинг қийматидан қатъи назар жиноят сифатида баҳоланади. Шунга кўра ушбу давлатларда мазкур ҳолат адолатли ва тўғри ҳал қилинган деб ҳисоблаймиз. Фикримизнинг асосли эканлигини исботлаш учун амалиётда юз берган ҳолатни кўриб чиқамиз. А. исмли шахс яширин равишда 2024 йил 31 майдан 1 июнга ўтар кечаси “Агробанк” Сардоба тумани филиали биносига деразани бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, бино ичидаги темир сейфларни бузиб, пул топа олмасдан ҳодиса жойидан яширинган. Шундан сўнг А. исмли шахс ўзининг хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2024 йил 10 июндан 11 июнга ўтар кечаси “Халқ банки”га қарашли Сардоба тумани банк хизматлари марказига яширин равишда ғайриқонуний равишда дераза ойнасини бузиш орқали кириб, темир сейфларни бузиб очиб, ҳеч қандай пул маблағлари топа олмасдан, кўриқлаш ходимлари келиб қолганлиги сабабли бино ҳудудини тарк этиб воқеа жойидан яширинган. Мазкур ҳолат бўйича тергов органи томонидан А. исмли шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми “г” банди ва 25, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Дастлабки тергов якунига кўра А. исмли шахсга ЖКнинг 25, 169-моддаси 2-қисми “г” банди ва 25, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айб эълон қилиниб, тегишли судловга юборилган. Мазкур жи-

ноят иши суд муҳокамасида кўриб чиқилиб, А. исмли шахснинг ҳар иккала банк биноси бўйича содир этган қилмишида ҳеч қандай жиноят аломати йўқлиги сабабли у мазкур қилмишларга нисбатан бўлган қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқланган (А. исмли шахсга бошқа эпизод бўйича айблов ҳукми ўқилган). Оқлов учун асос сифатида “Агро банк” Сардоба тумани филиали ва “Халқ банки” Сардоба тумани филиаллари юридик шахс эканлиги, А. исмли шахс мазкур юридик шахслардан ҳеч қандай пул маблағларини ўғирлай олмаганлиги, А. исмли шахсни базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошган суммани ўғрилашга қасд қилганлигини исботлашнинг имкони йўқ эканлиги кўрсатилган²⁴. Мазкур ҳолатдан кўриниб турибдики, А. исмли шахснинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беришда дастлабки тергов ва суд органининг қарашлари турли хилдир. Бундан ташқари, мазкур содир бўлган ҳолатда корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган объектларга ғайриқонуний кириш орқали содир этилган ўғрилик ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказилмаса, яъни суиқасд қилинганда унинг жавобгарлик масаласи қонунчиликда очик қолмоқда. Бу дегани, агар шахс яширин равишда корхонага ёки ташкилот биносига ғайриқонуний равишда кириб, ўғрилик жиноятини содир этаётганда ёки ҳеч қандай мулкни қўлга киритмаган ҳолатда ушланса, унинг ҳаракатини ўғрилик жинояти ёки оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги сифатида баҳолашда муаммо юзага келади. Чунки шахснинг ўғрилик қилишдан олдин қанча миқдорда мулкни ўғриламоқчи бўлганлигини аниқлаш қийин. Исботловчи орган мазкур шахсни ўттиз бараваридан ошган мулкни ўғрилашга суиқасд қилганлигини асос қилиб айблов эълон қилолмайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса ҳуқуқбузарлик содир этишга суиқасд қилганлиги учун ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаган. Ўзбекистонда мазкур масала ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Бу борада тадқиқот олиб борган олима Д.Г.Камалова Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “маъмурий ҳуқуқбузарликка



суикасд” тушунчасини киритишни ва бунинг учун ҳам жавобгарлик белгилаш таклифини илгари сурган²⁵. Лекин биз бундай ўзгартириш киритилиши муаммони тўла ҳал этади деб ҳисоблаймиз. Бу таклиф шахс томонидан ўғрилиқ қилмоқчи бўлган мулк қиймати миқдор аниқ бўлганда (шахс ўзи билан олиб кетаётган мулк билан қўлга тушганда) ечим бўлиши мумкин. Лекин шахс бино ҳудудида кирган вақтида ушланса ёки юқоридаги банкдаги ўғрилиқ бўйича бино ҳудудида ҳеч нарса топа олмасдан воқеа жойидан яширинганда унинг ҳаракатини жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилишда муаммо юзага келади. Шунга кўра юқорида хориж тажрибасини ўрганган ҳолда муаммонинг тўла ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-

сидаги кодексининг 61-моддасини 5-қисм билан тўлдириш ва унинг мазмунини қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ:

“Содир этилган оз миқдордаги талон-торож қилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар таркибида хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимида кириб ёки ундан фойдаланиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиши йўли билан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ўта хавфли рецидивист томонидан жабрланувчининг қийми, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик), уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага гайриқонуний равишда кириб содир этиши аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда қўлланилади”.

.....

.....

25 Д.Г.Камалова “Тугалланмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан айрим мулоҳазалар” // <https://in-academy.uz/index.php/>



Акмалжон АБДУЛЛАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

Аслиддин АТОЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳодиса жойидаги компьютер ва бошқа электрон қурилмаларни кўздан кечириш давомида риоя қилиниши лозим бўлган шартлар, реал ва виртуал майдонни кўздан кечиришда аҳамият бериш зарур бўлган ҳолатлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, криптовалюталар билан боғлиқ жиноятлар бўйича айнан қайси объектларда жиноят излари бўлиши мумкинлиги ва уларни кўздан кечиришда эътибор қаратиш лозим бўлган тартиб-қоидалар тўғрисида фикр юритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются особенности осмотра места происшествия по уголовным делам в сфере информационных технологий, условия, которые необходимо соблюдать при осмотре компьютеров и других электронных устройств на месте происшествия, а также аспекты, на которые следует обратить внимание при осмотре реального и виртуального пространства. Также рассматриваются возможные объекты, на которых могут присутствовать следы преступлений, связанных с криптовалютами, и правила, которые необходимо соблюдать при их осмотре.

ABSTRACT. This article discusses the peculiarities of inspecting crime scenes related to offenses in the field of information technology, the conditions that must be observed when examining computers and other electronic devices at the crime scene, as well as the aspects that require attention when inspecting both physical and virtual spaces. Additionally, it explores the possible objects where traces of cryptocurrency-related crimes may be found and the rules that should be followed during their examination.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, крипто-актив, криптовалюта, ҳодиса содир бўлган жой, кўздан кечириш, электрон, компьютер.

Ключевые слова: информационные технологии, крипто-актив, криптовалюта, место происшествия, осмотр, электронный, компьютер.

Key words: information technology, crypto asset, cryptocurrency, crime scene, inspection, electronic, computer.

Бугунги кунда йилига ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 1 фоизини ташкил этмоқда¹. Жаҳон иқтисодий форумининг (WEF) 2023 йилги “Глобал хавфлар” ҳисоботида киберхавфсизлик жаҳон бўйича ҳозирги ва келажакдаги энг катта 10 хавф қаторига киритилган². “Cybersecurity Ventures” маълумотларида 2025 йилда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг дунё бўйича етказадиган зарари миқдори 10,5 триллион долларга етиши мумкинлиги қайд этилганлиги³ ҳам ушбу масала қанчалик долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Эътибор қаратадиган бўлсак сўнгги йил-

ларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар орасида айниқса крипто-активлар билан боғлиқ жиноятлар тобора оммалашиб бормоқда. Илгари блокчейнда ноқонуний фаолият асосан кибержиноятлар билан боғлиқ бўлган бўлса, ҳозирда криптовалюта миллий хавфсизликдан тортиб истеъмолчиларни химоя қилишгача бўлган турли таҳдидларни молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳам ишлатилмоқда. Криптовалютанинг кенг-роқ қабул қилиниши натижасида ноқонуний блокчейн фаолияти ҳам хилма-хил тус олди. Масалан, баъзи ноқонуний блокчейн фаолияти билан шуғулланувчи шахслар асосан блокчейндан ташқари фаолият юритадилар, аммо ноқонуний маблағларни ювиш мақсадида

1 <https://www.statista.com> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 18.12.2024 й.)

2 <https://www.forbes.com/councils/forbestechcouncil> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.12.2024 й.)

3 <https://www.esentire.com/resources/library> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.12.2024 й.)



маблағларни блокчейн орқали ўтказадилар. Криптожиноятларнинг барча турдаги жиноятларни ўз ичига олган ҳолда диверсификация қилинаётгани сабабли блокчейнда ноқонуний фаолият профессионаллашуви ортмоқда. Бундан ташқари, криптовалюта ишлатадиган жиний ташкилотлар ва тармоқлар сони ошиб бормоқда. Уларнинг операциялари эса янада мураккаблашмоқда.

Хусусан, ушбу фаолият билан ноқонуний шуғулланувчи шахсларга қонунга ҳилоф равишда топилган криптовалюталарини ювишда ёрдам берадиган кенг қўламли блокчейн инфратузилма хизматларининг пайдо бўлаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Мисол учун, “Chainalysis Signals” томонидан эълон қилинган “Криптожиноятлар ҳисоботи”га кўра, 2023 йил учун 24,2 миллиард долларлик тушум қайд этилган бўлса, бир йил ўтиб 46,1 миллиард долларга етган. Бу ўсишнинг катта қисми турли ноқонуний ташкилотлар, масалан, “Huione” орқали ишлайдиган етказиб берувчилардан келиб чиққан бўлиб, улар хавфли ва ноқонуний шахслар учун блокчейн инфратузилмаси ва пул ювиш хизматларини тақдим этган⁴.

Юқоридаги хавф-хатарлар инobatга олиниб, 2024 йилнинг 19 январида “Ўзбекистон Республикасининг Жиний, Жиний-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 899-сонли қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга кўра, 2024 йилнинг 20 апрелидан бошлаб крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш дастлаб маъмурий жавобгарлик, агар бир йил давомида такроран содир этилса жиний жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланди.

Шундай экан бугунги кунда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жинийларини самарали тергов қилишни ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу турдаги жинийлар кибермаконда, мураккаб шарт-шароитда содир этилиши боис ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш жуда қийин вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун эса терговчи

ва тезкор ходимлар тезкор қарор қабул қилишлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим бўлади.

Сир эмаски, ахборот технологиялари соҳасидаги жинийлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодиса ҳолатларига ойдинлик киритиш, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар манбаси ҳисобланган моддий далилларни аниқлаш ва олиб қўйиш бўйича энг муҳим тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Шундай экан ушбу турдаги жинийлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятларини кенг ёритиб ўтсак. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиний-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмига кўра ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш терговга қадар текширув даврида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу тергов ҳаракати жиний иши қўзғатилмасдан туриб энг муҳим далилларни тўплаш имконини берувчи муҳим тергов ҳаракати саналади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жинийлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бошқа турдаги жинийлар бўйича ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан кескин фарқ қилади. Чунки ушбу тоифа жинийлар бўйича ҳодиса жойи ҳам виртуал, ҳам реал муҳитни ўз ичига олади. Қолаверса, бир жинийда бир вақтнинг ўзида бир-биридан ҳудудий жиҳатдан узоқ масофада жойлашган компьютерлар иштирок этиши мумкин. Ҳодиса жойи сифатида жисмоний шахс ёки ташкилот жойлашган манзил ҳамда ишлатилган аппарат-дастурий воситаларнинг жойлашган жойи кўздан кечирилади.

Тергов ҳаракати давомида қуйидаги объектлар кўздан кечирилиши лозим бўлади: компьютер ускуналари ўрнатилган хоналар; периферия ускуналари, оптик ва магнит ташувчилар, чоп этилган материаллар; мобил телефонлар.

Хонани кўздан кечириш давомида компьютерга, унинг яқинида жойлашган кичик қоғоз бўлақларига (қоди ва тергов учун муҳим бўлган бошқа белгилар бўлиши мумкин) ва ҳатто

4 <https://www.chainalysis.com/blog/2025-crypto-crime-report-introduction> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 23.12.2024 й.)



ахлат солинадиган идиш ҳам эътибордан чет-да қолмаслиги керак.

Кўздан кечириш давомида аниқланган иш учун аҳамиятли маълумотлар бўлиши мумкин бўлган барча объектлар, тегишли ахборотни сақловчи ёки ташувчилар белгиланган процессуал тартибда олинishi лозим. Чунки улар иш бўйича рақамли далил ҳисобланади⁵.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш иш бўйича қуйидаги муҳим ҳолатларни аниқлаш имконини беради: – жиноят ҳодисаси юз берганлигини тасдиқловчи излар мавжудлигини; – жиноятни содир этишда ким бевосита иштирок этганлиги ва қайси вазифани бажарганлигини; – жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи гувоҳлар бор-йўқлигини; – ҳодиса жойида тергов қилинадиган ҳодиса излари мавжуд бўлган ахборот ташувчилар бор-йўқлигини; – маълумотларга кириш учун фойдаланилган техник воситаларнинг мавжудлигини; – ҳодиса жойида жиноятни тайёрлашга оид излар бор-йўқлигини аниқлаш; – жиноят изларини яширишга уринишлар бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш, агар бўлган бўлса, аниқ қайси усуллар қўлланилганлигини.

Ушбу тоифадаги ишлар бўйича ҳодиса айнан қачон юз берганлигини аниқлаш ҳам мушкул масала саналади. Жиноят содир этилиш вақти астрономик вақт билан тавсифланади, яъни ҳодиса бошланганидан унинг жамият учун хавfli оқибатлари юзага келгунигача қадар бўлган вақт нуқтаси ва давомийлиги. Баъзи дастурларнинг ишлаши компьютерда қўлланма тарзда ўрнатилган вақтга боғлиқ, бу вақт эса ҳақиқатга мос келмаслиги мумкин. Ноқонуний ҳаракатлар аксарият ҳолларда тунги вақтда амалга оширилади, бу вақтда алоқа каналларининг юкланиши камайди ва жиноятчи дарҳол фош бўлиш хавфидан қочади. Муҳитга таъсир кўрсатувчи омиллар

қаторида жиноят объектларини ҳимоя қилиш воситалари ҳолати ҳам бор. Суд-тергов амалиёти кўрсатадики, жиноятчилар кўпинча жиноятни содир этиш шароитларини ўзлари яратишади. Масалан, ҳимоя даражасини пасайтиришга қаратилган компьютер вируслари ёки махсус ҳимояни бузиш дастурлари яратилиши мумкин. Муҳит динамик категориядир. Ҳатто тажрибали кибержиноятчи ҳам унинг ўзгаришларини доимо тўғри баҳолай олмайди. Нотўғри ёки шошилиш ҳаракатлар натижасида жиноят излари қолади, бу излар кўпинча жиноят механизмини тиклашнинг ягона имкониятидир⁶.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича қоладиган излар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу бўйича криминалист олимлар ўртасида ягона тўхтам мавжуд эмас. Шунинг учун айрим адабиётларда “бинлар излар”⁷, айримларида “виртуал излар”⁸ ёки “электрон-цифрли из” тарзида ифодланади. Моҳиятига қарайдиган бўлсак, бу иш учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай компьютер маълумотлари, яъни электрон-цифрли шаклда бўлган, моддий ташувчида сақланган ёки алоқа каналлари орқали электромагнит сигналлар сифатида узатиладиган маълумотлар тушунилади⁹.

Бизнингча, ахборот соҳасидаги жиноятлар содир этилиши натижасида қуйидаги излар юзага келади: 1) жинoий ҳаракат содир этилиши натижасида жиноят содир этган шахсининг шахсий компютерида ёки бошқа техник воситаларида ҳосил бўладиган дастлабки излар; 2) маълумотларнинг алоқа каналлари бўйлаб бир-бирига ўтишида юзага келадиган ҳосила излар; 3) маълумот ташувчиларида юзага келадиган иккиламчи излар.

Кўрсатилган изларни яшириш учун жиноятчилар ахборотни шифрлаш соҳасидаги сўнгги ютуқлардан, учинчи шахслар томонидан маълумотга киришга уриниш пайтида

5 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.02.2025 й.)

6 Зеленкина О.Ю. Особенности расследования преступлений в сфере компьютерной информации // <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-rassledovaniya-prestupleniy-v-sfere-kompyuternoy-informatsii>

7 Милашев В.А. Проблемы тактики поиска, фиксации и изъятия следов при неправомерном доступе к компьютерной информации в сетях ЭВМ: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004 г. – 22 с.

8 Шеметов А.К. О понятии виртуальных следов в криминалистике // Российский следователь. – 2014 г. – № 20. – С. 52–54.

9 Вехов В.Б. Криминалистическое учение о компьютерной информации и средствах ее обработки: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Волгоград, 2008 г. – С. 45.



тергов учун муҳим ахборотни йўқ қилиш учун махсус дастурий-аппарат воситалардан кенг фойдаланадилар. Бундай ҳимоя воситалари компьютер компанияларидан сотиб олиниши ёки жиноятчи томонидан мустақил равишда яратилиши мумкин, бу эса уларни нейтраллаштиришни анча мураккаблаштиради.

Содир этилган ҳаракатларнинг ўзига хослигига қарамасдан, айрим ҳолларда жиноятчилар томонидан ишлатилган техникада ҳақиқий излар қолиши мумкин. Масалан, планшет компьютерларининг экранларидаги бармоқ излари ёки маълумот киритиш курилмаларидаги излар. Бундай ҳолларда бинар ва моддий изларнинг уйғунлиги жиноятни исботлаш жараёнини сезиларли даражада енгиллаштиради.

Шундай экан терговчи ҳодиса жойига келганида жиноят излари сақланиши мумкин бўлган объектларнинг дахлсизлигини таъминлаши керак. Яъни электрон қурилмалар ва алоқа каналлари билан бошқа шахсларнинг муносабатини чеклаш, уларнинг ҳудуддан чиқиб кетишининг олдини олиш керак. Бундан ташқари, қурилма яқинидаги барча ҳужжатларни ҳам текшириб чиқиш керак. Терговчи қурилмаларга кириш имконига эга бўлган шахсларни аниқлайди ва жабрланувчи томонидан парол ва кириш кодларини ихтиёрий топширишини таъминлайди¹⁰. Баъзи ҳолларда жабрланувчининг ўзи ҳам жинойий жавобгарликка тортилишидан қўрқиб жиноятни яшириш мақсадида фаол ёки пассив ҳаракатлар билан терговга тўсқинлик қилиши мумкин¹¹.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бўйича содир этилган жинойий хатти-ҳаракат натижасида қоладиган излар мураккаб эканлиги, жиноятга оид муҳим далиллар жиноят содир этган шахснинг режасига кўра йўқолиб кетиши эҳтимоли юқорилиги сабабли терговчи ҳодиса жойини кўздан кечиришга пухта тайёргарлик кўриши зарур. Бунда терговчи аниқ ҳолатда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар доирасини белгилаб олиши лозим. Шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойда жиноятга оид электрон ва моддий излар-

нинг эҳтимолий жойлашувини олдиндан аниқ билиш лозим. Мисол учун, биткоин каби оммабоп криптовалюталар билан боғлиқ ишлар бўйича тегишли дастурий таъминотни ўрнатиш билан боғлиқ турли хил электрон ва моддий изларни аниқлаш муҳимдир.

Масалан, биткоиндан фойдаланадиган шахс дастурий таъминотни ҳар қандай маълумот ташувчининг хотирасида сақлаши мумкин. Агар дастур стандарт жойлашувда сақланган бўлса, унинг манзили куйидаги кўринишда бўлади: 1. Windows XP: C:\Documents and Settings\Application data\Bitcoin; 2. Windows Vista, 7, 8, 10: C:\Users\AppData\Roaming\Bitcoin; 3. Mac OS X: ~/Library/Application Support/Bitcoin; 4. Linux: ~/.bitcoin.

Биткоин ҳамёнларидан фойдаланиш учун ишлатиладиган энг оммабоп дастур “Bitcoin Core” бўлиб, у блокчейн тарихининг тўлиқ нусхасини юклаб олишни талаб қилади. Бу дастур маҳаллий дискда wallet.dat номли файл яратади. Ушбу файлда махфий калит сақланади. У шифрланган ёки шифрланмаган ҳолда бўлиши мумкин. Агар махфий калит шифрланган бўлса, уни очиш учун ҳамён эгасининг ёрдами талаб қилинади. Шунингдек, “енгил” ёки электрон ҳамён мавжуд бўлиб, улар тўлиқ блокчейнни юклаб олмайди. Масалан, “Blockchain.com” каби платформалар шу турдаги ҳамёнларга киради.

Биткоин ҳамёнига кириш учун зарур бўлган махфий калит куйидаги манбаларда сақланиши мумкин: 1) wallet.dat файли – компьютер, телефон ёки аппарат ҳамёнда; 2) қоғоз шаклида – QR-код ёки ёзиб қўйилган махфий калит; 3) онлайн платформалар серверларида – виртуал биржалар ёки электрон ҳамён провайдерларида.

Электрон ҳамёнларга кириш учун фойдаланувчи номи (ID), парол ва икки босқичли аутентификация коди талаб қилиниши мумкин. Қоғоз ҳамёнлар интернетга уланмаган ҳолда махфий калитларни сақлайди. Агар қоғоз ҳамён топилса, у билан боғлиқ биткоинларга кириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, мах-

10 Коломинов В.В. *Осмотр места происшествия по делам в сфере компьютерной информации // Сибирские уголовно-правовые и криминалистические чтения.* – 2017 г. – №3. – С. 145–149.

11 Поляков В.В. *Анализ факторов, затрудняющих расследование неправомерного удаленного доступа к компьютерной информации // Проблемы правовой и технической защиты информации: сб. науч. ст.* – Барнаул : Изд-во Алт. ун-та, 2008 г. – С. 23.



фий калитга киришни тиклаш учун seed-фраза ишлатилади, у 12-24 та махсус луғат сўзларидан ташкил топади. Агар терговчи ушбу seed-фраза-ни топса, у барча биткоин манзилларига кириш имкониятига эга бўлади.

Аппарат ҳамёнлар – бу махсус ҳимояланган қурилмалар бўлиб, улар махфий калитларни сақлайди ва ҳимояланган тизимларга эга. Бундай ҳамёнлардан криптовалюталарни олиш учун гумонланувчининг ҳамкорлиги талаб этилади.

Мобил телефонлар учун ҳам биткоин ҳамёнлар мавжуд. Android, iOS ва Windows Phone операцион тизимларида ишлайдиган биткоин ҳамёнлари фойдаланувчи калитларини телефоннинг хотирасида сақлайди. Бундай ҳамёнларга кириш учун телефонни блокдан чиқариш, дастурни очиш ва PIN-код ёки бармоқ изи орқали тасдиқлаш талаб қилинади¹².

Терговчи ҳодиса жойига етиб боргач, ахборотнинг сақланишини таъминлаш учун куйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур: ҳеч кимга кўздан кечириш объектларига тегишга рухсат бермаслик; объектнинг электр таъминотини ўчиришга рухсат бермаслик; мутахассиснинг ишончли хулосасисиз техник воситаларни ўзбошимчалик билан қўлламалик; ахборотни ёки бошқа қимматли маълумотларни йўқ қилиш учун жинойтни яширишдан манфаатдор шахсларнинг уринишларини инобатга олиш; ноқонуний киришдан ҳимоя қилиш воситаларининг мавжуд бўлиш эҳтимолини ҳисобга олиш (бундай воситалар белгиланган вақтда махсус сигнал ёки кодсиз маълумотларни автоматик йўқ қилиш хусусиятига эга бўлиши мумкин).

Ҳодиса жойида одатда ташқи магнит дисклар, оптик дисклар, флеш-хотира карталари каби электрон ташувчилар, турли техника воситалари, яъни ноутбуклар, мобил телефонлар, планшет компьютерлар, электрон китоблар мавжуд бўлиши мумкин. Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасида ушбу ташувчилар ва техника воситаларининг мавжудлиги, жойлашган жойи, тури, номи ва уни идентификация қилувчи маълумотлар (маркировка

белгилари, серия рақамлари, ёзувлар) кўрсатилиши шарт.

Шунингдек, ҳодиса жойида турли рақамли техника ҳам бўлиши мумкин. Бу каби техник воситаларда жинойтга оид излар қолган бўлиши эҳтимоли бор. Бундай ускуналарнинг мавжудлиги баённомада қайд этилиб, уларнинг жиҳозлари ҳақида қўшимча маълумотлар келтирилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳати шундаки, айниқса крипто-активлар билан боғлиқ барча операциялар ва бошқа барча маълумотлар серверда сақланиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун сервер ўрнатилган жойни аниқлаш ва ўша жойни кўздан кечириш муҳим ҳисобланади. Бу ҳолда серверда жинойт билан боғлиқ маълумотлар мавжуд бўлиши эҳтимоли бор. Шундай ҳолатларда баённомада серверга тўғридан-тўғри кириш имконияти бўлмаган техник воситаларнинг мавжудлигини қайд этиш зарур. Чунки серверни бошқариш учун иш жойи одатда бошқа хоналарда жойлашган бўлади. Шунинг учун администратор ҳуқуқлари билан серверга кириш мумкин бўлган жойни ҳам аниқлаш ва уни жинойт содир этилган жой сифатида кўздан кечириш керак.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим: жинойтга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва изларини йўқотиш воситаларини аниқлаш, кўздан кечириш ва олиб қўйиш; электрон алоқа воситаларининг мавжудлиги; яширин ахборот олиш учун махсус техник воситаларнинг мавжудлиги; жинойтни содир этиш усулини очиб берадиган махсус адабиётлар, методик тавсиялар ва рақамли видеофильмларнинг мавжудлиги; рақамли қурилма хотирасида сақланаётган ва криминалистик аҳамиятга эга бўлган электрон ёзувларнинг мавжудлиги; биткоин манзиллар, исмлар, телефон рақамлари, тармоқдаги тахаллуслар, тармоқ манзиллари ва бошқа маълумотлар¹³.

Ахборот технологиялари соҳасидаги, шу жумладан, крипто-активлар айланмаси соҳа-

12 Мельник Л. Л. *Отдельные аспекты подготовки к проведению осмотра места происшествия при расследовании преступлений, совершенных с использованием криптовалют* // https://elib.institutemvd.by/handle/MVD_NAM/4428?mode=full

13 Маркарян Э.С. *Специфика проведения следственного осмотра при расследовании преступлений, совершенных с использованием криптовалют* // *Актуальные проблемы российского права*. 2018 г. № 6 (91) июнь. – С. 147-148.



сидаги қонунчиликни бузиш жиноятлари бўйича амалдаги тизим ва қўлланма дастурлар журналлари, транзакциялар амалга ошириш учун фойдаланиладиган дастур ҳамёнлар, wallet.dat файли ёки ҳамёнлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бошқа файлларни кўздан кечириш лозим. Бу жараёнда замонавий дастурий таъминотдан фойдаланиш талаб этилади, бу эса зарур файлларни тезда топиш ва уларнинг мазмунини талқин қилиш имконини беради. Бунда махсус тайёрланмаган компьютердан (масалан, терговчининг ишчи компютери) фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Кўздан кечириш жараёнида шахсий компьютер жинойи жихатдан аҳамиятли маълумотларнинг энг муҳим манбаи бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Шахсий компьютернинг техник жихатлари, айниқса, унинг ички ёки ташқи қаттиқ диски ва тармоқ картасига алоҳида эътибор бериш керак. Қаттиқ диск одатда криптовалюталар билан ишлаш учун махсус дастурий таъминот (ҳамён дастурлари ва майнинг дастурлари) ҳақидаги маълумотларни сақлайди. Тармоқ карталари эса интернет-провайдерлар томонидан мижозларни аниқлаш учун фойдаланиладиган уникал рақамга (МАС-манзил) эга бўлиб, бу кейинчалик крипто-активлар фойдаланувчисининг шахсини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек, шахсий компьютернинг IP ва МАС-манзилларини аниқлаш зарур.

IP-манзил — бу интернет ёки маҳаллий тармоқда қурилмани идентификация қилувчи ноёб манзил. IP “интернет-протокол” деган маънони англатади. У интернет ёки маҳаллий тармоқ орқали узатиладиган маълумотлар форматига оид қоидалар тўплами ҳисобланади. Асосан IP-манзиллар тармоқдаги қурилмалар ўртасида маълумот алмашишга имкон берадиган идентификатордир. Улар жойлашув ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади ва қурилмаларни алоқа учун мавжуд қилади. Интернет турли компьютерлар, маршрутизаторлар ва веб-сайтларни фарқлаш услуга эҳтиёж сезади. IP-манзиллар буни амал-

га ошириш имконини беради ва интернетнинг ишлашида муҳим рол ўйнайди¹⁴.

МАС-манзил (Media Access Control) – бу 48 та белгидан иборат бўлган ноёб рақам ва ҳарфлар комбинациясидир. Аслида бу компьютер, сервер, маршрутизатор, коммутатор порти ёки бошқа тармоқ ускуналарининг аппарат рақами бўлиб, у қурилманинг тармоқ картасига ишлаб чиқариш жараёнида заводда бириктирилади. МАС-манзил – бу IP-манзил эмас, уни осонликча ўзгартириш мумкин эмас, чунки у қурилмага аппарат даражасида ўрнатилади. Бироқ уни операцион тизим воситалари орқали ўзгартириш мумкин. МАС-манзил шунингдек, қурилманинг ноёб физик манзили деб ҳам аталади. У миллионлаб қурилмалар орасида идентификация қилишда ёрдам беради¹⁵.

IP ва МАС-манзилларни интернет-провайдерлар ва тўлов тизимларидан олинган маълумотлар билан таққослаш орқали жиноятга алоқадорликни аниқлаш мумкин.

Бундан ташқари, шахсий компьютерда ўрнатилган барча браузерлар маълумотларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга крипто-актив билан боғлиқ сайтларни кўриш, крипто-актив электрон ҳамёнларини рўйхатдан ўтказиш, биржалар ва алмаштириш сайтларига ташрифлар киради. TOR браузерга эътибор қаратиш зарур, чунки унинг мавжудлиги шахсий маълумотларни яшириш ва интернетдаги фаолият изларини ёпиш учун фойдаланишни кўрсатади. Ушбу дастурий таъминотдан фойдаланиш фойдаланувчининг тажрибаси ёки унинг ноқонуний фаолиятининг изларини яшириш истагини билдиради.

TOR сўзи “The Onion Router” сўзларининг қисқартмасидан олинган бўлиб, “пиёз маршрутчиси” деган маънони беради. Унинг қандай ишлашини пиёзга ўхшатишади. Пиёз бир неча қаватдан иборат бўлганидек, у ҳам шахсий компьютерларнинг уяли қатлаидан фойдаланади. Бу компьютерлар тармоғидан интернет маълумотлари шифрланган ҳолатда ўтади. Бу мураккаб жараён бўлгани боис ҳукуматлар кузатувиға қарши яхши ҳимоя ҳисобланади¹⁶.

Кўздан кечириш давомида маълумотлар-

14 <https://www.kaspersky.ru/resource-center/definitions> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.01.2025 й.).

15 <https://wiki.merionet.ru/articles> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.01.2025 й.).

16 <https://projects.voanews.com/circumvention/uzbek/tor> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 07.01.2025 й.).



ни синхронлаштириш воситалари ёки "булутли" хотиралар ҳам таҳлил қилиниши керак. Файлларни сақлаш билан бир қаторда интернетда файлларни синхронлаштириш воситаларидан (масалан, Dropbox, OneDrive, "Yandex Disk") фойдаланилган бўлиши мумкин. Уларда компьютер хотирасидан ўчирилган криптовалюта ҳамёни wallet.dat файли, контактлар ва бошқа маълумотлар сақланган бўлиши мумкин.

Ушбу имкониятни эътиборсиз қолдирмаслик керак, чунки синхронлаштириш фойдаланувчи буйруғисиз ҳам амалга ошиши мумкин. Масалан, компьютерга уланган ёки интернетга чиқиш пайтида мобил телефон орқали синхронлаштириш содир бўлиши мумкин. Dropbox булутини текшириш учун тегишли дастур ишлаётганига ишонч ҳосил қилиш лозим (компьютер экранининг ўнг пастки бурчагида очиқ қутича белгиси бўлиши керак). "Yandex Disk"га yandex.ru веб-сайтида электрон почтангиз учун паролни киритсангиз киришингиз мумкин. Синхронлаштириш воситаларини криминалистик жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти шундаки, бу гумон қилинувчининг бошқа қурилмаларида (смартфон, ноутбук, планшет) сақланган ёки у томонидан ўчирилган маълумотларни "булутли" хотирадан топиш имконини беради.

Терговда муваффақиятли натижаларга эри-

шиш учун махсус билимларга эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш жуда муҳим. Улар айбдор шахслар аниқланишида ва жиноят далиллари йиғилишида катта ёрдам кўрсатадилар. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда компьютер техникаси бўйича мутахассиснинг иштирок этиши шарт қилиб белгиланмаган, бироқ рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилган ёки кўздан кечирилган бўлса, бундай далил мақбул эмас деб топишга асос ҳисобланади¹⁷.

Кўздан кечириш натижасида олинган электрон қурилмалар ташқи таъсирлардан ҳимояланган тарзда махсус пакетларга жойланиб, механик шикастланишдан ҳимояланадиган шаклда ўралиб муҳрланиши ва терговчи ҳамда холислар томонидан имзоланиши керак. Ҳар бир ўрамда электрон қурилма қаердан олингани, русуми ва бошқа муҳим маълумотлар қайд этиб қўйилиши лозим.

Ўйлаймизки, мазкур таклиф ва тавсияларимиз амалиётда фаолият олиб бораётган суриштирувчи ва терговчилар учун ушбу турдаги жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тўғри ташкил этилишига ва шу орқали жиноятларнинг иссиқ изидан фош этилишига ҳамда сифатли тергов қилинишига хизмат қилади.

#

17 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 24-сонли қарори // <http://lex.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 13.01.2025 й.)



Иродабегим ЗОИРОВА,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти

АЙРИМ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада айрим тергов ҳаракатларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг иштирокига оид миллий қонунчилик ва халқаро стандартларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ҳамда олимларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилиб, мазкур соҳада мавжуд муаммолар юзасидан муаллиф хулосалари ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье представлен сравнительно-правовой анализ национального законодательства и международных стандартов, касающихся участия несовершеннолетних потерпевших в отдельных следственных действиях и приведены мнения ученых в этой области, а также, автором разработаны выводы и рекомендации по существующим проблемам в данной сфере.

ABSTRACT. This article provides a comparative legal analysis of national legislation and international standards regarding the participation of juvenile victims in certain investigative actions, as well as the opinions of scientists in this area. Furthermore, the author has developed conclusions and recommendations regarding existing problems in this field.

Калит сўзлар: жабрланувчи, сўроқ қилиш, тергов вақти, юзлаштириш, гувоҳлантириш, экспертиза, намуна олиш, текширув, далиллар.

Ключевые слова: потерпевший, допрос, время следствия, очная ставка, освидетельствование, экспертиза, отбор образцов, проверка, доказательства.

Key words: victim, interrogation, investigation period, confrontation, examination, expert examination, sampling, investigation, evidence.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, қонун устуворлиги бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган ҳуқуқий ислохотларнинг янги босқичи изчил давом этмоқда. Хусусан, 2019 йил 6 декабрь ва 2021 йил 7 декабрда қабул қилинган қонунларга мувофиқ¹ жиноят-процессуал қонунчилигида бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ислохотлар давомида жиноят-процессуал қонунчиликка бир қатор муҳим ўзгартиришлар киритилган бўлса-да, вояга етмаган жабрланувчиларнинг тергов жараёнларида иштирок этишида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ камчиликлар кузатилмоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддасида вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишнинг умумий давом этиш вақти кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда тўрт соатдан ошмаслиги кераклиги белгиланган. Бирок

ушбу қонданинг моҳияти барча ёшдаги (18 ёшгача бўлган) вояга етмаган жабрланувчиларга татбиқ қилинади. Ваҳоланки, кичик ёшдаги жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларига мувофиқ сўроқ вақтининг қисқа чегарасини тўлиқ қамраб олмайди. Шунингдек, мазкур моддада сўроқ қилишнинг даврийлик масаласи ҳам белгиланмаган. Бундан келиб чиқадики, терговчи томонидан кичик ёшдаги жабрланувчиларни ҳам, масалан, саккиз ёшли бола иштирокида кун давомида тўрт соатгача токи жиноят ҳақидаги далиллар ўз тасдиғини топгунга қадар қайта-қайта сўроқ ўтказилишига йўл қўйилиши мумкин. Фикримизча, бундай ҳуқуқни қўллаш жараёни вояга етмаган жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларига зид ҳисобланади.

Бу масалада Б.Муҳиддинов сўроқ қилинаётган шахсда хаёлпарастлик, воқеа моҳиятини тушунмаслик, содир бўлган ҳодисани тўлиқ эслай олмаслик каби ҳолатлар ҳам юзага келиши мумкинлигини, бундай ҳолда суриштирувчи ёки терговчи сўроқ қилинаётган шахсга ишончли ва ҳолисона кўрсатув беришига ёр-

1 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрдаги 735-сонли қонуни – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон.



дамлашиши лозимлигини эътироф этган². Шунга ўхшаш ҳолатларда МДХ тадқиқотчиларининг мулоҳазаларига кўра тергов вақтида вояга етмаган шахсларнинг кўрсатувлари икки асосий жиҳатларни ўзида жамлайди, биринчидан, боланинг гувоҳлиги, яъни кўрсатуви жиноят ишида асосий далил бўлса, иккинчидан, вояга етмаганлар тақдим этаётган маълумотлар етарлича ишончли ёки ишончли эмаслигини баҳолаш ҳисобланади³. Бундан ташқари, С.Зелениннинг ёндашуви ҳам эътиборга молик бўлиб, у вояга етмаган жабрланувчи иштирокидаги жиноят иши бўйича ҳукукий нормаларнинг “амал қилиш шартлари” нуқтаи назаридан сўроқ қилинувчининг ёши, сўроқ ўтказувчи шахсларга қўйиладиган талаблар, иккиламчи виктимизациянинг олдини олиш каби омиллар мавжуд бўлишини таъкидлаган⁴. С.Чернова сўроқ ўтказиш жараёнида процессуал қоидаларни белгилашда вояга етмаган шахснинг жабрланувчи сифатидаги процессуал мақомини белгилувчи ёш чегаралари алоҳида аҳамият касб этишини изоҳлаган⁵. В.Дударев ўз тадқиқотларида 80 та жиноят ишини таҳлил қилиб, вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги тахминан бир соатни ташкил этишини таснифлаган⁶.

Вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилиш масаласида ёритилган фикрлар ўртасида бир қатор муҳим илмий ва амалий жиҳатлар мавжуд. Б.Мухиддиновнинг таъкидлашича, сўроқ қилинаётган шахсда руҳий ҳолатларни инобатга олган ҳолда терговчи ёки суриштирувчи ишончли ва ҳолисона кўрсатув беришга ёрдам бериши билан боғлиқ қарашларига қисман қўшиламыз, чунки тергов жараёнида психологик ёки ноўрин ёндашув ҳолатлари кузатилиши мумкин, бунда асосий эътибор терговчиларга қўйиладиган талаблар ва тўғри сўроқ усуллари қаратилиши лозим. Шунингдек, МДХ давлатлари тадқиқотчиларининг фикри ҳам

бу ҳолатни тасдиқлаб, болаларнинг ёшга боғлиқ ҳис-туйғулари имкониятлари уларнинг гувоҳликларига доир бошқа ҳолатларни ҳар томонлама баҳолашга ёрдам беради. Бу масалада В.Дударевнинг хулосалари ўринлидир. Фикри-мизча, аниқ кўрсаткичлар эмас, балки сўроқ давомийлиги учун ёшга доир муқобил вақт чегарасини белгилаш зарур.

Шунингдек, ҳар бир ҳолатда терговчиларнинг малакаси, психологик билимлар ва ёшга мос юритилган сўроқ услублари ҳар қандай жиноят ишини тергов қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиш лозим. Мазкур ҳолатдан келиб чиққан ҳолда халқаро стандартларга тўхталадиган бўлсак, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддаси иштирокчи-давлатлардан боланинг фикрлари унинг ёши ва етуқлик даражасига қараб тегишли эътиборга олинишини таъминлашни талаб этади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрларига ўхшаш тарзда вояга етмаган жабрланувчи билан тергов ҳаракатларини, жумладан, сўроқ қилишни ўтказишнинг бир қатор мезонлари: ўтказиш жойи, давомийлиги ва такрорланиш даврийлиги белгиланган⁷.

Бундан ташқари, қонунчиликда вояга етмаган жабрланувчи иштирокида юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, экспертиза, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, гувоҳлантириш каби процессуал ҳаракатларни ўтказишда алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашишни акс эттирадиган меъёрий-ҳукукий ўзгартиришни талаб этувчи ҳолатлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ таҳлил қиладиган бўлсак, юзлаштириш ўтказиш чоғида вояга етмаган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига амал қилган ҳолда олинади. Бироқ ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибида вояга етмаган жабрланув-

2 Б.Х.Мухиддинов *Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар*. CENTRAL ASIAN RESEARCH JOURNAL FOR INTERDISCIPLINARY STUDIES (CARJIS). VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2022

3 А.В.Карпова, Ю.А.Михайлова, Д.С.Чижова *Возможности психологического анализа показаний несовершеннолетних свидетелей и потерпевших в уголовном судопроизводстве*. [Электронный ресурс] // Психология и право. 2019(9). № 4. – С. 174-186.

4 С.Р. Зеленин *Исследование судом показаний несовершеннолетнего потерпевшего или свидетеля* // Уголовный процесс. 2015 г. №11. – С. 25.

5 С.С. Чернова *“Опрос несовершеннолетнего потерпевшего: процессуальные аспекты”*. Юридическая наука и правоохранительная практика 2(48) 2019 г. – С. 94.

6 В.А. Дударев *Порядок производства допроса несовершеннолетних потерпевших (свидетелей) по уголовно-процессуальному законодательству России и Республики Беларусь* // Международное уголовное право. 2015 г. №1. –С. 23.

7 Жиноят жабрланувчилари ва гувоҳлари бўлган болалар иштироки билан боғлиқ масалаларда одил судловга тааллуқли бўлган раҳбарий тамойиллар (БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 36-ялпи мажлисида 2005 йил 22 июлда қабул қилинган 2005/20-сонли резолюция).



чиларнинг руҳий ҳолати ҳамда хавфсизлигига доир қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қоидалар йўқ. Таниб олиш учун кўрсатиш вақтида 130-моддага кўра вояга етмаган жабрланувчининг кўрсатувлари таниб олиш учун бир гуруҳ шахслар ёки бир нечта нарса кўрсатилганидан кейин у илгари тасвирлаган шахс ёки нарсани кўрсатиш, унга кўрсатилган бошқа шахслар ёки нарсалар орасидан бу шахсни ёки нарсани қайси белгилари ёки хусусиятларига кўра таниганлигини тушунтириб бериш, кўрсатилган шахслар ёки нарсаларни илгари кўрмаганлигини айтса, унга қидириладиган шахс ёки қидириладиган нарса улардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириб беришдан иборатдир. Бироқ мазкур тергов ҳаракатларида юзлаштириш ўтказиш билан боғлиқ амалиёт мавжуд бўлиб, бунда вояга етмаган жабрланувчи жиноят содир этган шахснинг юзма-юз иштирок этишида хавфсизлик чоралари белгиланмаган.

Хусусан О.Алланазаровнинг таъкидлашича, вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин юзга келган қарама-қаршиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, терговчи вояга етмаган шахсни бошқа шахсларнинг бошқача мазмундаги кўрсатувлари билан таништириш, далилларни тақдим қилиш, видеоёзувларни намойиш этиш каби тактик усулларни қўллаб сўроқ қилиши зарурлигини изоҳлаган⁸. Фикримизча, жиноятдан жабрланган вояга етмаган шахсларга гумон қилинувчи ёки айбланувчини тўғридан-тўғри юзлаштиришдан кўра улар ҳақидаги муқобил тасвирлар орқали тергов ҳаракатларини олиш бориш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Ф.Базаровнинг зўравонлик ёки жинсий эркинликка тажовуз билан боғлиқ ҳолда содир этилган одам савдоси жиноятлари оқибатида жабрланувчилар, айниқса, вояга етмаган шахслар билан ўтказиладиган суриштирув, тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида уларнинг руҳий ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиши, уларга руҳий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши лозимлиги⁹ тўғрисидаги тавсиялари фикримизни тасдиқлайди.

Гувоҳлантиришни ўтказиш тартиби

146-моддада келтирилган бўлиб, унга кўра қоидаларнинг моҳияти процесснинг иштирокчилари учун умумийлик жиҳатидан тегишлидир. Шу билан бирга, гувоҳлантирувчилар учун алоҳида ёндашув шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлмаган гувоҳлантириш суриштирувчи ёки терговчи томонидан холислар иштирокида, зарур ҳолларда эса, шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади. Ушбу турдаги гувоҳлантириш тарафлар иштирокида суд томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек ушбу Кодекс 142-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади. Бироқ гувоҳлантирувчи шахс вояга етмаган жабрланувчи бўлганида гувоҳлантиришни амалга оширувчи шахс бир жинсда бўлиши тўғрисидаги норма мавжуд эмас. Бундан ташқари, 145-моддага кўра суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу ҳақдаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир. Ушбу тергов ҳаракати агарда вояга етмаган шахснинг қонуний манфаатларига зид ҳисобланадиган бўлса, гувоҳлантиришни ўтказишни чегараловчи қоида келтирилмаган. Уларнинг қонуний вакили иштироки эса умумий қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 172, 173-моддаларига мувофиқ экспертиза тайинланиши учун асос ва шартлар белгиланган. Шунингдек, 181-моддага кўра мураккаб тиббий текширув усулларида, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказиладиган шахснинг розилиги билан, агар ушбу шахс вояга етмаган ёки унинг руҳий ҳолати бузилган бўлса, унинг қонуний вакилининг, васийсининг ёки ҳомийсининг розилиги билан йўл қўйилади. Бироқ ушбу ҳуқуқлар амалиётда терговчилар томонидан тушунтирилса-да, вояга етмаган

8 О.Д. Алланазаров *Вояга етмаганлар иштирокида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари*. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue - 2, №01 (2020 й.) / ISSN 2181-1415. 153-б.

9 Ф.А.Базаров *Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларнинг ўрни ва аҳамияти*. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси, 2019 йил, №1, 43-бет.



жабрланувчининг экспертиза тергов ҳаракати билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиловчи ҳуқуқий асос мавжуд эмас.

Бундан ташқари, 196-моддада экспертиза текшируви учун намуналар олишда шахс ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши белгиланган бўлиб, унга кўра эксперт текшируви учун намуналар олишда қўлланиладиган усуллар ва илмий-техникавий воситалар инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлиши лозим. Кучли оғриқ берадиган мураккаб тиббий тадбирлар ва усулларни қўллаш намуна олиниши лозим бўлган шахснинг розилиги билан, башарти у вояга етмаган ёки руҳий ҳолати бузилган бўлса, унинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомийларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Бу масалада ўзбекистонлик олимларнинг фикр-мулоҳазаларига юзланадиган бўлсак, Ю.Пулатов ҳамда Н.Хайриевларнинг фикрича¹⁰, жабрланувчига экспертизани тайинлаш ва ўтказишда айбланувчи билан тенг ҳуқуқлар берилиши лозимлиги, жабрланувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш нафақат унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, балки иш ҳолатларини ҳар томонлама ва ҳолис ўрганишга ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтишган. Шунингдек, улар экспертиза текшируви учун намуналар олишда жабрланувчининг розилигисиз ундан намуна олиш мумкин эмаслигини, бинобарин жабрланувчига қуйидагиларни тушунтириш кераклигини, яъни уларни олиш ва эксперт текширувини ўтказиш, шу жумладан, бу жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳимлигини; намуна олиш хавфсизлиги ва бу унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш билан боғлиқ эмаслигини таклиф сифатида келтиришган.

Хусусан, хорижлик олимлар К.Лонсуэй ва Дж.Аршамболар ўз тадқиқотларида¹¹ кўпгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда маълум бир ёшга етмаган (масалан, 14 ёш) жабрланувчилар полиция ходими ёки терговчи томонидан

эмас, балки суд-тиббий экспертизаси тергов мутахассиси томонидан ўтказилиши тўғрисидаги таклифларни илгари суришади. Улар ўз мулоҳазаларида бу тавсия этилган амалиёт эканлигини, аслида суд-тиббий тергов қилиш жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш учун, масалан, жабрланувчида нуқсонлар мавжуд бўлса қўлланилиши кераклигини изоҳлашган. Шуэллер Маккензи ўз тадқиқотида тергов жараёнларининг самарали амалга оширилишида жабрланувчилар билан бир жинсдаги экспертларнинг текширувлардаги мувофиқликка боғлиқлигини аниқлаган¹².

Сольхейм ва бошқа тадқиқотчилар руҳий саломатлик хизматларидан фойдаланаётган 10 мингдан ортиқ бола (6-18 ёш) орасида тадқиқот ўтказиб, зўравонлик жинояти содир этилганидан кейин вояга етмаган жабрланувчининг шахсий тана қисмларини бегона одамга (экспертга) кўрсатиш билан боғлиқ тушқунлик аломатларини аниқлашган¹³. Ноэль О'Кифф, Розалин Макэлвани эса, экспертизадан олдин ва уни ўтказиш жараёнида болалар ҳуқуқлари ҳақида хабардор бўлиши кераклиги, терговчи томонидан экспертиза бўйича иштироки жиноятни аниқлашга ёрдам беришини тушунтириши улардаги қўрқув ва хавотирни камайтириши мумкинлигини изоҳлашган¹⁴. Бироқ фикримизча, суд-тиббий экспертиза ходимининг қарама-қарши жинс вакилининг иштирок этиши ҳолатларида зўравонликка оид жиноятдан жабрланган вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқармайди. Хусусан, Шуэллер Маккензи ва Сольхеймнинг тадқиқотларидаги ҳуқуқни қўллаш тергов ҳаракатларида болаларнинг жисмоний ёки психологик-эмоционал жиҳатдан зарар кўришининг олдини олиш учун эмас, балки жабрланувчининг ахлоқий манфаатларини таъминлаш учун амалга оширилиши кераклигига оид қарашларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, бу масала халқаро стандартларда ҳам эътироф этилган бўлиб, UNODCнинг “Жиноят жабрла-

10 Ю.Пулатов, Н.Хайриев “Жабрланувчи ва гувоҳнинг суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказишда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш масалалари”. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue – 3 № 4 (2022 й.) / ISSN 2181-1415.

11 Lonsway, K.A., Archambault, J. “Should Sexual Assault Victims Be Interviewed by Female Officers and Detectives?” End Violence Against Women International. August 2023. https://evawintl.org/wp-content/uploads/2015-01_TB_Officer_Gender1.pdf

12 Schueller Mckenzie “Impact Of Expert And Victim Gender In A Case Involving Intimate Partner Violence” (2022). Theses and Dissertations. 4374. <https://commons.und.edu/theses/4374>

13 Solheim Skar, A.M., Ormhaug, S.M. & Jensen, T.K. (2019) Reported levels of upset in youth after routine trauma screening at mental health clinics. JAMA Network Open, 2(5), e194003. Available from: <https://doi.org/10.1001/jamanetworkopen.2019.4003>

14 Noelle O' Keeffe, Rosaleen McElvaney. Forensic medical examinations: The body as gateway to healing after child sexual abuse. Child Abuse Review, 2022;31:e2750. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1002/car.2750>



нувчилари ва гувоҳлари бўлган болалар билан боғлиқ ишлар бўйича одил судлов тўғрисида”ги намунавий қонунининг¹⁵ 14-моддасида жисмоний ёки тана текширувлари эҳтиёткорлик билан, иложи борича терговчиларнинг камроқ аралашув орқали ва бола билан бир жинсга мансуб шахс томонидан ўтказилиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек, далил тўплаш мақсадида тиббий текширувлар фақат зарур ҳолларда боланинг ёки унинг ота-онаси ёхуд васийсининг розилиги билан болаларга нисбатан зўравонлик белгилари ва аломатларини аниқлаш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган шифокор томонидан амалга оширилиши лозимлиги келтирилган.

Юқорида умумий таҳлилимиздан келиб чиққан ҳолда вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида уларнинг суд мажлисида ҳозир бўлишининг олдини олишга қаратилган куйидаги таклифларимизни келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддасига вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлиги вояга етмаганнинг ёши ва ҳолатидан келиб чиқилиши ҳамда: 1) 7 ёшгача бўлганларга – танаффусларсиз 30 дақиқадан, жами 1 соатдан; 2) 7 ёшдан 14 ёшгача бўлганларга – танаффусларсиз 1 соатдан, жами 2 соатдан; 3) 14 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга – танаффусларсиз 2 соатдан, жами 4 соатдан ошмаслиги кераклиги ҳақидаги нормалар киритилиши, шунингдек, 122-моддага (юзлаштириш учун асослар) “Вояга етмаган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юзлаштириш махсус

сўроқ хоналарида аудио- ва видеоёзувлардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин” деган мазмунда янги норма киритилиши лозим.

Мазкур кодекснинг 127-моддасини (*шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби*) “**Шахсни вояга етмаган жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатишда унинг фотосура-тидан, видеоёзудан кўрсатишда фойдаланиш мумкин**” деган мазмундаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Инсонпарвар қоидаларни мамлакатимиз ҳуқуқ тизими ҳамда жамиятимиз ҳолатидан келиб чиққан ҳолда қонунчилигимизга киритишимиз лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 146-моддасининг (*гувоҳлантиришни ўтказиш тартиби*) иккинчи қисми иккинчи хатбоши “**Ушбу турдаги гувоҳлантириш тарафлар иштирокида суд томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Агар вояга етмаган жабрланувчининг манфаатлари талаб этса, ушбу турдаги гувоҳлантиришни ўтказувчи шахс улар билан бир жинсда бўлиши лозим**” деган мазмунда ўзгартирилиши лозим.

Хулосамизга кўра, вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишда уларнинг ёши, ақлий ривожланганлик даражаси, ҳаётий тажрибаси камлиги инobatга олиниши, шунингдек, муайян тергов ҳаракатидаги иштироки унга “психологик жароҳат” етказиб қўйиши мумкинлигига эътибор қаратиш зарур.

#

15 В.А. Лазарева “Особенности проведения оперативно-розыскных мероприятий (ОРМ) для установления оснований уголовной ответственности” // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Юридические науки. 2011 г. № 4. – С. 54-57.



Журналда нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.